

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

33-сон
(897)
2019 йил
19 август

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

569. «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 13 августдаги ўРҚ–552-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

570. «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги ПФ–5780-сон Фармони

571. «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш

- чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги ПФ–5781-сон Фармони
572. «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги ПҚ–4417-сон қарори
573. «Ўзбекистон Республикасида мувофиқликни баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш ва синов лабораториялари комплексини ривожлантириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 августдаги ПҚ–4419-сон қарори
574. «Қорақўлчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 августдаги ПҚ–4420-сон қарори

Бешинчи бўлим

575. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 13 июлдаги 15/9-сон «Кўп валютали бухгалтерия ҳисоби тизимида Ўзбекистон Республикаси банклари балансининг актив ва пасивларидаги валюта ҳисобварақлари қолдиқларини қайта баҳолаш қоидалари ва унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 12 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 535-3*)
576. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 13 июлдаги 15/10-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 12 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1834-8*)
577. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 26 июлдаги 2019-45-сон «Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 12 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2383-5*)
578. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 12 августдаги 329-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 12 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 989-2*)
579. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 12 августдаги

- 330-мх-сон «Тижорат ташкилотлари таъсис ҳужжатларининг намунавий шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 12 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2848-4*)
580. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 13 августдаги 331-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 13 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1474-2*)
581. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 13 августдаги 332-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 13 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2097-3*)
582. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 29 июлдаги 6-мб-сон «2019 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорнинг 102-иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 13 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3083-2*)
583. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2019 йил 29 июлдаги 209-сон «Ўзбекистон Республикаси ИИБ Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати техника назорати бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқнинг 2.2-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 13 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1252-4*)
584. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг 2019 йил 30 июлдаги 4-сон, 63-ққ-сон «Автотранспорт воситаларини тасарруф этиш ва уларни бошқариш ҳуқуқини берувчи ишонч-номаларни расмийлаштириш бўйича» кўрсатмани ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 13 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 929-1*)
585. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2019 йил 2 августдаги 07-сон «Ўзбекистон Республикаси фойдали қазилмалари захираларини ҳисобга олиш ва ҳисобот балансларини тузиш бўйича йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 13 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2699-1*)
586. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 14 августдаги

- 337-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 14 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1759-1*)
587. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 14 августдаги 338-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 14 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2635-1*)
588. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардиясининг 2019 йил 22 июлдаги 5, 58-ққ, 17-сон «Тошкент давлат юридик университетининг Ихтисослаштирилган филиали талабалари томонидан амалиёт ва касбий стажировкани ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 15 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3175*)
589. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2019 йил 18 июлдаги 89-сон «Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатиладиган касалликлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 15 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3176*)
590. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 15 августдаги 341-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 15 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 552-5*)
591. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 15 августдаги 342-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 15 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1319-2*)
592. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 15 июлдаги 01-02/12-45-сон «Ўзбекистон Республикаси Божхона ҳудудида автомобиль ва темир йўл транспорт воситаларида божхона назорати остидаги товарлар ташилганда юк бўлимларига махсус божхона пломбалари қўйиш қоидаларига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 16 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2904-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2019 йил 10 августдан 16 августгача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

569 Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2019 йил 26 апрелда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 3 майда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини (бундан буён матнда ер участкаси деб юритилади) хусусийлаштириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ер участкаси — қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун берилмаган ёки ушбу мақсадлар учун мўлжалланмаган ер участкаси;

ер участкасини хусусийлаштириш — оммавий мулк бўлган ер участкасини Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган жисмоний шахслар ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган юридик шахслар мулкига ўтказиш;

бўш турган ер участкаси — бинолар ва иншоотлар жойлашмаган, ҳеч қандай мажбуриятлар ёки тақиқлар ўрнатилмаган ва оммавий мулк бўлган ер участкаси;

электрон онлайн-аукцион — аукцион шаклидаги электрон савдоларни ўтказиш усули бўлиб, бунда ер участкалари Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ихтисослаштирилган электрон савдо майдончасида ундан потенциал харидорларнинг тенг равишда фойдаланиши асосида реализация қилинади.

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 13 августда эълон қилинган.

4-модда. Ер участкаларини хусусийлаштиришнинг асосий принциплари

Ер участкаларини хусусийлаштиришнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

қонунийлик;

ихтиёрийлик;

ҳақ тўлаш;

хусусийлаштириладиган ер участкаларининг ва уларда жойлашган кўчмас мулк объектларининг бирлиги;

очиклик ва шаффофлик.

5-модда. Қонунийлик принципи

Ер участкаларини хусусийлаштириш ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига қатъий мувофиқ тарзда амалга оширилиши керак.

6-модда. Ихтиёрийлик принципи

Ер участкаларини хусусийлаштириш ихтиёрийлик асосида амалга оширилиши керак.

Юридик ва жисмоний шахслар ер участкаларини хусусийлаштиришга бўлган ҳуқуқларини ўз хоҳиш-иродаси билан ва ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширади.

Ер участкаларини хусусийлаштиришга мажбурлаш тақиқланади.

7-модда. Ҳақ тўлаш принципи

Ер участкаларини хусусийлаштириш тўлов асосида амалга оширилади.

8-модда. Хусусийлаштириладиган ер участкаларининг ва уларда жойлашган кўчмас мулк объектларининг бирлиги принципи

Юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк объектлари жойлашган ер участкаларини хусусийлаштириш ҳуқуқи фақат ушбу объектларнинг мулкдорларига тегишлидир.

Кўчмас мулк объектлари жойлашган ер участкаларини хусусийлаштириш ушбу ер участкаларида жойлашган кўчмас мулк объектларини хусусийлаштириш билан бирга амалга оширилади.

9-модда. Очиклик ва шаффофлик принципи

Ер участкаларини хусусийлаштириш жараёни очик ва шаффоф бўлиши керак.

Давлат органлари ва ташкилотлари ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисидаги ахборотдан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган усуллар орқали эркин фойдаланилишини таъминлаши шарт.

10-модда. Хусусийлаштириш объектлари

Ер участкаларини хусусийлаштириш объектлари қуйидагилардан иборат:

юрidik шахсларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ёки улар томонидан хусусийлаштирилаётган бинолар ва иншоотлар, ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари жойлашган ер участкалари, шунингдек уларга туташ бўлган, ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун зарур ўлчамлардаги ер участкалари;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига яқка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун берилган ер участкалари;

бўш турган ер участкалари;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Урбанизацияни ривожлантириш жамғармасига (бундан буён матнда Урбанизацияни ривожлантириш жамғармаси деб юритилади) берилган ер участкалари.

11-модда. Хусусийлаштирилмайдиган ер участкалари

Қуйидаги ер участкалари хусусийлаштирилмайди:

тасдиқланган ва эълон қилинган режалаштириш схемалари бўлмаган ҳудудларда жойлашган ер участкалари;

рўйхати қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган, хусусийлаштирилмайдиган фойдали қазилмалар конлари, давлат мулкидаги стратегик объектлар жойлашган ер участкалари;

табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадлари ва тарихий-маданий мақсадлар учун мўлжалланган ерлар таркибига кирувчи ер участкалари, шунингдек ўрмон ва сув фондларининг, шахарлар ва шаҳарчаларнинг умумий фойдаланишдаги ерлари (майдонлар, кўчалар, тор кўчалар, йўллар, соҳил бўйлари, скверлар, хиёбонлар);

хавfli моддалар билан зарарланган ва биоген захарланишга дучор бўлган ер участкалари;

эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари иштирокчиларига берилган ер участкалари.

12-модда. Ер участкаларини хусусийлаштириш субъектлари

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган жисмоний шахслар ва Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган юридик шахслар ер участкаларини хусусийлаштириш субъектларидир.

Чет эллик фуқаролар ва Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари бўлган юридик шахслар, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар ер участкаларини хусусийлаштириш субъектлари бўлмайди.

13-модда. Ер участкаларини хусусийлаштириш шакллари

Ер участкаларини хусусийлаштириш қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

доимий фойдаланиш (эгаллик қилиш) ёхуд мерос қилиб қолдириладиган

умрбод эгалик қилиш ҳуқуқлари асосида тегишли бўлган ер участкаларини юридик ва жисмоний шахслар томонидан сотиб олиш;
ер участкаларини электрон онлайн-аукцион орқали сотиш.

14-модда. Ер участкаларини хусусийлаштиришдан тушадиган маблағларни йўналтириш

Ер участкаларини хусусийлаштиришдан тушадиган маблағлар Урбанизацияни ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади.

2-боб. Ер участкаларини хусусийлаштириш соҳасида давлат бошқаруви

15-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ер участкаларини хусусийлаштириш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ер участкаларини хусусийлаштириш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

аҳоли пунктлари ва ҳудудларни режалаштириш ҳамда ривожлантиришга доир шаҳарсозлик ҳужжатларининг ишлаб чиқилишини, тасдиқланиши ва эълон қилинишини ташкил этади;

бўш турган ер участкаларини хусусийлаштириш тартибини белгилайди; хусусийлаштириладиган ер участкалари учун ҳақ миқдорларини, шунингдек уни тўлаш тартибини белгилайди;

Ер участкаларини хусусийлаштириш бўйича давлат хизматлари кўрсатишга доир маъмурий регламентни тасдиқлайди;

ер участкаларининг бозор қийматини аниқлаш тартибини белгилайди.

16-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ер участкаларини хусусийлаштириш соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилади; кейинчалик электрон онлайн-аукцион орқали хусусийлаштириш мақсадида бўш турган ер участкаларини аниқлайди;

Урбанизацияни ривожлантириш жамғармасига бериладиган ер участкаларини аниқлайди.

17-модда. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг ер участкаларини хусусийлаштириш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси:

ер участкаларининг инвентаризациясини амалга оширади;

ер участкаларининг хариталарини тузади;
хусусийлаштириладиган ер участкаларининг майдони ва чегараларини белгилайди;
хусусийлаштирилиши лозим бўлган бўш турган ер участкалари юзасидан материаллар тайёрлайди;
ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатиغا олинишини амалга оширади.

18-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг ер участкаларини хусусийлаштириш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги:
ер участкаларини хусусийлаштиришнинг очик ва шаффоф механизмини савдолар ташкилотчиси орқали таъминлайди;
Интернет жаҳон ахборот тармоғида ихтисослаштирилган электрон савдо майдончасининг фаолият кўрсатишини таъминлайди ва электрон онлайн-аукционлар ўтказилишини ташкил этади.

19-модда. Урбанизацияни ривожлантириш жамғармасининг ер участкаларини хусусийлаштириш соҳасидаги ваколатлари

Урбанизацияни ривожлантириш жамғармаси:
ер участкаларини хусусийлаштиришдан тушган маблағларни жамлаб, кейинчалик улардан урбанизация жараёнларини ривожлантириш учун мақсадли равишда фойдаланади;
ўзига берилган ер участкаларини инфратузилмавий ривожланишга доир ишлар якунланганидан сўнг электрон онлайн-аукцион орқали реализация қилади.

20-модда. Давлат органларининг ҳамкорлиги

Давлат органлари маълумотлар базаларининг ер участкаларини хусусийлаштириш масалаларига тааллуқли қисми бўйича ахборот алмашиш орқали ҳамкорликни амалга оширади.

3-боб. Кўчмас мулк объектлари жойлашган ер участкаларини хусусийлаштириш

21-модда. Кўчмас мулк объектлари жойлашган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисидаги ариза

Кўчмас мулк объектлари жойлашган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисидаги ариза (бундан буён матнда ариза деб юритилади):
Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган юридик шахс томонидан ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ёки ушбу шахс томонидан хусусийлаштирилаётган бинолар ва иншоотлар, ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари жойлашган ер участкаларига, шунингдек уларга туташ

бўлган, ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун зарур ўлчамлардаги ер участкаларига нисбатан;

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган жисмоний шахс томонидан ўзига якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун берилган ер участкаларига нисбатан берилади.

Ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи жисмоний шахсга ўтганда мазкур ер участкасини хусусийлаштиришга бўлган ҳуқуқ ҳам ўтади.

Агар хусусийлаштириладиган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объекти улушли ёки биргаликдаги мулк бўлса ёхуд кўп квартирали турар жой бўлса, ариза барча иштирокчиларнинг (мулкдорларнинг) фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ тузиладиган келишувига биноан, бундай келишувга эришилмаган тақдирда эса суд томонидан белгиланган тартибда берилади.

22-модда. Хусусийлаштириладиган ер участкасининг майдони ва чегараларини аниқлаш

Юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулк объектлари жойлашган ер участкаларини хусусийлаштириш уларга бўлган мулк ҳуқуқини ёки ашёвий ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатда кўрсатилган ер участкаларининг майдони ва чегаралари доирасида амалга оширилади. Мазкур ер участкаларини хусусийлаштиришда уларнинг майдони ва чегараларига ўзгартишлар киритишга йўл қўйилмайди.

Бинолар ва иншоотларга, ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларига туташ бўлган, ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган тартибда амалга оширилади. Мазкур ер участкалари хусусийлаштирилаётганда уларнинг майдони ва чегаралари хусусида суд тартибида низолашилиши мумкин.

23-модда. Аризани бериш ва кўриб чиқиш тартиби

Ариза ер участкаси жойлашган ердаги туман (шаҳар) ҳокимининг номига давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикасининг Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали берилади.

Ариза ер участкаларини хусусийлаштириш масаласини Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссия томонидан кўриб чиқиш учун асос бўлади.

Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссия ариза олинган кундан эътиборан ўн иш куни ичида уни кўриб чиқади ва Ер участкаларини хусусийлаштириш бўйича давлат хизматлари кўрсатишга доир маъмурий регламентга мувофиқ ўз ижобий ёки салбий хулосасини тузади.

Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссиянинг хулосаси туман (шаҳар) ҳокимининг ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисидаги ёки уларни хусусийлаштиришни рад этиш ҳақидаги тегишли қарорини қабул қилиш учун асос бўлади.

24-модда. Ер участкаларини хусусийлаштиришни рад этиш учун асослар

Ер участкаларини хусусийлаштиришни рад этиш учун қўйидагилар асос бўлади:

ер участкаларини хусусийлаштириш учун ушбу Қонунда назарда тутилган асосларнинг мавжуд эмаслиги;

хусусийлаштириладиган ер участкаларига нисбатан тугалланмаган суд муҳокамаларининг мавжудлиги;

хусусийлаштириладиган ер участкаларида жойлашган кўчмас мулк объектларига нисбатан тақиқнинг ёки хатловнинг мавжудлиги;

аҳоли пунктлари тасдиқланган бош режаларининг, шунингдек ариза берилгунига қадар қабул қилинган ҳамда ер участкаларини хусусийлаштиришга бевосита тўсқинлик қилаётган ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш, инфратузилма объектларини қуриш тўғрисида ваколатли давлат органлари ҳужжатларининг мавжудлиги;

аризада нотўғри, бир-бирига зид бўлган ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар аниқланганлиги;

хусусийлаштириладиган ер участкаси учун тўловнинг ушбу Қонунда белгиланган муддатда амалга оширилмаганлиги ёки тўлиқ амалга оширилмаганлиги.

Ер участкаларини хусусийлаштиришни бошқа сабабларга кўра рад этишга йўл қўйилмайди.

25-модда. Хусусийлаштириладиган ер участкаси учун тўлов

Хусусийлаштириладиган ер участкаси учун тўлов Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссиянинг ижобий хулосаси тўғрисида ёзма ёки электрон билдиришнома олинганидан кейин ўн иш куни ичида жисмоний ва юридик шахс томонидан амалга оширилади.

Кўчмас мулк объектлари жойлашган ер участкасини хусусийлаштириш учун тўловнинг миқдори юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ҳамда хусусийлаштириладиган кунда тегишли ерлар учун белгиланган ер солиғи ставкасининг каррали миқдорларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Хусусийлаштириладиган ер участкаси учун тўлов миқдорини белгилашда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ер участкаларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг айрим тоифаларига, шу жумладан ер солиғини тўлашдан озод қилинган юридик ва жисмоний шахсларнинг айрим тоифаларига нисбатан табақалаштирилган коэффициентларни белгилашга ҳақли.

26-модда. Ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисидаги ёки хусусийлаштиришни рад этиш ҳақидаги қарор

Ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисидаги қарор хусусийлаштириладиган ер участкаси учун тўлов амалга оширилганидан сўнг уч иш куни ичида қабул қилинади.

Ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисидаги қарор суддан ташқари тартибда қайта кўриб чиқилмайди.

Ер участкаларини хусусийлаштиришни рад этиш ҳақидаги қарор Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссиянинг салбий хулосаси тузилган кунда қабул қилинади ва ушбу қарор устидан маъмурий судга шикоят қилиниши мумкин.

**4-боб. Бўш турган ер участкаларини, шунингдек
Урбанизацияни ривожлантириш жамғармасига берилган
ер участкаларини хусусийлаштириш**

27-модда. Бўш турган ер участкаларини хусусийлаштириш

Бўш турган ер участкалари аҳоли пунктларининг ва ҳудудларнинг бош режаларига мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан аниқланади.

Бўш турган ер участкалари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Урбанизация агентлиги билан келишилган ҳолда электрон онлайн-аукцион орқали юридик ва жисмоний шахсларга мулк қилиб сотилади.

Бўш турган ер участкалари электрон онлайн-аукцион орқали инвестиция мажбуриятлари билан сотилиши мумкин.

**28-модда. Бўш турган ер участкаларини хусусийлаштириш
бўйича электрон онлайн-аукционда иштирок этиш
учун буюртма**

Бўш турган ер участкаларини хусусийлаштириш бўйича электрон онлайн-аукционда иштирок этиш учун буюртма:

тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган юридик шахс томонидан;

якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш, шунингдек тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган жисмоний шахс томонидан берилади.

**29-модда. Хусусийлаштириладиган бўш турган ер участкаси
учун тўлов**

Хусусийлаштириладиган бўш турган ер участкасининг қиймати ўтказилган электрон онлайн-аукцион натижаларига кўра белгиланади.

Электрон онлайн-аукционга қўйиладиган ер участкаларининг бошланғич нархи уларнинг электрон онлайн-аукционга қўйиш пайтидаги бозор қийматига тенг қилиб белгиланади.

Закалат миқдори ва қадам нархи бошланғич нарх фоизларида ва пулда ифодаланган тарзда белгиланади.

Электрон онлайн-аукционни ташкил этиш хизматлари учун тўлов савдолар ташкилотчиси ва электрон онлайн-аукцион ташаббускори ўртасида тузиладиган шартномага мувофиқ ундирилади.

30-модда. Урбанизацияни ривожлантириш жамғармасига берилган ер участкаларини хусусийлаштириш тартиби

Урбанизацияни ривожлантириш жамғармасига берилган ер участкалари бўш турган ер участкалари учун ушбу бобда назарда тутилган тартибда ва шартларда электрон онлайн-аукцион орқали реализация қилинади.

5-боб. Хусусийлаштирилган ер участкаларининг ҳуқуқий мақоми**31-модда. Хусусийлаштирилган ер участкасига бўлган хусусий мулк ҳуқуқи**

Хусусийлаштирилган ер участкалари хусусий мулк ва фуқаролик муомаласи объектларидир.

Хусусийлаштирилган ер участкасига бўлган хусусий мулк ҳуқуқи унга бўлган ҳуқуқ Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг ва уларга доир битимларнинг давлат реестрига электрон тарзда тегишли ёзув киритиш орқали давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юзага келади.

Хусусийлаштирилган ер участкаларига бўлган хусусий мулк ҳуқуқи дахлсиздир ва у «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ давлат томонидан ҳимоя қилинади.

32-модда. Хусусийлаштирилган ер участкалари мулкдорларининг ҳуқуқлари

Хусусийлаштирилган ер участкаларининг мулкдорлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

хусусийлаштирилган ер участкасига юридик ва жисмоний шахсларнинг, давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланидиган манфаатларини бузмаган ҳолда, ўз хохишига кўра ва ўз манфаатлари йўлида эркин эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шу жумладан ундан гаров предмети сифатида фойдаланиш, юридик шахснинг устав капиталига (устав фондига) ҳисса сифатида киритиш, ижарага бериш;

хусусийлаштирилган ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқининг ҳар қандай бузилиши бартараф этилишини талаб қилиш;

хусусийлаштирилган ер участкасида мустақил равишда хўжалик юритиш;

уй-жой, ишлаб чиқариш, маданий-маиший ва бошқа иморатлар ҳамда иншоотларни қуриш, уларни қайта қуриш ва бузиш.

33-модда. Хусусийлаштирилган ер участкалари мулкдорларининг мажбуриятлари

Хусусийлаштирилган ер участкаларининг мулкдорлари:

ер участкасидан фойдаланишда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этиши;

бошқа ер участкаларининг мулкдорларига етказилган зарарнинг ўрнини белгиланган тартибда қоплаши;

ер участкаларини олиш чоғида ўз зиммасига юклатилган инвестиция мажбуриятларини бажариши шарт.

34-модда. Ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи вужудга келишининг алоҳида ҳоллари

Чет эллик фуқаролар ва Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари бўлган юридик шахслар, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар, агар Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига ва халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, хусусийлаштирилган ер участкаларини олиш ҳуқуқига эга эмас.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқни хусусийлаштирилган ер участкаларини олиш ҳуқуқига эга бўлмаган чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга, фуқаролиги бўлмаган шахсларга ўтказиш мақсадида тузилган ҳужжатлар, битимлар ва амалга оширилган бошқа ҳаракатлар ҳақиқий эмасдир.

Юридик ва жисмоний шахслар банкрот бўлганлиги, меросни қабул қилиб олганлиги, юридик шахс қайта ташкил этилганлиги ёки тугатилганлиги оқибатида ва бошқа ҳолатларда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи хусусийлаштирилган ер участкаларини олиш ҳуқуқига эга бўлмаган чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга, фуқаролиги бўлмаган шахсларга ўтган тақдирда, олинган ер участкалари бундай ҳолат юзага келган пайтдан эътиборан олти ой ичида ўзга шахсга ўтказилиши лозим.

35-модда. Хусусийлаштирилган ер участкасини мулкдордан олиб қўйиш

Хусусийлаштирилган ер участкасини мулкдордан олиб қўйишга фақат мулкдорнинг мажбуриятлари бўйича ундирув қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ушбу ер участкасига қаратилганда, шунингдек национализация, реквизиция ва мусодара қилиш тартибида йўл қўйилади.

36-модда. Ундирув қаратилган, олиб қўйилаётган хусусийлаштирилган ер участкасининг қийматини аниқлаш

Мулкдорнинг мажбуриятлари бўйича ундирув қаратилган, олиб қўйилаётган хусусийлаштирилган ер участкасининг қиймати «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ аниқланади.

Олиб қўйилаётган хусусийлаштирилган ер участкасининг баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган қиймати юзасидан судда низолашилиши мумкин.

37-модда. Хусусийлаштирилган ер участкасини национализация қилиш

Национализация юридик ва жисмоний шахсларга мулк ҳуқуқи асоси-

да тегишли бўлган, национализация қилинаётган ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқини тўлов асосида давлат тасарруфига ўтказишдан иборатдир.

Хусусийлаштирилган ер участкасини национализация қилиш:

фақат давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ҳамда ер участкаси мулкдорининг розилиги олинганида амалга оширилади;

ер участкасининг мулкдори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколат берган давлат органи ўртасида тенг шартлар асосида тузиладиган ер участкасининг олди-сотди шартномаси билан расмийлаштирилади;

хусусийлаштирилган ер участкасининг шартнома қийматини ва бошқа зарарларнинг ўрнини давлат томонидан олдиндан қоплаш шarti билан амалга оширилади.

Хусусийлаштирилган ер участкасини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун национализация қилишга фақат:

мудофаа ва давлат хавфсизлиги, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг эҳтиёжлари, эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун ерлар бериш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш;

фойдали қазилмалар конларини аниқлаш ва қазиб олиш;

автомобиль ва темир йўлларни, аэропортларни, аэродромларни, аэронавигация объектларини ва авиатехника марказларини, темир йўл транспорти объектларини, кўприклар, метрополитенлар, тоннелларни, энергетика тизимлари объектларини ва электр узатиш тармоқларини, алоқа тармоқларини, космик фаолият объектларини, магистрал қувурларни, муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш (реконструкция қилиш);

аҳоли пунктлари бош режаларининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан объектларни қуришга тааллуқли қисмини ижро этиш мақсадларида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунларида ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида тўғридан-тўғри назарда тутилган бошқа ҳолларда йўл қўйилади.

Хусусийлаштирилган ер участкасини тижорат мақсадида национализация қилишга йўл қўйилмайди.

Ер участкасининг олди-сотди шартномасини тузишни давлат органи томонидан ташаббус қилиш ер участкалари национализация қилиниши режалаштириладиган манфаатдор шахслар билан очиқ муҳокама ўтказилганидан, шунингдек қўриладиган наф ва чиқимлар баҳоланганидан кейин амалга оширилади.

Национализация қилинаётган ер участкаси шартнома қийматининг ва бошқа зарарларнинг ўрнини қоплаш национализация қилинаётган мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи давлатга ўтказиладиган пайтга қадар тўлиқ ҳажмда амалга оширилади ёки ер участкаси мулкдорининг хоҳишига қўра бошқа тенг қийматдаги ер участкаси мулк қилиб берилади.

Национализация қилинаётган ер участкаси шартнома қийматининг ўрнини қоплаш тўлови бир вақтнинг ўзида амалга оширилади. Уни бўлиб-бўлиб

тўлашни назарда тутувчи национализацияни амалга оширишга йўл қўйилмайди.

Давлат органи ва хусусийлаштирилган ер участкаси мулкдори ўртасида ер участкаси олди-сотди шартномасини тузиш бўйича келишмовчиликлар устидан суд тартибида низолашиш мумкин.

Национализация қилинган ер участкасининг амалда давлатга ўтиши қайси мулкдорнинг ва бошқа шахсларнинг национализация қилинаётган ер участкасига нисбатан ҳуқуқлари национализация қилиш чоғида тугатилаётган ёки чекланаётган бўлса, фақат ўша мулкдор ва бошқа шахслар томонидан тенг қийматдаги тўлов олинганидан кейин амалга оширилиши мумкин.

Ер участкаси кейинчалик денационализация қилинган тақдирда, собиқ мулкдорлар уни хусусийлаштиришда устувор ҳуқуққа эга бўлади.

38-модда. Хусусийлаштирилган ер участкасини реквизиция қилиш

Хусусийлаштирилган ер участкаси табиий офатлар, фалокатлар, эпидемиялар, эпизоотиялар ҳолларида ва фавқулодда хусусиятга эга бўлган бошқа ҳолатларда унинг мулкдоридан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ олиб қўйилиши (реквизиция қилиниши) мумкин, бунда хусусийлаштирилган ер участкасининг мулкдорига етказилган зарарларнинг ўрни қопланиб, унга реквизиция тўғрисида ҳужжат берилади.

Хусусийлаштирилган ер участкасини реквизиция қилиш фақат фуқароларнинг, жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини фавқулодда ҳолатлар муносабати билан юзага келадиган таҳдидлардан ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилади.

Реквизиция амалга оширилиши билан боғлиқ бўлган ҳолатларнинг амал қилиши тугагач, реквизиция қилинган ер участкасининг собиқ мулкдори сақланиб қолган мол-мулкни ўзига қайтаришни талаб қилишга ҳақли.

Реквизиция қилинган ер участкасини унинг мулкдорига қайтариб беришнинг имкони бўлмаган тақдирда, ушбу ер участкаси бозор қийматининг ўрни қопланади ёки унинг хоҳишига кўра тенг қийматдаги бошқа ер участкаси мулк қилиб берилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар юзага келган тақдирда, ер участкасини реквизиция қилиш зарурати мавжуд бўлмаганда ер участкаси ушбу ҳолатларнинг амал қилиш муддати даврида вақтинча фойдаланиш учун эгалланиши мумкин ва ер участкасининг мулкдорига унинг ҳуқуқлари вақтинча чекланиши туфайли етказилган зарарларнинг ўрни қопланади.

Ер участкасининг мулкдорига реквизиция қилинган ер участкасининг бозор қиймати қайси баҳолашга мувофиқ қопланса, ўша баҳолаш, реквизиция қилиш ёки ер участкаси мулкдорининг ҳуқуқларини вақтинча чеклаш муносабати билан етказилган зарарлар юзасидан хусусийлаштирилган ер участкасининг мулкдори томонидан суд тартибида низолашилиши мумкин.

39-модда. Хусусийлаштирилган ер участкасини мусодара қилиш

Хусусийлаштирилган ер участкаси жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда мулкдордан суд қарори асосида олиб қўйилиши (мусодара қилиниши) мумкин.

6-боб. Яқунловчи қоидалар**40-модда. Низоларни ҳал этиш**

Ер участкаларини хусусийлаштириш соҳасида юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

41-модда. Ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

42-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

43-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

44-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун 2020 йил 1 мартдан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 13 август,
ЎРҚ-552-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

570 Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида*

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш доирасида бизнес юритиш тартиб-таомилларини сезиларли даражада содалаштириш, инфратузилмани яхшилаш ва молиявий манбаларни кенгайтириш орқали тадбиркорликнинг изчил ўсиши таъминланмоқда.

Аҳолининг турли қатламларини, шу жумладан ёшлар, кам таъминланган ва ҳимояга муҳтож фуқаролар ҳамда кичик корхоналарнинг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича бир қатор дастурлар амалга оширилмоқда. Биргина «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастурини амалга ошириш учун 7,2 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Шу билан бирга, бир қатор ҳал этилмаган муаммолар сақланиб қолмоқда, айниқса ер участкаларини ажратиш, қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишда, тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш инфратузилмасидан, кредит ва бошқа молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини таъминлашда бюрократик тўсиқлар ва сансалорликлар учрамоқда.

Мансабдор шахслар давлат ҳимоясида бўлган хусусий мулкнинг дахлсиз эканлигини, ҳар қандай важ билан хусусий мулкни, шу жумладан аввал хусусийлаштирилган мулкни олиб қўйиш, асосли заруратсиз мулкни бузиб юбориш ғайриҳуқуқийлигини англаб етмаяпти ҳамда ер участкаларини ажратишда ўзбошимчаликларга йўл қўймоқда, бу эса мулкдорларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоялаш кафолатларини кучайтириш ва бундай ҳуқуқбузарликларга йўл қўйганлиги учун ушбу масъул шахсларнинг жавобгарлигини оширишни тақозо этмоқда.

Кўрсатиб ўтилган камчиликларни комплекс ва тезкор ҳал этишни, барча даражадаги давлат органларининг ягона услубий раҳбарлик остида ўзаро мувофиқлаштирилган ҳамкорлик қилишини, хусусий мулкнинг ишлаши, ер

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 14 августда эълон қилинган.

участкаларини реализация қилиш, тендер савдоларини ўтказиш ҳамда давлатга тегишли бўлмаган бино ва иншоотларни бузишга оид аниқ ва лўнда ҳуқуқий нормаларни яратишни, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашни, аҳолининг кенг қатламларини бизнес билан шуғулланишга фаол жалб этишни талаб этади.

Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини янада кучайтириш, тадбиркорликни ривожлантириш учун қўшимча туртки бериш, тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, жойларда ижтимоий камров даражасини ошириш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси (кейинги ўринларда — Давергеодезкадастр қўмитаси) ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари ҳамда бошқа ваколатли давлат органлари раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг хусусий мулкнинг дахлсизлиги, иқтисодий фаолият ва тадбиркорлик эркинлигини таъминлаш, тажовузлардан ҳимоя қилиш, хусусий мулкни сақлаш ва янада қўпайтириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш тўғрисидаги нормаларини сўзсиз ижро этиш ва уларга қатъий риоя қилиш бўйича шахсан жавобгар эканлиги тўғрисида огоҳлантирилсин.

Бош прокуратура ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (кейинги ўринларда — Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил):

хусусий мулкдорларга уларнинг ҳуқуқларини бузган ҳолда зарар етказилишига, шу жумладан мулк ҳуқуқини ноқонуний чеклаш ва (ёки) ундан маҳрум қилиш, хусусий мулкка, жумладан аввал хусусийлаштирилган мулкка тажовуз қилиш, мулкдорга қасдан номақбул шартларни, шу жумладан мулкни ёки мулкнинг ҳуқуқини топширишга доир асоссиз талабларни қўйиш, шунингдек, мулкни олиб қўйиш ёхуд мулк эгасини шахсий мулк ҳуқуқидан воз кечишга мажбур қилишга йўл қўйилмаслиги устидан тизимли назорат (контроль) ўрнатсин;

мансабдор шахслар томонидан суиистеъмом ва қонунбузарлик ҳолатларининг олдини олиш ва бунга йўл қўймаслик юзасидан зарур чораларни кўрсин.

2. Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда ушбу Фармон қоидаларини ҳисобга олган ҳолда қонун ҳужжатларига, шу жумладан «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мулкдорларнинг хусусий мулк дахлсизлиги, ўзига тегишли бўлган мол-мулкка мустақил эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш, мулкдорларга давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилган ер майдонининг бозор қийматида тўлиқ қопланишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

3. Қўйидагилар барча даражадаги маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги энг муҳим вазифалари этиб белгилансин:

тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги, тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашганлик ва тўсқинлик қилганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларининг сўзсиз бажарилиши, мулк ва бошқа мулкӣ ҳуқуқлар бузилишига йўл қўйилмаслиги тамойилларига қатъий риоя қилинишини таъминлаш;

аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, барқарор ривожланаётган тадбиркорлик субъектлари сонини янада кўпайтириш бўйича тизимли чоралар кўриш, шунингдек, ўз фаолиятини вақтинча тўхтатган тадбиркорлар билан ишлашни кучайтириш;

фаолият кўрсатмаётган ишлаб чиқариш майдонлари ва нотурар жой объектлари негизида кичик саноат зоналарини ташкил этиш, ер участкаларини белгиланган тартибда электрон онлайн-аукцион орқали ажратишда кўмаклашиш;

тадбиркорлик субъектларининг молиявий, товар ва хом ашё ресурслари, муҳандислик-коммуникация тармоқларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши, инвестиция ва ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш бўйича амалий кўникмаларни ўзлаштиришида амалий ёрдам кўрсатиш;

тадбиркорлик субъектлари учун мавжуд имкониятлар, имтиёзлар ва бошқа молиявий қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида оммавий ахборот воситаларида, давлат идораларининг расмий веб-сайтларида мунтазам равишда ёритиб бориш;

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Адлия вазирлиги билан биргаликда консультатив ёрдам ва ахборот жихатдан таъминлаш, тадбиркорларнинг молиявий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича жойларда семинар-тренинглар ўтказиш;

тадбиркорларга бизнес форумлар, кўرғазмалар ва ярмаркаларни ташкил этиш ва ўтказишда кўмаклашиш, уларда маҳаллий ва хорижий тадбиркорлик субъектларининг кенг иштирокини таъминлаш;

тадбиркорларга ишончли шериклар ва ишлаб чиқараётган маҳсулотлари учун янги бозорларни топишда, экспорт салоҳиятини оширишда амалий ёрдам кўрсатиш.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларига қўйидагилар тақиқлансин:

тадбиркорлик субъектларини ўзларининг асосий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ишларга, шу жумладан ҳомийлик ва хайрия ёрдами кўрсатиш ишларига, ҳудудларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларини олиб бориш, темир-терсак ва макулатура йиғиш ҳамда бошқа ишларга мажбурий жалб қилиш;

тадбиркорлик субъектларини ҳар қандай шаклда қишлоқ хўжалигидаги мавсумий ишларга (экиш ва йиғиб олиш ишларига) ва меҳнат ресурслари

ри, пул маблағлари ва бошқа моддий бойликларни йўналтириш билан боғлиқ бошқа тадбирларга жалб қилиш;

тадбиркорлик субъектлари иштирокида мажбурий тартибда, шу жумладан уларга нисбатан маъмурий ва бошқа чораларни қўллаш таҳдиди остида йиғилишлар ва бошқа тадбирларни ўтказиш.

5. 2020 йил 1 январдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда қишлоқ хўжалигида мўлжалланган ер участкаларини олиб қўйиш ва бир фермер хўжалигидан бошқасига ўтказиш, шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар эгаллигида бўлган, улар фойдаланадиган ва мулки бўлган ер участкаларини жамоат ва давлат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш бўйича ваколатлари тегишли халқ депутатлари Кенгашларига берилсин.

6. 2020 йил 1 мартдан кучга кирадиган «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (кейинги ўринларда — Қонун) қабул қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 1 февралга қадар Сирдарё вилоятида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тартиб-таомилларини апробация қилиш бўйича ҳуқуқий эксперимент (кейинги ўринларда — ҳуқуқий эксперимент) ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

Қўйидагилар ҳуқуқий экспериментнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

конунийлик, ихтиёрийлик, ҳақ тўлаш, хусусийлаштириладиган ер участкаларининг ва уларда жойлашган кўчмас мулк объектларининг бирлиги, ер участкаларини хусусийлаштиришнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашга қаратилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тартиб-таомилларининг самарадорлигини аниқлаш;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш механизмларини амалда қўллаш самарадорлигини баҳолаш;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш соҳасидаги давлат бошқарувини амалга оширувчи давлат органларининг ваколатларини уларнинг амалий самарадорлиги, тартибга солинадиган муносабатлар соҳаларини тўлиқ қамраб олиниши жиҳатидан мониторинг ўтказиш;

ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, тадбиркорлик ташаббусларини амалга ошириш учун қўшимча шарт-шароитларни яратиш ва аҳолини бизнес билан шуғулланишга жалб қилиш, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштиришда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

бир ой муддатда Қонуннинг ҳаволаки нормаларини амалга оширишга қаратилган зарур ҳужжатлар, шу жумладан Сирдарё вилоятида қишлоқ

хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тартиб-таомилларини апробация қилиш бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни қабул қилсин;

икки ой муддатда Сирдарё вилояти ҳудудларининг режалаштириш схемаси тасдиқланишини таъминласин;

оммавий ахборот воситаларида, шунингдек, аҳоли ўртасида ҳуқуқий эксперимент амалий ижросининг боришини мунтазам равишда ёритиб борсин;

ҳуқуқий эксперимент натижаларига кўра, 2020 йил 5 февралга қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига Қонун нормаларини янада такомиллаштириш ва уни республиканинг бошқа ҳудудларида қўллаш бўйича таклифлар киритсин.

9. 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини, шу жумладан таълим муассасалари (академик лицей ва касб-хунар коллежлари бундан мустасно), соғлиқни сақлаш ва спорт, маданият, хусусан кинотеатрлар, клублар, концерт-томоша кўрсатиш муассасалари ва кинолаштириш объектлари, шунингдек, давлат ташкилотларининг бўш турган ер участкаларидан (кейинги ўринларда — фойдаланилмаётган активлар) доимий фойдаланиш ҳуқуқини хўжалик фаолиятига жалб қилиш ва сотиш тартиби жорий этилсин. Унга мувофиқ:

фойдаланилмаётган активларнинг мулкдорлари Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Давергеодезкадастр қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг тегишли сўрови келиб тушган вақтдан бошлаб икки ой муддатда балансда сақловчининг юқори турувчи ташкилоти (агар мавжуд бўлса) билан келишилган, фойдаланилмаётган объектлар ва бўш турган ер участкаларидан самарали фойдаланиш бўйича «йўл харитаси»ни (кейинги ўринларда — «йўл харитаси») тақдим этиши шарт;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фойдаланилмаётган объектларни хўжалик фаолиятига жалб қилиш бўйича ишчи гуруҳ томонидан «йўл харитаси» тасдиқланади;

фойдаланилмаётган активларнинг балансда сақловчиси томонидан «йўл харитаси» тақдим этилмаган ёки унда назарда тутилган фойдаланилмаётган активлардан самарали фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар белгиланган муддатда бажарилмаган ёхуд «йўл харитаси»ни тасдиқлаш рад этилган ҳолларда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ўз ваколатлари доирасида фойдаланилмаётган активларни олиб қўйиш ва сотиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

10. Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Давергеодезкадастр қўмитаси, Савдо-саноат палатасининг 2019 йил 1 октябрдан бошлаб қўйидаги тартибларни ўрнатиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин:

а) тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолияти учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш ер участкалари республиканинг барча ҳудудларида

факат «E-IJRO AUKSION» савдо майдончасида электрон онлайн-аукцион орқали тақдим этилади, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ ер участкалари бериш ҳоллари бундан мустасно.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларига, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари ушбу тартибни бузганлик учун шахсий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилсин;

б) жисмоний ва юридик шахсларга «YERELEKTRON» автоматлаштирилган ахборот тизимида аниқ инвестиция мажбуриятлари билан бирга ер участкаси ва режалаштирилаётган қурилиш майдончаси тўғрисидаги маълумотларни кейинчалик уларни электрон онлайн-аукционга қўйиш масаласини белгиланган тартибда қўриб чиқиш учун жойлаштириш тўғрисида таклифлар киритиш ҳуқуқи берилади.

Давергеодезкадастр қўмитаси тадбиркорлик ва шаҳарсозлик учун таклиф қилинадиган ер участкаларининг жойлашуви тўғрисидаги ахборотлар Ўзбекистон Республикасининг очиқ маълумотлар порталида ва ўз расмий веб-сайтида жойлаштириб борилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда ушбу банддаги қоидаларни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш ер участкаларини электрон онлайн-аукцион орқали тадбиркорлик фаолияти учун тақдим этишнинг янги тартибини жорий этишга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини киритсин ва унда жумладан қўйидагиларни назарда тутсин:

Давергеодезкадастр қўмитаси органлари томонидан «YERELEKTRON» автоматлаштирилган ахборот тизимида маълумотларнинг мустақил киритилиши;

ер участкаларини танлаш бўйича материалларни ваколатли органларга келишиш ва ҳулоса бериш учун автоматик тарзда юбориш;

ер участкаларини танлаш бўйича материалларни келишиш пайтида қурилишга рухсат берилган ёки тақиқланган объектлар турларини аниқлаш, архитектура-режа топшириғини ишлаб чиқиш, шунингдек, муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш учун техник шартларни тақдим этиш;

ер участкаларини танлаш бўйича материаллар юзасидан муайян давлат органлари ҳулосаларини олиш талабини бекор қилиш;

келишув ва ижобий ҳулосалар берилгандан сўнг қўшимча қарорларсиз ер участкаларини «YERELEKTRON» автоматлаштирилган ахборот тизими орқали автоматик режимда электрон онлайн-аукционга қўйиш;

электрон онлайн-аукцион натижалари тўғрисидаги баённома асосида ер участкасига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш, шунингдек, аукцион ғолибига ер участкасини ажратиш тўғрисидаги қарор ўрнига Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридан кўчирма бериш.

11. Жаҳон банки томонидан тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш тизимини кенгайтириш ва унинг самарадорлигини ошириш, аҳолининг кенг қатламларини бизнес юритишга жалб қилиш ва бошланғич

капиталдан фойдаланиш имкониятини таъминлаш бўйича давлат органи сифатида тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузурида Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) ташкил этилсин ва қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

кичик бизнес ва тадбиркорликни, хусусий тадбиркорликнинг барча шакллари ривожлантиришга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича давлат ва ҳудудий дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ваколатли давлат органлари ва ташкилотларининг кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, бизнес муҳитини яхшилаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришни ташкил этиш;

ишбилармонлик муҳитининг жорий ҳолатини ўрганиш, шу жумладан сўровномалар ўтказиш асосида ҳамда ер участкалари тақдим этиш ва қурилиш-монтаж ишларини бажариш тартиб-таомилларини соддалаштириш, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш инфратузилмаси, бошқа моддий-хом ашё ва молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини яхшилаш, шунингдек, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган бюрократик тўсиқлар ва ғовларни бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

бизнесни кенгайтиришни рағбатлантиришга, қўшимча қиймат яратишнинг яхлит занжирларини шакллантиришга, замонавий технологияларни ўзлаштиришга, экспортни кўпайтиришга, доимий иш ўринларини яратишга йўналтирилган натижага қаратилган воситаларни жорий этиш;

йирик ишлаб чиқарувчилар томонидан кичик ва ўрта корхоналар — оралиқ товарлар ва хизматлар (хом ашё, бутловчи қисмлар ва бошқалар) — ни етказиб берувчилар фаолиятини, шу жумладан тижорат банкларида мақсадли депозитлар очиш ҳисобига молиялаштириш механизмларини жорий этиш;

кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига, шу жумладан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг тадбиркорлик ташаббусларига кафилликлар ва кафолатлар, шунингдек, тижорат банклари кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация бериш шаклида молиявий ёрдам кўрсатиш;

кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини қонунчилик, янги технологиялар ва маҳсулотлар, бозорлар ва бошқа долзарб масалалар бўйича номолиявий қўллаб-қувватлаш (бепул телефон ва онлайн-маслаҳат хизматлари, ўқув марказлари, бизнес-инкубаторлар, ахборот хизматлари ва бошқалар) тизимини шакллантириш;

халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш лойиҳалари-

ни амалга ошириш, уларга техник ва маслаҳат кўмагини ташкил этиш бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш;

Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари билан кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича давлат дастури ва ҳудудий дастурларни тайёрлаш, ушбу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқишда яқиндан ҳамкорлик қилиш.

12. Белгилаб қўйилсинки, Агентлик республика давлат бошқаруви органи бўлиб, ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига бўйсунди.

13. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия вазирлигининг:

«Микрокредитбанк» АТБ ва «Халқ банки» АТБни «оилавий тадбиркорлик»ни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш лойиҳаларини молиялаштирувчи банклар этиб белгилаш;

«оилавий тадбиркорлик»ни ривожлантириш ва умуман, аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш давлат дастурлари доирасида аввал ажратилган кредитлар ҳисобига бўшайдиган маблағларни «Микрокредитбанк» АТБ ва «Халқ банки» АТБга кейинчалик кредит бозорида бузилишларни бартараф этиш, пул маблағларидан тенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш ва мақсадли молиявий ресурслардан фойдаланишда ижтимоий-иқтисодий самарани ошириш мақсадида кичик бизнес ва тадбиркорликни бозор шароитларига яқин ставкаларда кредитлаш учун йўналтириш.

Молия вазирлиги Агентлик ва манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш имконияти чекланган аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини талаб мавжуд бўлган касб ва мутахассисликлар бўйича ўқитишга, уларни ижтимоий ва номолиявий қўллаб-қувватлашнинг янги воситаларини жорий этишга қаратилган ҳукумат қарори лойиҳасини ушбу тадбирларни «оилавий тадбиркорлик»ни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида илгари берилган кредитларни «Микрокредитбанк» АТБ ва «Халқ банки» АТБларига жойлаштиришдан тушган қўшимча даромадлар ҳисобига молиялаштиришни назарда тутган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлиги:

а) 2019 йил охирига қадар қуйидагиларни:

мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашга асосланган ҳамда уларга жойлашган жойи ва тижорат банклари филиалларида молиявий ресурсларнинг мавжудлигидан қатъи назар тадбиркорлик фаолияти учун кредитларни соддалаштирилган тартибда ва тенг шартларда жалб қилиш имконини берувчи «бир хил» (намунали) банк маҳсулотлари — «модул»ларни ишлаб чиқишни ва кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига банк хизматларини кўрсатиш амалиётига жорий этишни;

тижорат банкларининг кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига кредитлар ажратиш бўйича алоҳида таркибий бўлинмаларини ташкил қилишни, ажратилаётган кредитларнинг мақсадлилиги ва самарадорлигини таъминлаш юзасидан ушбу бўлинмалар ходимларининг жавобгарлигини, шунингдек, молиялаштирилаётган лойиҳаларни амалга ошириш натижаларига қараб уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш тизимини кучайтиришни;

Сирдарё ва Андижон вилоятларида, шунингдек, Тошкент шаҳрида мижозларга тезкор хизмат кўрсатиш учун ихчам «банк хизматлари офислари»ни ташкил қилиш, кейинчалик республиканинг барча шаҳарлари ва туманларида уларнинг тармоғини кенгайтириш бўйича тажриба-синов лойиҳасини амалга оширишни таъминласин;

б) икки ой муддатда банк хизматлари менежменти ва тизимини тубдан ислоҳ қилиш, шунингдек, банк секторини давлат тасарруфидан чиқариш бўйича қуйидагиларга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини киритсин:

тижорат банкларида корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этиш ва унинг самарадорлигини ошириш;

тижорат банкларининг мижозга қаратилганлик даражасини ошириш, уларда самарали инфратузилма яратиш ва янги хизмат турларини, шу жумладан ахборот технологияларини жорий этиш;

тижорат банкларининг операцион харажатларини оптималлаштириш;

тижорат банкларига кредитлар ҳажми ва уларнинг фоиз ставкаларини мавжуд талабга асосан мустақил равишда белгилаш ҳуқуқини берган ҳолда имтиёзли фоиз ставкалари билан кредитлар ажратиш амалиётини бекор қилиш;

давлат улуши иштирокидаги тижорат банкларини халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат молия ташкилотлари ва консалтинг компаниялари иштирокида, бозор тамойиллари асосида ишлайдиган универсал банкларга трансформация қилиш.

15. 2019-2020 йилларда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва тадбиркорликни янада ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича «Йўл харитаси» 1-иловага* мувофиқ маъқуллансин.

16. «Кафолат суғурта компанияси» АЖ:

Агентлик, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан биргаликда ўзининг қўйи бўғиндаги бўлинмалари томонидан кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида хизматларни, шу жумладан тадбиркорлик таваккалчилиги, гаров, лизинг, асбоб-ускуналар, юклар, жавобгарлик ва бошқаларни суғурта қилиш масалалари бўйича мунтазам равишда семинарлар ва тренинглари ташкил этилишини таъминласин;

тижорат банклари билан биргаликда тадбиркорлик таваккалчилигини суғурта қилиш шартларида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига берилган кредитнинг гаров таъминоти билан қопланмаган қисмини кредит қайтмаслик хатари бўйича суғурталашни амалга оширсин;

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Агентлик билан биргаликда илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда, 2019 йил 1 октябрга қадар кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг суғурта хизматларини олиш учун сарфлайдиган харажатлари ва вақтини қисқартиришга қаратилган тадбиркорлик таваккалчилигини суғурта қилиш шартларидаги замонавий суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқсин ва жорий этсин.

17. Белгилансинки, молиявий йил учун барча турдаги кредитнинг қайтмаслик хатарини суғурталаш (кредитлар ва лизинг операциялари бўйича тадбиркорлик таваккалчилигини суғурталаш) шартномалари бўйича суғурта қопламаларининг умумий миқдори «Кафолат суғурта компанияси» АЖ ўз капиталининг 10 фоизидан ошган тақдирда, компаниянинг ўз капитали 10 фоизидан ортиқ миқдордаги зарари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги ҳар чорақда «Кафолат суғурта компанияси» АЖ Кузатув кенгашида кредитнинг қайтмаслик хатарини суғурталаш (кредитлар ва лизинг операциялари бўйича тадбиркорлик таваккалчилигини суғурталаш) шартномалари бўйича суғурта қопламаларининг ҳажмлари ва улар бўйича қутилаётган йўқотишлар тўғрисидаги жамият ижро этувчи органининг ҳисоботи эшитилишини таъминласин.

18. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ва Агентлик 2019 йил 1 октябрдан бошлаб:

тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан маълум сабабларга қўра фаолият кўрсатмаётган тадбиркорлик субъектларини ҳисобга олишнинг ягона ёндашувини;

тадбиркорлик субъектларининг демографияси, шу жумладан уларнинг фаолият даври бўйича статистик маълумотлар шакллантирилишини;

ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналарига ўз фаолиятини тўхтатган тадбиркорлик субъектлари тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминласин.

19. 2019 йил 1 октябрдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг иқтисодиёт ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва Бош вазир қабулхоналарининг ҳудудий бўлинмалари раҳбарларини ўз фаолиятини тўхтатган тадбиркорлик субъектларининг тадбиркорлик фаолиятини тиклаш ва унга жалб қилиш, тегишли ҳудудда уларнинг сонини ошириш юзасидан рағбатлантириш ва жавобгарлигини кучайтириш тизими жорий этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда ушбу бандни амалга ошириш механизмлари тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

20. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Сирдарё вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда ви-

лоятнинг олий ўқув юр்தларига ўтказилаётган касб-ҳунар коллежлари негизида, шу жумладан хусусий сектор иштирокида тадбиркорлик, маркетинг ва бизнесни бошқариш каби бизнес йўналишлари бўйича ўқитиш учун Ўзбекистонда «Vinagu» (Малайзия) халқаро менежмент ва тадбиркорлик университетининг филиалини очиш масаласини кўриб чиқсин.

21. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов бир ой муддатда кичик бизнесва тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган долзарб муаммоларни муҳокама қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари ҳузурида фаол тадбиркорлар, ҳуқуқшунослар ва жамоатчиликнинг бошқа вакиллари орасидан жамоатчилик кенгашлари тузилишини ҳамда ушбу кенгашлар тўғрисидаги намунавий низом тасдиқланишини таъминласин.

Белгилансинки, тадбиркорларнинг жамоатчилик кенгашлари йиғилишларида айтилган (тақдим этилган) таклифлари ва ташаббуслари кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уларнинг амалда бажарилишини таъминлаш мақсадида мунтазам равишда Агентликка юборилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларига ташкил этиладиган жамоатчилик кенгашлари фаолиятини самарали йўлга қўйиш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

22. Белгилаб қўйилсинки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг иқтисодий ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари тизимли равишда:

Агентлик билан биргаликда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларнинг ишлаб чиқилиши, ижро этилиши ва мониторингини ташкил қилади;

хар ҳафтанинг душанба, сешанба ва чоршанба кунлари туманлар ва шаҳарлар секторлари раҳбарлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимиятнинг тегишли органлари билан биргаликда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган тизимли муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида маҳаллаларга чиқишни ташкиллаштиради;

Агентликка кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, шунингдек, ҳудудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун зарур хизматлар кўрсатадиган тегишли бозор инфратузилмасини шакллантириш бўйича таклифлар киритади.

23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) этиб қайта ташкил қилинсин ва Агентлик таркибига ўтказилсин.

24. Белгилаб қўйилсинки:

а) кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш Жамғарма томонидан бош битимлар асосида ваколатли тижорат банклари орқали миллий ва хорижий валютада амалга оширилади;

б) кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш асосан кафилликлар ва кафолатлар шаклида, бошқа ҳолларда эса тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсациялар шаклида амалга оширилади;

Агентлик Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки билан биргаликда бир ой муддатда умум қабул қилинган методика асосида кафилликлар ва кафолатлар, шунингдек, тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсациялар шаклида молиявий кўмак олувчи салоҳиятли қарздорлар — кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини танлашнинг аниқ мезонларини тасдиқласин;

в) кафолатлар ва кафилликлар, шунингдек, тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсациялар молиявий ресурсларга бўлган талабни ҳисобга олган ҳолда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига уларнинг белгиланган мезонларга мос келадиган тадбиркорлик ташаббусларини амалга ошириш учун тадбиркорлик фаолиятининг барча йўналишларидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун тақдим этилади, қуйидагиларни назарда тутувчи кредитлар бундан мустасно:

илгари олинган кредитлар ёки бошқа ҳар қандай қарзни қайтариш;

алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш;

савдо-воситачилик ва умумий овқатланиш фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар ва корхоналарнинг айланма маблағларини шакллантириш;

савдо ва умумий овқатланиш объектларини қуришни молиялаштириш;

нобанк кредит ташкилотлари ва лизинг компанияларининг ресурс базасини шакллантириш;

қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил қилиш, шунингдек, ушбу мақсадлар учун ускуналар сотиб олиш;

д) қуйидагилар молиявий кўмак олиш учун асослантирилган аризаларни Жамғармага тақдим этиш юзасидан масъул ташкилотлар ҳисобланади:

кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари буюртмалари бўйича — тижорат банклари;

аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари буюртмалари бўйича — туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг ҳудудий бўлинмалари масъул ҳисобланади.

25. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

а) Жамғарма ҳисобидан тижорат банкларининг кредитлари бўйича кафиликнинг энг кўп миқдорини кредит суммасининг 50 фоизгача миқдорда сақлаб қолган ҳолда, унинг миқдорини 2 миллиард сўмдан 8 миллиард сўмгача кўпайтириш;

б) Жамғарма томонидан кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига: суммаси 10 миллиард сўмдан, фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкасининг 1,5 бараваридан ошмайдиган миллий валютадаги кредитлар учун — қайта молиялаш ставкасидан ошадиган, лекин 5 фоиз пунктдан кўп бўлмаган қисми;

эквиваленти 10 миллиард сўмдан ошмайдиган хорижий валютадаги кредитлар учун — тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг 30 фоизгача, лекин 3 фоиз пунктдан кўп бўлмаган миқдорда тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация тақдим этиш.

Белгилаб қўйилсинки, ушбу банд талаблари тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун Жамғарма томонидан тақдим этиладиган кафиликлар ва компенсацияларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг аввал қабул қилинган ҳужжатлари ва Ҳукумат қарорлари билан тасдиқланган шартларига татбиқ этилмайди.

26. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддатда:

«Давлат харидлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг янги таҳрирдаги лойиҳасини белгиланган тартибда киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чораларини кўрсин;

бошқарув қарорларини қабул қилиш бўйича ислохотларни амалга оширишни мувофиқлаштириш учун мамлакат ҳудудларига юборилган вазирлик ва идоралар вакилларининг роли ва ваколатларини қайта кўриб чиқсин.

27. Вазирлик ва идоралар, шунингдек, хўжалик бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари:

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонуни талабларига қатъий риоя қилган ҳолда тадбиркорлик субъектларини давлат харидлари жараёнига кенг жалб этиш орқали барча давлат буюртмачилари томонидан давлат харидларининг шаффофлиги ва рақобатбардошлигини таъминлаш бўйича самарали чораларни кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ушбу Қонунга мувофиқ бўлмаган топшириқлари, шу жумладан Қонунда кўзда тутилмаган, ягона етказиб берувчидан тўғридан-тўғри харид қилиш имконини кўзда тутувчи баённомалар шаклидаги топшириқларни киритиш амалиёти қатъиян тақиқлансин;

давлат харидларини амалга оширишда истисно тарзида тўғридан-тўғри шартномалар тузиш ҳуқуқини беришни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш тақиқлансин.

28. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Марказий банк билан биргаликда икки ой муддатда давлат харидлари бўйича махсус ахборот портали ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ахборот тизимларини интеграция қилган ҳолда корпоратив буюртмачиларнинг амалга оширадиган давлат харидлари бўйича тўловлар ҳисобини юритиш тартиб-таомилларини такомиллаштириш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

29. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ва Давергеодезкадастр қўмитаси икки ой муддатда ўз тузилмаларини функционал жиҳатдан такомиллаштириш ва қуйидагилар билан боғлиқ айрим ваколатларни ҳудудий бўлинмаларга ўтказишни назарда тутган ҳолда, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида уларнинг ҳудудий бўлинмалари роли ва масъулиятини ошириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

қурилиш объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, қабул қилиш, фойдаланиш ва таъмирлаш, рухсат бериш тартиб-таомилларини амалга ошириш, лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш, қурилиш инспекциясини амалга ошириш, бошқа турдаги давлат хизматларини кўрсатиш;

ер тузишни ташкил этиш, ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, ер ресурсларини ҳисобга олиш, баҳолаш ва мониторинг қилиш, ушбу соҳада тизимли давлат назоратини амалга ошириш, бошқа турдаги давлат хизматларини кўрсатиш.

30. Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳасини киритишда тадбиркорлик фаолияти соҳасида ички ва ташқи инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантиришга қаратилган меҳнат муносабатларини такомиллаштириш бўйича нормаларни назарда тутсин.

31. «Ўзстандарт» агентлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда олти ой муддатда халқаро ва миллий стандартларга мувофиқ товарлар (ишлар, хизматлар)нинг миллий классификаторини ишлаб чиқсин.

32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги ПҚ–4231-сон қарори билан ташкил этилган Ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир ишларни мувофиқлаштириш бўйича республика комиссиясига ушбу Фармонда белгиланган вазифаларни бажариш бўйича ишларни самарали ташкил этиш ҳамда чора-тадбирларнинг мувофиқлаштирилишини таъминлаш вазифаси юклансин.

33. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги фаолиятини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5679-сон Фармони 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

34. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига 2019 йил 1 октябрдан кучга кирадиган қўшимча ва ўзгартиришлар 2-иловага мувофиқ киритилсин.

35. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги:
бир ҳафта муддатда Агентлик фаолиятини ташкил этиш тўғрисида
Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бош-
қа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжат-
ларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғри-
сида таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

36. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Респуб-
ликасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 13 август,
ПФ-5780-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 13 августдаги
ПФ-5780-сон Фармонига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
фармонларига киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги
«Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-
тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5495-сон Фармонида:

а) 4-банднинг иккинчи хатбошиси «инвестиция лойиҳаларини амалга
ошириш учун» сўзларидан кейин «E-IJRO AUKSION» ягона электрон сав-
до майдончасида электрон аукцион орқали» сўзлари билан тўлдирилсин;

б) 5-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишинча иккинчи ва учинчи хатбо-
шилар деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 15 августдаги
«Тошкент шаҳрида инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича экспериментни
амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5511-сон Фармонида:

а) 1-банднинг «б» кичик бандида:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишинча иккинчи ва учинчи хатбо-
шилар деб ҳисоблансин;

б) 2-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи — еттинчи хатбошилар тегишинча иккинчи — олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

в) 3-банднинг учинчи хатбошисидан «ер участкалари ажратиш,» сўзлари чиқариб ташлансин;

г) 4-бандда:

иккинчи хатбошидан «уларга ер участкалари ажратиш ва» сўзлари чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи — саккизинчи хатбошилар тегишинча учинчи — еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

тўртинчи хатбошидан «ер участкалари тақдим этиш,» сўзлари чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи-еттинчи хатбошилар тегишинча бешинчи-олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 октябрдаги «Давлат мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5552-сон Фармонида:

а) 1-бандда:

«б» кичик бандидан «ер участкаларини бериш ва» сўзлари чиқариб ташлансин;

«в» кичик бандидаги «ҳар чоракда» сўзлари «ҳар йили 10 июнгача ва 10 декабрда» сўзлари билан алмаштирилсин;

«д» кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 2-банднинг учинчи хатбошисидан «ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни» сўзлари чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**571 Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада
ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Туризм инфратузилмасидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш, тақдим этилаётган хизматлар сифатини ошириш ва жаҳон бозорларида миллий туризм маҳсулотларини фаол тарғиб қилиш, туризм тармоғининг кадрлар салоҳиятини кучайтириш орқали туризм соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш ҳамда республикага кириб келаётган хорижий фуқаролар сонини кескин кўпайтириш мақсадида, шунингдек, 2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепциясининг асосий йўналишларига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 1 октябрдан бошлаб халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ «Қарши», «Нукус» ва «Термиз» халқаро аэропортларида «бешинчи ҳаво эркинлиги»ни қўллаган ҳолда, шунингдек, «Бухоро» халқаро аэропортида «бешинчи ҳаво эркинлиги»ни хорижий давлатлар фуқароларини ташишда қўллаган ҳолда «Очиқ осмон» режимини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда хорижий давлатларнинг авиация маъмуриятларини ва чет эл авиаташувчиларини «Очиқ осмон» режими жорий этилаётган Ўзбекистон халқаро аэропортларининг рўйхати тўғрисида, шу жумладан дипломатик каналлар орқали хабардор этишни таъминласин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) 2020 йил 1 январдан:

туризм фаолияти субъектлари ва авиаташувчиларнинг хорижий мамлакатлардан Ўзбекистонга чартер рейсларини ташкил қилиш бўйича харажатларининг бир қисми ҳар бир хорижий турист учун, у республика ҳудудида камида беш кеча тунаб қолган тақдирда, 20 АҚШ доллари, қиш мавсумида (20 ноябрдан 20 февралгача) эса 50 АҚШ доллари миқдорида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қоплаб берилади;

хорижий кинокомпанияларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аудиовизуал маҳсулотлар (кино-, теле ва видеофильм, клип, мультфильм, анимелар) яратишдаги харажатларининг бир қисми («rebate») Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширилган харажатларнинг 20 фоизигача, лекин битта маҳсулот учун 300 минг АҚШ долларидан ошмаган миқдорда қоплаб берилади;

* Ушбу Фармон «Халқ сўзи» газетасида 2019 йил 15 августда эълон қилинган.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Ўзбекистоннинг тарихий ва афсонавий шахслари тўғрисидаги тўлиқ метражли бадиий, қисқа метражли бадиий, хроникал ҳужжатли фильмларни суратга олиш учун лойиҳа қийматининг 30 фоизи, лекин 3 миллиард сўмдан ошмаган миқдорда грантлар ажратилади;

тадбиркорлик субъектларининг республика ҳудудларида (Тошкент шаҳридан ташқари) чет эл таомларига ёки алоҳида йўналишга ихтисослаштирилган мавзули овқатланиш шохобчаларини, шунингдек, «караоке» заллари ва туристик қўнғилочар муассасаларни ташкил этиш харажатларининг бир қисми Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳар бир лойиҳа учун 10 миллион сўм миқдорда қопланади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхат бўйича моддий маданий мерос объектлари ҳудудларига 5 тоннадан юқори вазнга эга катта ҳажмли автотранспорт воситаларининг киришига чеклов қўйилади;

ЮНЕСКО Умумжаҳон мероси объектлари рўйхатига киритилган маданий мерос объектлари ва давлат муҳофазасига олинган тарихий ёки маданий ёдгорликлар ҳудудида фақат мамлакатимизда ишлаб чиқарилган сувенир маҳсулотлари сотилади;

б) 2019 йил 1 ноябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси:

энг юқори туризм салоҳиятига эга бўлган фуқаролар йиғинлари (шаҳарча, қишлоқ, овуллар ҳамда шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овулларнинг маҳаллалари) рўйхатини шакллантиради;

ушбу фуқаролар йиғинлари ҳудудларида 20 тадан кам бўлмаган оилавий меҳмон уйлари ташкил этилганда ва туристлар учун камида беш хил хизмат турлари (яшаш ва/ёки овқатланиш бўйича хизматлардан ташқари) кўрсатилган тақдирда уларга «Туризм маҳалласи», «Туризм қишлоғи» ёки «Туризм овули» мақомини беради;

в) 2020 йилдан бошлаб «Туризм маҳалласи», «Туризм қишлоғи» ёки «Туризм овули» мақоми берилган фуқаролар йиғинлари «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» давлат дастурларига биринчи навбатда киритилади;

г) «Uzbekistan Airports» АЖга республиканинг халқаро аэропортлари таклифларига кўра:

аэропорт томонидан кўрсатиладиган хизматлар (Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган авиакомпанияларга кўрсатиладиган хизматлардан ташқари) учун ставкалар ҳамда йиғимларни белгилаш ва ўрнатиш;

аэропортнинг авиация ёнилғиси ва ёқилғи-мойлаш материалларини сақлаш учун зарурий инфратузилмани кенгайтириш ва модернизация қилиш;

маҳаллий ёки хорижий юридик шахслар билан танлов асосида авиация ёнилғиси ва ёқилғи-мойлаш материалларини етказиб бериш бўйича шартномалар, шунингдек, уларни мамлакатнинг халқаро аэропортларига рейсларни, шу жумладан транзит рейсларни амалга оширувчи маҳаллий ёки

хорижий авиакомпанияларга сотиш бўйича шартномалар тузиш ҳукуқи берилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги ПҚ–3217-сон қарори билан ташкил этилган Туризмни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг (кейинги ўринларда — Мувофиқлаштирувчи кенгаш) Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига қўйидаги ваколатларни бериш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин:

Мувофиқлаштирувчи кенгашга жойлардаги салоҳиятли ҳудудларни ўрганиш асосида туризм инфратузилмаси объектларини ривожлантириш ҳудудларини ташкил этиш бўйича таклифлар киритиш;

туризм инфратузилма объектларини жойлаштириш учун салоҳиятли ҳудудларда режалаштириш ва лойиҳалаштириш ишларини ташкил этиш;

туризм соҳасига инвестициялар жалб этиш бўйича инвесторлар билан музокаралар олиб бориш, улар билан инвестициявий келишув ва шартномаларни имзолаш, шунингдек, инвесторлар томонидан лойиҳани амалга ошириш бўйича мажбуриятлар қабул қилинган ҳолда уларга ер участкаларини ўрнатилган тартибда «E-IJRO AUKSION» электрон савдо майдончаси орқали тақдим этиш масаласини кўтариш.

4. 2020 йил 1 январдан бошлаб 1-иловага мувофиқ мамлакатларнинг фуқаролари учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирган кундан эътиборан 30 кунлик муддатга визасиз режим белгилансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг йўл бўйи инфратузилмасини ривожлантириш ва автомагистраль йўллари бўйлаб туризм хизматларини ташкил этишни назарда тутувчи Андижон вилоятининг Хонобод шахридан Сурхондарё вилоятининг Термиз шахрига боғланган ҳолда Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ шахригача «Ўзбекистон туризм магистрали» туризм транспорт коридорини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

6. «Ўзбекистон туризм магистрали» туризм транспорт коридори бўйлаб автомагистраль йўллари ва йўлбўйи инфратузилмаси ҳолатини ўрганиш бўйича ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда — Ишчи гуруҳ) 2-иловага* мувофиқ таркибда ташкил этилсин ва унга қўйидаги ваколатлар берилсин:

капитал ва жорий таъмирга муҳтож йўл участкаларини аниқлаш, шунингдек, яратиладиган йўл бўйи инфратузилмаси объектларининг жойлашувини белгилаш;

йўл бўйи инфратузилмасини ривожлантириш билан боғлиқ тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун тадбиркорларга рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтишда (ер участкаларини ажратиш, қурилишга рухсат олиш) кўмаклашиш;

тегишли давлат органлари томонидан уларнинг ваколатига кирувчи муаммоли масалаларни (йўл кўрсаткичлар ўрнатиш, санитария-гигиена шохобчаларини қуриш ва бошқалар) ҳал этиш бўйича топшириқларнинг бажарилишини назорат қилиш.

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

7. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан туризм учун инновацион бизнес ғоя ва стартапларни амалга ошириш мақсадида лойиҳа ташаббускорларига лойиҳа қийматининг 30 фоизи, лекин 100 миллион сўмдан ошмаган миқдорда грантлар ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси бир ой муддатда амалга оширилиши тавсия этиладиган туризм учун инновацион бизнес ғоя ва стартаплар рўйхатини тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикасининг туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича «Йўл харитаси» 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

9. 2023 йил 1 январга қадар қуйидагилар:

а) етиб бориш қийин бўлган ва чекка жойларда (аҳоли яшаш пунктларидан камида 10 км ёки қаттиқ қопламали автомобиль йўлларида 5 км узоқликда) кемпинглар ва «сафари» туризмни ташкил этиш бўйича туризм хизматларини кўрсатадиган юридик шахслар алоҳида автоном инфратузилмани яратган тақдирда мазкур фаолият тури бўйича юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи, ер солиғи ва мол-мулк солиғи, шунингдек, ягона солиқ тўлови тўлашдан;

б) юридик шахслар, уларнинг лойиҳа ташкилотлари, бош пудратчи ва субпудратчи ташкилотлари жаҳон стандартларига мос ва зарур маданий кўнгилочар инфратузилмаларига эга гольф мажмуаларини барпо этиш лойиҳасини амалга ошириш доирасида:

фойда солиғи, ер солиғи ва мол-мулк солиғидан;

лоийҳани амалга ошириш учун жалб этиладиган хорижий мутахассисларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фонди қисми бўйича ягона ижтимоий тўловдан;

лоийҳани амалга ошириш учун зарур бўлган товарларни, шу жумладан «вақтинча олиб кириш» божхона режимида олиб киришда божхона божи ва акциз солиғидан;

в) намунавий лойиҳалар бўйича замонавий санитария-гигиена шохобчаларини қуриш ва (ёки) уларнинг фаолиятини ташкил этишни амалга оширувчи юридик шахслар мазкур фаолият тури бўйича юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи, ер солиғи ва мол-мулк солиғи, шунингдек, ягона солиқ тўловини тўлашдан;

г) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган дор (осма) йўлларини, «банжи-жампинг» ва «зиплайн» аттракционларини, бошқариладиган (дирижабл, ҳаво шари) ва бошқарилмайдиган (эркин учиш) аэростатлар, гондолалар, «рафтинг» ва «флайбординг» учун ускуналар, шунингдек, «buggy car», фаэтонлар, жойлаштириш воситаси сифатида тунаб қолиш учун жиҳозланган (ғилдирак устидаги уйлар) ёки кафе-фургонларга айлантирилган («фудтрак») ер усти транспорт воситалари божхона божи ва акциз солиғидан озод этилсин.

* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

10. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан Жиззах, Наманган ва Сурхондарё вилоятларида махсус туризм зоналарини ривожлантириш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Жиззах, Наманган, Сурхондарё ва бошқа вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда туризм зоналарини ривожлантириш ва инвестицияларни жалб қилишнинг батафсил режасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Туризм зоналарида инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш устидан назорат:

«Зомин» бўйича — Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У. Умурзоқов;

«Нанай» бўйича — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов;

«Бойсун» бўйича — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси марказий аппарати тузилмасида бошқарув ходимларининг белгиланган умумий штат бирликлари доирасида архитекторлар, картографлар, шаҳар-созлик ва қурилиш муҳандисларидан таркиб топган, 15 штат бирлигидан иборат Туризм зоналари ва кластерларини ривожлантириш бошқармаси ташкил этилсин ва унга туризм инфратузилма объектларини жойлаштиришни режалаштириш ва лойиҳалаш бўйича ишларни ташкил этиш вазифалари юклансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг:

мамлакатда туризм соҳасини ривожлантириш ва оммалаштиришга муносиб ҳисса қўшган жамоат тузилмалари вакиллари ва хориждаги ватандошларга уларнинг фаолиятини тегишли нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан баҳолаш натижалари бўйича топшириладиган «Туризм соҳасини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун» кўкрак нишонини таъсис этиш;

«Туризм ўқув-консалтинг маркази» давлат унитар корхонаси негизида Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Туризмни ривожлантириш институтини (кейинги ўринларда — Институт) ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

13. Қуйидагилар Институт фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

туризм соҳасида илмий-тадқиқот фаолиятини амалга ошириш, ушбу соҳадаги илмий тадқиқотлар ва илмий-амалий ишланмаларни мувофиқлаштириш, тизимли муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

туризм тармоғи учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш-

га қаратилган янги ўқув дастурлари ҳамда таълим шаклларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;

хорижий мутахассислар ва ўқитувчиларни жалб қилган ҳолда туризм соҳаси ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш;

туризм тармоғи учун кадрлар тайёрловчи ўқув таълим муассасалари фаолиятини илмий-услубий жиҳатдан мувофиқлаштириш, консалтинг ва ўқув марказлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш;

ягона тест синови тизими асосида гидлар, экскурсия етакчилари, йўриқчи-кузатувчилар учун малака сертификатини бериш.

14. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси икки ой муддатда:

Институтнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлаган ҳолда унинг Уставини;

Институтнинг тузилмаси ва штат жадвалини ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқласин.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар Институт фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

Институт ходимларининг меҳнатга ҳақ тўлаш даражаси Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ходимларига тенглаштирилсин.

Институт Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 115а-уй манзилига жойлаштирилсин.

15. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг илтимосномаси келиб тушган кундан бошлаб 5 иш куни ичида тадбиркорлик субъектларига замонавий санитария-гигиена шохобчаларини қуриш учун 80-100 квадрат метр ўлчамда ер участкалари электрон аукционга қўйилмасдан ажратилиши юзасидан шахсий жавобгарлиги белгилансин.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда:

Тошкент вилоятининг Оҳангарон, Бўстонлиқ ва Паркент туманларида, Жиззах вилоятининг Зомин туманида электр энергияси, газ, сув таъминоти ва канализация иншоотларини, шунингдек, автомобиль йўлларини жадал реконструкция қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларини келгусида Ўзбекистон Республикасининг 2020 — 2022 йилларга мўлжалланган Давлат инвестиция дастурига киритишни назарда тутган ҳолда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

«Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» давлат дастурлари доирасида ажратиладиган маблағларни биринчи навбатда «Туризм маҳалласи», «Туризм қишлоғи» ёки «Туризм овули» мақомидаги фуқаролар йиғинларини ободонлаштириш, шу жумладан ички автомобиль йўлларини таъмирлаш, электр энергия, газ ва сув таъминоти, канализация тизимининг барқарор ишлашини таъминлаш, мобил алоқа ва интернетни яхшилаш мақсадида қўшимча базавий станцияларни ўрнатиш учун йўналтириш чораларини кўрсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги:

а) «Uzbekistan Airports» АЖ, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ҳокимликлари ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан биргаликда «Очиқ осмон» режими жорий қилинаётган Ўзбекистондаги халқаро аэропортларнинг учиш-қўниш йўллари, ҳаракатланиш йўллари, кўмондонлик-диспетчерлик пунктлари, аэронавигация жиҳозлари ва стационар ер усти алоқа тармоқларининг реконструкция қилинишини таъминласин;

б) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда 2020 — 2022 йиллар давомида 4-иловага* мувофиқ миллий ва хорижий авиакомпанияларни жалб қилиш учун истиқболли хорижий мамлакатлар шаҳарлари билан авиақатновларни босқичма-босқич йўлга қўйиш чораларини кўрсин;

в) 2020 йил 1 январга қадар ҳамкорликни ва парвозлар географиясини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг ҳаво қатнови тўғрисидаги ҳукуматлараро битимларининг хатловдан ўтказилишини ва қайта кўриб чиқилишини таъминласин;

г) 2020 йил 1 январга қадар радиотехника жиҳозларини босқичма-босқич модернизация қилиш ва аэронавигация хизматларини кўрсатиш ҳажмини ошириш дастурини ишлаб чиқсин;

д) «Uzbekistan Airways» АЖ, «Uzbekistan Airports» АЖ ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда «Uzbekistan Airways» АЖ ва «Uzbekistan Airports» АЖни ривожлантириш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи барқарор бизнес-моделни ишлаб чиқсин:

қайтарилмайдиган ва багажсиз тарифлардан фойдаланиш йўли билан авиақатновлар нархларини оптималлаштириш бўйича халқаро тажрибани жорий этиш;

аэропорт инфратузилмасини қуриш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва модернизация қилиш дастури;

ҳаво кемаларини ишлаб чиқарувчи етакчи хорижий компанияларни жалб қилган ҳолда ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ҳажмини ошириш;

авиация ёнилғиси ва ёқилғи-мойлаш материалларини узлуксиз етказиб беришни таъминлаш чоралари;

авиачипталарнинг онлайн савдоси имкониятларини кенгайтириш ва электрон авиа юк варақаларини расмийлаштириш тизимини жорий қилиш;

Ўзбекистон Республикаси ичида вилоятлараро йўналишлар бўйича авиақатновларни, шу жумладан яқин ва ўрта масофаларга учишга мўлжалланган ҳаво кемаларидан фойдаланиш ҳисобига ривожлантириш;

республика ичида норентабел қатновларни амалга оширувчи авиаташувчиларни субсидиялаш механизмининг амалда жорий қилиш;

е) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда аэропортлар томо-

* 4-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

нидан кўрсатиладиган хизматлар учун табақалаштирилган тарифлар ва йиғимларни ҳисоблаш методикасини тасдиқласин ва республиканинг ҳар бир аэропорти кесимида кўрсатиладиган хизматлар учун тарифлар ва йиғимларни қайта кўриб чиқиш чораларини кўрсин;

ж) Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Қурилиш вазирлиги ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда уч ой муддатда вертолётларда йўловчи ташиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани, учиб ўтиш ҳудудларини хатловдан ўтказиш, шунингдек, вертолёт майдонларини лойиҳалаштириш ва қуриш асосида юридик шахслар томонидан вертолёт техникасидан фойдаланган ҳолда авиация хизматларини кўрсатиш тартибини жорий этиш чораларини кўрсин;

з) «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ билан биргаликда 2019 йил 1 сентябрга қадар, шу жумладан юридик шахслар томонидан шахсий кабинет орқали гуруҳ йўл ҳужжатларини расмийлаштириш ҳамда мобил иловалар орқали чипталар мавжудлигини кузатиш ва онлайн брон қилиш имкониятини назарда тутувчи «E-ticket» онлайн чипта савдосининг шаффоф тизimini ишга тушириш ҳамда ишлатиш чораларини кўрсин;

и) «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ билан биргаликда 2019 йил 1 декабрга қадар халқаро аэропортлар йўловчиларига қулай логистикани яратиш учун мамлакатимиз ва чегарадош давлатлар шаҳарлари ўртасида транспорт алоқаларини (автобус ва темир йўл қатновлари) таъминлаш бўйича режа ишлаб чиқсин;

к) Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати билан биргаликда 2019 йил 1 декабрга қадар халқаро ташувчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари бўлиналарига йўловчилар тўғрисида дастлабки маълумотларни тақдим қилиш тартиби ҳақидаги низом лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда мазкур Фармоннинг 5-илоvasида* назарда тутилган инвестиция таклифларининг 2020 — 2022 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритилишини таъминласин.

19. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки икки ой муддатда хорижий туристларга республика ҳудудида халқаро тўлов карталари ёрдамида тўловларни амалга ошириш имкониятини яратиш мақсадида миллий тўлов тизимини халқаро тўлов тизимлари билан интеграция қилиш чораларини кўрсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги бир ой муддатда визани расмийлаштириш тартиб-таомилини соддалаштириш, аризаларни кўриб чиқиш муддатларини мақбуллаштириш ва тақдим қилинадиган ҳужжатлар рўйхатини қисқартиришни, шунингдек, электрон ҳужжатлар айланмасини жорий этишни назарда тутган ҳолда хорижий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикасига келиш ва кетиш ви-

* 5-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

заларини расмийлаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати 2020 йил 1 январга қадар туристларнинг рўйхатдан ўтганлигини ҳисобга олишни, шунингдек, уларнинг республика ҳудудида бўлишлари ва рўйхатдан ўтганлигини текширган ҳолда вақтида мамлакатдан чиқиб кетиши назорат қилинишини таъминласин. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тегишли дастурий таъминот тизими ишлаб чиқилсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ЮНЕСКО Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган моддий маданий мерос объектлари ҳудудида ободонлаштириш ва қурилиш ишларини олиб боришга йўл қўймаслик юзасидан қатъий назорат ўрнатсин, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси билан келишилган ҳолатлар бундан мустасно.

23. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси:

а) «Туризм маҳалласи», «Туризм қишлоғи» ёки «Туризм овули» мақомига эга фуқаролар йиғинлари маҳаллий аҳолисини туристларга сифатли хизмат кўрсатиш бўйича тайёрлаш ва ўқитишни доимий асосда ташкил этсин;

б) икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Фуқаролар йиғинларига «Туризм маҳалласи», «Туризм қишлоғи» ёки «Туризм овули» мақомини бериш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини киритсин;

в) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда туристик йиғимни ундириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мамлакатга киришида туристик йиғимни транспорт турига қараб тўлаш тартибини жорий этиш;

туристлар томонидан туристик йиғимни мустақил равишда тижорат банклари филиаллари, туристик ахборот марказлари ва электрон ахборот тизимлари орқали тўлаш механизмларини жорий этиш орқали йиғимни тўлаш усулларини кенгайтириш;

г) Транспорт вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Тадбиркорлик субъектларининг харажатларини қоплаш учун маблағ ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

д) Молия вазирлиги, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги билан биргаликда уч ой муддатда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аудиовизуал маҳсулотларни яратишда чет эл кинокомпанияларига харажатларининг бир қисмини қайтариш («rebate») тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

е) «Ўзбеккино» Миллий агентлиги ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи билан биргаликда Ўзбекистон миллий кинокомиссиясига ҳар йили:

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан чет эл кинокомпанияларига бепул асосда ташкилий ва ишлаб чиқариш-техник ёрдам кўрсатиш бўйича вазифаларни амалга ошириш;

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги ҳузуридаги Миллий кинематографияни ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан мамлакат кинематографияси, кинолокацияси, кинотуризмни ва «rebate» тизимини тарғиб қилиш мақсадида халқаро кино тадбирларда миллий павильонлар ташкил қилиш ва ҳар йили «PROlogue» халқаро кинофестивали доирасида «LocationEXPOuz» маҳаллий кинолокацияларининг халқаро кўرғазмасини ўтказиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун маблағлар ажратилишини таъминласин;

ж) бир ой муддатда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан грантлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

з) Хусусий туризм ташкилотлари уюшмаси билан биргаликда келгушида туризм операторлари томонидан турли туризм йўналишлари шакллантирилиши учун мамлакат ҳудудларининг ноёб туристик салоҳиятини ва истиқболли туризм намоёниши объектларини доимий равишда ўрганишни ва тарғиб қилишни таъминласин.

24. Мазкур Фармонни амалга ошириш бўйича батафсил амалий тадбирлар режаси 6-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳар 15 кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига мазкур Фармоннинг ижроси юзасидан ахборот киритиб борилишини таъминласин.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 7-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

26. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Транспорт вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

27. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мазкур Фармоннинг мақсад ва вазифаларини тушунтириш юзасидан оммавий ахборот воситаларида мақолалар ва тематик кўрсатувларни ташкил этсин.

28. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикасининг

* 6-7-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

публикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 13 август,
ПФ-5781-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 13 августдаги
ПФ-5781-сон Фармониغا
1-ИЛОВА

**2020 йил 1 январдан бошлаб фуқаролари учун 30 кун
муддатга визасиз режим жорий қилинадиган мамлакатлар
РЎЙХАТИ**

1. Антигуа ва Барбуда
2. Барбадос
3. Белиз
4. Гренада
5. Доминикана Республикаси
6. Мексика Қўшма Штатлари
7. Гватемала Республикаси
8. Гондурас Республикаси
9. Коста-Рика Республикаси
10. Куба Республикаси
11. Никарагуа Республикаси
12. Панама Республикаси
13. Тринидад ва Тобаго Республикаси
14. Эль-Сальвадор Республикаси
15. Сент-Винсент ва Гренадинлар
16. Сент-Люсия
17. Багама Ороллари Ҳамдўстлиги
18. Доминикана Ҳамдўстлиги
19. Сент-Китс ва Невис Федерацияси
20. Ямайка

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**572** Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида»ги ПФ-5780-сон Фармониغا мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги марказий аппарати тузилмасига иқтисодиёт ва саноат вазирининг ҳудудларни, шу жумладан Сирдарё вилоятини комплекс ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари лавозимини қисқартириш ҳисобига Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазирининг ўринбосари — Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги директори лавозими киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) бошқарув ходимларининг чекланган умумий сони 28 нафардан иборат бўлган тузилмаси 1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Агентлик директори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган икки нафар ўринбосарга, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосарга эга;

Агентлик директорининг ўринбосари бир вақтнинг ўзида Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг (кейинги ўринларда — Жамғарма) ижро этувчи директори ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар Агентлик фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади;

Агентлик кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағларини жалб қилиши мумкин;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 14 августда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва саноат бош бошқармалари тузилмаларида Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг ўрнатилган умумий бошқарув ходимларининг чекланган сони доирасида Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармалари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил аппаратининг ҳудудларда фаолият юритаётган ходимлари билан ўзаро яқин ҳамкорликда ишлайдиган, бошқарув ходимларининг штат бирлиги 49 нафардан иборат кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш бўлимлари ташкил этилади.

4. Агентлик:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки ва Савдо-саноат палатаси билан биргаликда номолиявий ёрдам турларини ҳамма соҳаларда кенгайтириш, шу жумладан бизнес юритиш асослари ва соҳадаги қонун ҳужжатлари, тадбиркорлик фаолиятининг хавф-хатарларини баҳолаш кўникмаларини ўргатиш орқали тадбиркорларнинг кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш дастурларида мувофиқлашган тарзда иштирок этишини, уларнинг малакасини ошириш, стажировкалар ва бошқалар ташкил этилишини таъминласин;

тижорат банклари билан биргаликда икки ой муддатда фойдаланиладиган ускуналарнинг техник хусусиятлари, ўзини қоплаш муддати, маҳаллий хом ашё билан таъминланиши, сарфланадиган материаллар ҳисоб-китоби ва бозорлар, шу жумладан хорижий бозорлар баҳосини ўз ичига олган бизнес-лойиҳаларнинг электрон каталогини шакллантирсин, кейинчалик салоҳиятли лойиҳалар ва бизнес ташаббусларини танлаб олиш жараёни самарадорлиги ва сифатини ошириш мақсадида уларни Агентлик ва тижорат банкларининг веб-сайтларига жойлаштирайсин.

5. Жамғарма бошқарув кенгашининг Жамғарма ижроия дирекциясига ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган 7 нафар бошқарув ходимлари штат бирлигини қўшимча ажратиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Жамғарма ижро этувчи директорига Жамғарманинг ўз маблағлари ҳисобидан уларнинг хизматларига ҳақ тўлаган ҳолда малакали хорижий мутахассисларни жалб қилиш ҳуқуқи берилсин.

6. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиявий ёрдам олиш ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиш бўйича электрон ҳужжат айланиши схемалари 2 ва 3-иловаларга* мувофиқ маъқулландин.

7. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Агентлик билан биргаликда бир ой муддатда Жамғарма ҳисобидан лойиҳалари бўйича молиявий ёрдам кўрсатиладиган

* 2-3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами тоифаларининг рўйхатини тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси тизимли равишда кичик бизнес ва тадбиркорликни, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш соҳасида туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг иқтисодиёт ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари, бандлик ва меҳнат муносабатлари, иқтисодиёт ва саноат, Савдо-саноат палатаси, тижорат банкларининг туман бўлимлари раҳбарларининг билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида ўқув курсларини, шу жумладан масофадан туриб ўқитиш шаклидаги курсларни ташкил этсин.

9. Жамғарма қўйидагиларни назарда тутувчи «Тадбиркор» ахборот тизимини яратиш ва ишга туширишда буюртмачи этиб белгилансин:

тижорат банклари ва Жамғарма ўртасида электрон ҳужжат айланиши, шу жумладан электрон рақамли имзо ёрдамида маълумот алмашиш;

яратиладиган автоматлаштирилган дастурий таъминотни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ва Ўзбекистон банклари ассоциациясининг ахборот тизимлари билан интеграциялаш;

тижорат банкларининг кредитлари бўйича электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда кафиллик ва кафолатлар, шунингдек, фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация бериш тўғрисида электрон шартномалар тузиш;

тижорат банклари ва уларнинг мижозларига Жамғарманинг расмий веб-сайти орқали реал вақт режимида кредит буюртмаларини кўриб чиқиш ва уларнинг ижроси ҳолатини кузатиш имкониятини бериш.

10. Жамғарма:

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда лойиҳа қиймати ва тегишли ишларни молиялаштириш манбаларини акс эттирган ҳолда, «Тадбиркор» ахборот тизимини ташкил этиш, техник қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича техник ҳужжатларнинг ишлаб чиқилишини ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат унитар корхонасига келишиш учун киритилишини;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда ишларни молиялаштиришга амалдаги маблағ ажратилган санадан бошлаб 6 ой муддатда «Тадбиркор» ахборот тизимининг яратилиши ва ишга туширилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда мазкур қарорнинг 10-бандида назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш учун халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий донор ташкилотларнинг грантлари жалб этилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Агентликнинг жойлаштирилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Агентликни зарур алоқа воситалари, шу жумладан ҳукумат алоқаси билан таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 4-иловага* мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги:

а) икки ҳафта муддатда белгиланган тартибда Агентлик ва Жамғарма ходимларининг штат жадвалини тасдиқласин;

б) бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

Агентлик ва Жамғарма тўғрисидаги низомларнинг лойиҳаларини; конун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни киритсин;

в) Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги ва Савдо-саноат палатаси билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш, шу жумладан кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича палатага хос бўлмаган функция ва вазифаларни тегишли органларга бериш юзасидан таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 13 август,
ПҚ-4417-сон

* 4-илова «Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**573 Ўзбекистон Республикасида мувофиқликни баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш ва синов лабораториялари комплексини ривожлантириш тўғрисида***

Республикада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини ва экспорти ҳажмларини ошириш, уларнинг халқаро стандартларга мувофиқ ишлаб чиқарилишини таъминлаш ҳамда мавжуд синов ва калибрлаш лабораторияларини модернизация қилиш, шунингдек, аҳолига сифатли ва хавфсиз маҳсулотларни етказиб бериш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш, идоралараро ва инновацион синов ва калибрлаш лабораториялари комплексини ривожлантириш, соҳага хусусий инвестицияларни кенг жалб этиш ва маҳаллий маҳсулотларни халқаро стандартларга мувофиқ баҳолаш орқали савдодаги техник тўсиқларни бартараф этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда «Ўзстандарт» агентлигининг:

«Ўзстандарт» агентлигининг «Республика синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонасини 2020 йил 1 январдан «Ўзбекистон илмий-синов ва сифат назорати маркази» давлат корхонасига (кейинги ўринларда — «UzTest» давлат корхонаси) айлантириш ҳамда унинг муассиси этиб Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш илмий-тадқиқот институтини белгилаш;

«Ўзстандарт» агентлигининг «Республика синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси вориси этиб «UzTest» давлат корхонасини белгилаш;

2019-2020 йилларда Тошкент шаҳрида халқаро ташкилотларнинг (ISO, IEC, UNECE, EN, CODEX STAN) стандартлари, талаб ва меъёрларига мувофиқ озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, электротехника, енгил саноат, машинасозлик, қурилиш, полимер ва кимё саноати маҳсулотлари ҳамда юқори технологиялар асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг синовларини тўлиқ амалга оширадиган замонавий синов ва назорат лабораторияларидан иборат «UzTest» давлат корхонасининг синов ва назорат комплексини ташкил этиш;

«Ўзстандарт» агентлигининг 1-иловада** назарда тутилган ҳудудий синов ва сертификатлаштириш марказлари давлат корхоналарини тугатиш;

тугатилаётган ҳудудий синов ва сертификатлаштириш марказлари негизида «UzTest» давлат корхонасининг ҳудудий филиалларини 2-иловага** мувофиқ, «Ўзбекистон миллий метрология институти» давлат корхонаси

* Ушбу қарор «Халқ сўзи» газетасида 2019 йил 16 августда эълон қилинган.

** 1-2-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

худудий филиалларини 3-иловага* мувофиқ ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Мувофиқликни баҳолаш тизимини такомиллаштириш, синов ва калибрлаш лабораторияларини ривожлантиришга доир комплекс чора-тадбирлар режаси (кейинги ўринларда — Комплекс чора-тадбирлар режаси) 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Масъул вазирлик ва идоралар раҳбарлари зиммасига Комплекс чора-тадбирлар режасида кўзда тутилган вазифаларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлаш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

3. «UzTest» давлат корхонасининг синов ва назорат комплекси томонидан ўзлаштириладиган маҳсулотларни синовдан ўтказиш йўналишлари 5 ва 6-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Қўйидагилар «UzTest» давлат корхонасининг синов ва назорат комплексини ташкил этиш, технологик асбоб-ускуна билан жиҳозлаш ва модернизациялаш ишларини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш лойиҳасини Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида амалга ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3790-сон қарорига мувофиқ Жаҳон банки томонидан 25 йил муддатга йиллик 2 фоиз ставкада ажратиладиган 11,6 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағ;

UNI Credit Bank (Чехия) томонидан 7 йил муддатга йиллик 2,1 фоиз ставкада ажратиладиган 3,88 миллион евро миқдоридagi маблағ;

халқаро молия институтларининг грантлари, имтиёзли кредитлари ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. «Ўзстандарт» агентлиги тизими ташкилотларига, истисно тариқасида, синов, калибрлаш ва қиёслаш лабораторияларини ташкил этиш доирасида 2021 йилга қадар ўз маблағлари ҳисобига импорт қилинадиган лаборатория жиҳозлари, асбоб-ускуналари, стандарт намуналар, кимёвий реактив ва реагентларни харид қилиш учун тўғридан-тўғри шартномалар тузишга уларни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУКда экспертизадан ўтказиш шarti билан рухсат этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги «UzTest» давлат корхонасининг синов ва назорат комплексини ташкил қилиш ва ривожлантириш, синов ва калибрлаш лабораторияларини модернизациялаш мақсадлари учун халқаро молия институтларининг маблағларини жалб этиш чора-тадбирларини кўрсин.

7. Белгилансинки, «UzTest» давлат корхонасининг синов ва назорат комплекси таркибидagi синов лабораториялари маҳсулот синовларини амалга ошириш билан бирга «Ўзстандарт» агентлигининг ҳамда Ўзбекистон

* 3 — 6-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг буюртмалари (иш режалари)га асосан давлат назорати билан боғлиқ синовларни (ўсимликлар карантини хизмати ва фармацевтика маҳсулотлари бундан мустасно) амалга оширади.

8. 2019-2020 йилларда Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш илмий-тадқиқот институти курсларида малака оширадиган мутахассисларнинг ҳудудлар ва ихтисосликлар бўйича тақсимотлари 7 ва 8-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

9. «Ўзстандарт» агентлиги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда 2019-2020 йиллар давомида ҳудудларнинг саноат, ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятидан келиб чиқиб, мазкур қарорнинг 2-иловасига мувофиқ «UzTest» давлат корхонасининг ҳудудий филиалларини чет эл ва маҳаллий инвесторларга реализация қилиш, шу жумладан, уларнинг негизида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш чораларини кўрсин.

10. «Ўзстандарт» агентлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ветеринария ва чорвачилиқни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қурилиш вазирлиги билан биргаликда:

бир ой муддатда четдан олиб келинадиган ва республикада ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг синовлари шаффофлигини таъминлаш мақсадида амалдаги стандарт ва меъёрларга мувофиқ ҳар бир маҳсулот бўйича синов дастурларини ишлаб чиқиб тасдиқласин ҳамда доимий янгилаб турган ҳолда расмий сайтларга жойлаштириб бориш тизимини яратсин;

маҳсулотлар сифат ва хавфсизлик синов кўрсаткичлари тўлиқ баҳолангандан сўнг мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш тизимини йўлга қўйсин.

11. Белгилаб қўйилсинки, 2020 йил 1 январдан:

аккредитация қилинган синов лабораториялари маҳсулот синовларини «Ўзстандарт» агентлиги расмий сайтида жойлаштирилган синов дастурлари асосида ўтказилади;

бир турдаги маҳсулотга нисбатан тасдиқланган синов дастурини иккита ва ундан ортиқ хусусий синов лабораториялари тўлиқ халқаро талаблар асосида ўзлаштирган тақдирда, давлат органлари тизимига кирадиган синов лабораториялари томонидан мазкур маҳсулотнинг синови фақат давлат мониторинги ҳамда назорати мақсадларида амалга оширилади;

маҳсулот сифати ва хавфсизлигини тасдиқловчи рухсат берувчи ҳужжатлар ва мувофиқлик сертификатларини расмийлаштириш идоравий бўйсунувидан қатъи назар аккредитация қилинган синов лабораторияларида ўтказилган ижобий синов натижаларига асосан амалга оширилади;

аккредитация қилинган синов лабораториялари халқаро стандартларга асосан янги синов услубини ўзида жорий этса, уч ой ичида аккредитация доирасини кенгайтириш мажбуриятини олган ҳолда ушбу услуб бўйича мувофиқликни баҳолаш ишларини амалга оширишларига рухсат этилади. Бунда, янги синов услубларини қўллашга аккредитация соҳа-

* 7-8-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

сини кенгайтириш учун белгиланган тартибда тақдим этилган буюртма асос бўлади;

мувофиқлиги тасдиқланиши шарт бўлган маҳсулотлар синовини амалга оширмайдиган ва ташкилотларнинг ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун ташкил этиладиган синов лабораторияларини аккредитация қилиш ўрнига уларнинг техник жиҳатдан малакалилигини маъқуллаш тартиби жорий этилади.

Бунда мазкур бандда назарда тутилган қоидалар ўсимликлар карантини хизмати ва фармацевтика маҳсулотларига татбиқ этилмайди.

12. «Ўзстандарт» агентлиги бир ой муддатда:

Синов ва калибрлаш лабораторияларининг техник жиҳатдан малакалилигига қўйилган умумий талабларни белгиловчи давлат стандартини тасдиқласин ҳамда синов ва калибрлаш лабораторияларининг техник жиҳатдан малакалилигини маъқуллаш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда республикада ҳамда чет эл олий таълим муассасаларида стандартлаштириш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш йўналишларида таълим олаётган 3 ва 4-босқич талабалари орасида танлов ўтказиб, уларнинг хорижий мамлакатлар энг илғор илмий-синов лабораторияларида амалиётини ташкиллаштириш ва миллий синов ва калибрлаш лабораторияларига муддатли шартнома асосида ишга жалб қилиш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқласин ва амалга оширсин.

13. «Ўзстандарт» агентлиги синов ва калибрлаш лабораториялари эҳтиёжларини қондириш мақсадида келгуси давр учун харид қилинадиган лаборатория жиҳозлари, асбоб-ускуналари, стандарт намуналар, кимёвий реактив ва реагентлар рўйхатини электрон кооперация порталига жойлаштириб борсин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги, «Ўзкимёсаноат» АЖ ва «Ўзбекнефтвергаз» АЖ импорт қилинаётган лаборатория жиҳозлари, асбоб-ускуналари, стандарт намуналар, кимёвий реактив ва реагентларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича 2019 йил 1 октябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига асосланган таклиф киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва «Ўзстандарт» агентлигининг 2020 йил 1 январдан қуйидагиларни назарда тутувчи тартибни жорий этиш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин:

давлат харидларида, биржа савдоларида иштирок этиш ҳамда имтиёз ва преференциялар олиш учун корхона ва ташкилотлар ўзлари таклиф этаётган маҳсулотларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш;

импорт қилувчи ва маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарга мувофиқлик белгисидан фойдаланганлик учун бир марталик тўловни базавий ҳисоблаш миқдорининг ярим баравари миқдорида қатъий белгилаш ҳамда сертификатлаштириш идораларига тушган сумма солиқ тўловлари тўланганидан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда тақсимланиши;

сертификатлаштириш идораларига ўз брендларини яратиш ва улардан ўрнатилган тартибда шартнома асосида фойдаланиш амалиётини жорий этиш.

15. «Ўзстандарт» агентлиги Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда сертификатлаштириш жараёнларини соддалаштириш ҳамда тадбиркорлик фаолияти субъектлари, шу жумладан, экспорт қилувчи корхоналарга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида маҳсулот намуналарини синов ва калибрлаш лабораторияларига етказишда транспорт логистикаси тизимини жорий қилиш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда киритсин.

16. Тошкент шаҳар ҳокимлиги бир ҳафта муддатда «UzTest» давлат корхонасининг синов ва назорат комплексини қуриш учун зарур бўлган ер участкасини белгиланган тартибда ажратиб беришни таъминласин.

17. «Ўзстандарт» агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А. Фуломов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.М. Фаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 15 август,
ПҚ-4419-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**574 Қоракўлчилик тармоғини комплекс ривожлантириш
чора-тадбирлари тўғрисида***

Мамлакатимизда қоракўлчилик тармоғида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, наслчилик ишларини такомиллаштириш орқали сифатли қоракўл тери етиштириш, чўл озуқабоп экинлар уруғчилиги майдонларини ташкил этиш ва яйловлар ҳосилдорлигини ошириш ҳамда қоракўлчилик субъектларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида сўнгги йилларда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Шу билан биргаликда, бугунги кунда соҳада мавжуд ички имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмапти.

Хусусан, наслчилик ишларини янада такомиллаштириш, чўл яйлов озуқабоп ўсимликлар уруғчилиги майдонларини кенгайтириш, соҳада экспортбop қоракўл ва қоракўлча тери етиштириш, маҳсулотларни чуқур қайта ишлаш ва хом ашёлардан тиббиёт мақсадлари учун фойдаланиш аҳволи бугунги кун талабига жавоб бермайди.

Республикада қоракўл зотли қўйлар бош сони ва қоракўлчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини янада ошириш, наслчилик ишларини илмий асосда такомиллаштириш, қоракўлчилик маҳсулотларини, хом ашёларини чуқур қайта ишлаш ва тиббиёт мақсадлари учун кенг фойдаланиш ҳамда соҳа ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Қўйидагилар:

2019 — 2021 йилларда қоракўл зотли қўйлар бош сони, жун ва қоракўл тери ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг прогноз параметрлари 1, 1а, 1б-иловаларга** мувофиқ;

қоракўлчилик маҳсулотларини қайта ишлашни ташкил этувчи корхоналар рўйхати 2-иловага** мувофиқ;

қоракўлчилик соҳасида экспортбop қоракўлча тери етиштириш ва тиббиёт учун ноёб доривор воситалар ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган қоракўлчилик хом ашёси етказиб бериш корхоналари рўйхати 3-иловага** мувофиқ;

яйловлар ҳосилдорлигини ошириш мақсадида чўл яйлов ўсимликлари уруғчилиги майдонларини кенгайтириш параметрлари 4-иловага** мувофиқ;

наслчилик қоракўлчилик хўжаликларига кучли озуқалар етиштириш мақсадида талаб этиладиган суғориладиган ер майдонларини ажратиш параметрлари 5-иловага** мувофиқ;

ўрмон хўжалиги ташкилотларига қарашли узоқ чўл ҳудудларидаги наслчилик қоракўлчилик хўжаликларининг сув чиқариш иншоотлари жой-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 17 августда эълон қилинган.

** 1 — 5-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лашган наслчилик қорақўлчилик хўжаликларига ажратиладиган яйлов ер майдонлари 6-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликлари бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Республика «Қорақўлчилик» уюшмаси, «Халқ банки» АТБ билан биргаликда мазкур қарорга мувофиқ белгиланган прогноз параметрлар ижросини таъминлаш юзасидан туманлар ва қорақўлчилик субъектлари кесимида манзилли чора-тадбирларни тасдиқласин ҳамда уларнинг самарали ва тўлиқ ижроси юзасидан тизимли мониторинг ўрнатсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда мазкур қарорга 6-иловада* назарда тутилган ўрмон билан қопланмаган яйлов ер майдонларини хатловдан ўтказиб, уларнинг ўрмон хўжалиги ташкилотларидан наслчилик қорақўлчилик хўжаликларига ажратиб берилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Республика «Қорақўлчилик» уюшмаси, Навоий ва Қашқадарё вилояти ҳокимликларининг Навоий вилоятида қорақўл зотли қўйларнинг сур ранги бўйича, Қашқадарё вилоятида қора ва кўк ранги бўйича юқори элита синфли наслдор қорақўл қўйлар етиштиришга ихтисослаштирилган Илмий-наслчилик тажриба станцияларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Қуйидагилар Илмий-наслчилик тажриба станцияларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

юқори наслдор элита синфига мансуб сур, қора ва кўк рангли қорақўл зотли қўйлар отарларини илмий асосда ташкил этиш;

отарларда наслчилик ва сунъий уруғлантириш ишларини тизимли ташкил этиш, бунда ранглар бўйича қимматли экспортбоп ярим доира қаламгул, қовурғасимон ва ясси гул типидagi қорақўл қўйлар селекциясига алоҳида эътибор қаратиш;

серпушт қорақўл қўйларни ўзаро жуфтлаш орқали жаҳон мўйна бозорлари талабидан келиб чиқиб, қорақўл терининг рақобатбардош турларини яратиш;

етиштирилган юқори маҳсулдор қорақўл қўй ва қўчкорларни аҳоли хонадонларига, деҳқон ҳамда фермер хўжаликларига тизимли равишда етказиб беришни йўлга қўйиш.

Ушбу станцияларни ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

5. Белгилансинки, 2019 — 2023 йилларда қорақўлчилик хўжаликларига етиштириб экспортга сотилган ҳар бир дона қорақўл териси учун

* 6-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан 50 минг сўмдан ва ҳар бир дона қорақўлча териси учун 75 минг сўмдан субсидиялар ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Республика «Қорақўлчилик» уюшмаси билан биргаликда икки ой муддатда қорақўлчилик субъектларига субсидия бериш тартибини ишлаб чиқиб, тасдиқласин.

6. Республикада қорақўлчилик соҳасида наслчилик селекция ишларини такомиллаштириш, жаҳон бозори талабларига мос бўлган рақобатбардош қорақўл териси ишлаб чиқариш ва уни қайта ишлашни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида Республика «Қорақўлчилик» уюшмаси ҳузурида Қорақўлчиликни ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилсин.

Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан фоиз тўловларисиз қайтариш шарти билан 7 йил муддатга 2019-2020 йилларда ажратиладиган 50 млрд сўм;

Республика «Қорақўлчилик» уюшмасига аъзо ташкилотларнинг ҳамда бошқа жисмоний ва юридик шахсларнинг ихтиёрий ажратмалари;

ҳалқаро молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг грантлари ва кредитлари;

Жамғарманинг вақтинча бўш турган маблағларини тижорат банклари депозитларига жойлаштиришдан олинган даромадлар;

конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

7. Белгилансинки, Жамғарма маблағлари қуйидаги мақсадларга ишлатилади:

наслчилик-селекция ишларини илмий асосда ташкил этиш ва уни такомиллаштириш;

қорақўлчилик соҳасида экспортбоп қорақўл ва қорақўлча тери етиштириш;

қорақўлчилик маҳсулотларини чуқур қайта ишловчи корхоналарни ташкил этиш;

соҳада ресурс тежамкор ускуналар сотиб олиш ва озуқа цехлари (гранулятор)ни ташкил этиш ҳамда қорақўлчилик субъектлари томонидан қишлоқ хўжалиги техникалари ва агрегатларини сотиб олишни молиялаштириш;

узок чўл ҳудудларида сув чиқариш иншоотларини барпо этиш ҳамда мавжудларини таъмирлаш ва модернизация қилиш;

соҳага янги замонавий технологиялар, инновацион ғоялар ва ишланмаларни олиб келиш ҳамда жорий этиш;

мутахассисларнинг халқаро кўргазмалар ва ярмаркаларда иштирок этиши, соҳадаги кадрлар малакасини ошириш, шу жумладан ёш мутахассисларнинг хорижда ўқиши, стажировка ўташи, хорижий мутахассис ва маслаҳатчиларни жалб қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш;

Республика «Қоракўлчилик» уюшмасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда ишчи ходимларни моддий ва ижтимоий рағбатлантириш;

Республика «Қоракўлчилик» уюшмасига юклатилган бошқа вазифалар ижросини таъминлаш.

8. Республика «Қоракўлчилик» уюшмасининг Жамғармага Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағнинг 70 фоизини «Халқ банки» АТБ орқали қоракўлчилик субъектларига 3 йил муддатга йиллик 5 фоизлик, шу жумладан 1,5 фоизи банк маржаси, кредит сифатида ажратиш ҳақидаги таклифи маълумот учун қабул қилинсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Республика «Қоракўлчилик» уюшмаси билан биргаликда бир ой муддатда Жамғарма маблағларидан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиб, тасдиқласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Инновацион ривожланиш вазирлиги Республика «Қоракўлчилик» уюшмаси билан биргаликда қоракўлчилик хом ашёлари асосида яратиладиган ноёб дори воситалари — иммунитетни тикловчи «Тимоптин инъекцияси» ва камқонликда қўлланиладиган «Эритим» препаратларини ишлаб чиқаришни 10 бараваргача ошириш чораларини кўрсин ва ушбу мақсад учун талаб этиладиган маблағлар ажратилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Фанлар Академияси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги қоракўлчилик хом ашёлари асосида яратиладиган Кардин ва Афлан дори воситаларининг клиник синовларини олиб бориш ва ишлаб чиқаришни ташкиллаштирсин.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ушбу ишланмаларни грант маблағлари билан таъминласин.

12. Белгилаб қўйилсинки, 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб Республика «Қоракўлчилик» уюшмаси қоракўлчилик субъектларида қоракўл зотли қўйларнинг:

бош сони, генофондини сақлаш ва такомиллаштириш, наслчилик-селекция ишлари, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати юзасидан даврий мониторинг ҳамда жамоатчилик назоратини амалга оширади;

генофондини сақлаш, бошқа зотли қўйлар билан чатиштирмаслик ҳамда бириктирилган ер (яйлов) майдонларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш тўғрисида зарур тавсиялар беради.

13. Наслчилик қоракўлчилик хўжаликларига қарашли яйловларни туман ҳокимлиги захирасига олиш, шунингдек, бошқа йўналишдаги фермер хўжаликларига ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига бериш Республика «Қоракўлчилик» уюшмасининг розилиги билан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш марказига қараш-

ли Бухоро чўл яйлов озуқабоп ўсимликлар уруғчилиги илмий-ишлаб чиқариш марказини (кейинги ўринда — Марказ) «Ўзбекчорванасл» агентлиги таркибига ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Марказ ўз фаолиятини бевосита Республика «Қорақўлчилик» уюшмаси билан ҳамкорликда амалга оширсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлигининг:

Самарқанд шаҳри, Хишрав қўрғони, Самарқанд кўчаси, 1-уйда жойлашган Самарқанд қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежининг маъмурий биносини тегишли ҳудудлари билан биргаликда Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтига оператив бошқариш ҳуқуқи асосида бепул бериш;

Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 47-уйда жойлашган Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтининг бино ва иншоотларини тегишли ҳудудлари билан бирга Самарқанд вилояти ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармасига оператив бошқариш ҳуқуқи асосида бепул бериш;

Самарқанд вилояти Ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат маркази ҳамда Самарқанд вилояти «Чорванасл» марказини Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 47-уй манзилида жойлаштириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлиги мазкур бандда кўрсатилган бино ва иншоотларнинг белгиланган тартибда қабул қилиниши ва топширилишини таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги фундаментал, илмий-амалий ҳамда инновацион тадқиқотлар давлат илмий-техник дастурлари ва илмий мавзуларни шакллантиришда ветеринария, қорақўлчилик ва чорвачилик соҳасида юқори сифатли ветеринария воситалари, наслчилик ишларини юритишнинг ҳамда юқори ҳосилдор озуқа экинларининг янги навларини яратиш ва уруғчилигини йўлга қўйишнинг замонавий усул ва технологиялари ишлаб чиқилишини назарда тутувчи илмий лойиҳалар киритилишини таъминласин.

17. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги Республика «Қорақўлчилик» уюшмаси билан биргаликда қорақўлчилик соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиб борсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

19. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 16 август,
ПҚ-4420-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ**

575 Кўп валютали бухгалтерия ҳисоби тизимида Ўзбекистон Республикаси банклари баланснинг актив ва пассивларидаги валюта ҳисобварақлари қолдиқларини қайта баҳолаш қоидалари ва унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
12 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 535-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 13 июль,
15/9-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил
13 июлдаги 15/9-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1997 йил 24 октябрда 363-сон билан тасдиқланган «Кўп валютали бухгалтерия

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 13 августда эълон қилинган.

терия ҳисоби тизимида Ўзбекистон Республикаси банклари балансининг актив ва пасивларидаги валюта ҳисобварақлари қолдиқларини қайта баҳолаш қоидалари» (рўйхат рақами 535, 1998 йил 16 ноябрь).

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 7 октябрдаги 27/5-сон «Кўп валютали бухгалтерия ҳисоби тизимида Ўзбекистон Республикаси банклари балансининг актив ва пасивларидаги валюта ҳисобварақлари қолдиқларини қайта баҳолаш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 535-1, 2017 йил 26 октябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.10.2017 й., 10/17/535-1/0184-сон).

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 28 июлдаги 26/6-сон «Кўп валютали бухгалтерия ҳисоби тизимида Ўзбекистон Республикаси банклари балансининг актив ва пасивларидаги валюта ҳисобварақлари қолдиқларини қайта баҳолаш қоидаларининг II бўлими 1-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 535-2, 2018 йил 5 сентябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2018 й., 10/18/535-2/1833-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

576 Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
12 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1834-8*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 3 майдаги 11/5-сон қарори (рўйхат рақами 1834, 2008 йил 11 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 28-сон, 276-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тар-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 13 августда эълон қилинган.

тиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 13 июль,
15/10-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил
13 июлдаги 15/10-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 3-банднинг иккинчи хатбошисидаги «минибанк» деган сўз «банк хизматлари офиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 5-бандда:

ўн саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«банк хизматлари офиси — банк филиали биносидан ташқарида жойлашган ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ фаолият юритувчи банк филиалининг таркибий тузилмаси. Банк хизматлари офиси турли хил номланиши («Минибанк», «Чакана хизматлар маркази», «Банк хизматлари маркази» ва бошқалар) мумкин;»;

йигирма иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«якуний назорат — амалиёт кун тугагандан сўнг, кейинги банк иш кунидан кечикмаган ҳолда банкда амалга оширилган барча банк операцияларининг бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттирилганлигини, шу жумладан бирламчи ҳужжатлар асосида ўтказилганлигини текшириш мақсадида амалга ошириладиган назорат.»;

йигирма тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Якуний назорат хизмати банкларда (филиалларда) алоҳида бўлим сифатида ташкил қилинади. Банк томонидан амалга оширилган операцияларга оид ҳисоб-китоб ҳужжатлари банк хизматлари офисларида сақланган ҳолларда банк хизматлари офисларида якуний назорат хизмати алоҳида штат бирлигида ташкил этилади.».

3. 10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Масъул ижрочи ва назоратчи бухгалтерлар зиммасига муайян

ҳисобварақларни юритиш ёки алоҳида операцияларни амалга ошириш ишлари юклатилади. Ҳисобварақлар ходимлар ўртасида банк ички тартиб қоидалари асосида операциялар ҳажми, миқдорлар тури ва бошқа хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда тақсимланади.»

4. 11-банддаги «алоҳида китобда рўйхатга олинмиши» деган сўзлар «юритилиши» деган сўз билан алмаштирилсин.

5. 16-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16. Таркибий тузилмаси Фронт-офис ва Бек-офис сифатида ташкил этилган банкларнинг бухгалтерия аппарати шу таркибий тузилмаларга мос равишда ташкил этилиши мумкин. Бухгалтерия аппаратини Фронт-офис ва Бек-офисга ажратиш зарурияти юзасидан шарҳлар 3-иловада келтирилган.»

6. II бобнинг 2-параграфи номидаги «Минибанкларда» деган сўз «Банк хизматлари офисларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 17 ва 18-бандлар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«17. Банк хизматлари офисларида бухгалтерия ҳисоби мавжуд иш ҳажмидан келиб чиққан ҳолда мазкур Йўриқнома талаблари доирасида ташкил этилиши лозим.

Банк хизматлари офисларида дастлабки назоратни ўтказиш учун масъул ижрочи бухгалтер штати билан таъминланган бўлиши лозим. Жорий назорат банк хизматлари офиси бухгалтерияси бошлиғи томонидан (бундан буён матнда етакчи бухгалтер деб юритилади) амалга оширилади.

Банк хизматлари офисларидан ўтказиладиган тўловлар жорий назоратдан ўтказилганидан сўнг амалга оширилади. Бунда тўловлар жорий назоратдан ўтказилганлиги банк филиалининг Бек-офиси бошлиғи ёки Бош бухгалтер томонидан тасдиқланиши талаб этилмайди.

Банк хизматлари офислари уларда амалга оширилган операция ва ўтказилган тўловларнинг назоратини таъминлаш мақсадида, операцияларга ва (ёки) тўловларга асос бўлган ҳужжатлар, шу жумладан пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларининг электрон нусхасини банкка (филиалга) тақдим этиши мумкин.

18. Банк хизматлари офисларида банк иш куни давомида амалга оширилган операцияларга асос бўлган пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари белгиланган тартибда якуний назоратдан ўтказилиши лозим.

Банк хизматлари офисларида кунлик бухгалтерия ҳужжатлари йиғма-жилди мазкур Йўриқноманинг 7-параграфида белгиланган тартибда шакллантирилиши ва сақланиши ёки шакллантирилган кунлик бухгалтерия ҳужжатлари йиғмажилди сақлаш учун даврий равишда, лекин бир ойда камида бир маротаба банк хизматлари офисини ташкил этган банкка (филиалга) етказилиши лозим. Мазкур ҳолат банкнинг ички қоидаларида (ҳужжатларида) аниқ кўрсатилиши лозим.»

8. 19-банддаги «ўзи жойлашган вилоят ёки шаҳарда минибанклар» деган сўзлар «(филиал) банк хизматлари офислари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 20, 53 ва 54-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

10. 22-банд «назоратдан ўтказилиши шарт» деган сўзлардан кейин

«, бундан банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимлари орқали амалга оширилган операциялар мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

11. 23-банднинг олтинчи — саккизинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«филиаллараро ва ички тўловларни ўтказиш учун банк ўз мижозларидан тўлов ҳужжатларини қабул қилиш вақтини ўзи мустақил равишда белгилайди. Филиаллараро тўловларга бир банк филиаллари ўртасидаги тўловлар, ички тўловларга касса амаллари, тўланиши ва олиними лозим бўлган фоизлар ҳисобини ҳисоблаш ҳамда ходимларга иш ҳақи ҳисоблаш ва шунга ўхшаш амаллар киради;

банклараро тўловлар бўйича банклар мижозларидан банк амалиёт куни давомида (қоғоз шаклдаги тўлов ҳужжатлари учун соат 16-00 гача) қабул қилинган тўлов ҳужжатлари бўйича бухгалтерия ўтказмаларини банклараро тўловлар вақти тугагунга қадар ХКМга етказиб беришлари керак, акс ҳолда банклараро тўловлар амалга оширилмайди. Банк айби билан амалга ошмай қолган ҳужжат бўйича банк жавобгар ҳисобланади, бундан банкка тааллуқли бўлмаган ташқи омиллар мустасно;

ХКМ банкларга банклараро тўловлар тугаганлиги тўғрисида маълумотни (END файл) жўнатади, шундан сўнг шу амалиёт куни учун банклар ўртасида банклараро тўловлар тўхтатилади.».

12. 24-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«24. Банклар банк иш куни яқунлангандан сўнг, лекин кейинги банк иш куни соат 10-00 дан кечиктирмаган ҳолда Марказий банкка электрон баланс (0106BS) ҳисоботини жўнатадилар.».

13. 28-бандда:

олтинчи хатбоши «сўз билан» деган сўзлардан кейин «ёзиладиган сумма сатрнинг бошидан катта ҳарф билан бошланиши ҳамда тийин рақам билан ёзилиши лозим» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«операция бажарган шахсларнинг (шахснинг) лавозими, фамилияси ҳамда исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари ҳамда имзоси;»; еттинчи хатбоши саккизинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

14. 34-бандда:

иккинчи хатбошидан иккинчи жумла чиқариб ташлансин;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Нақд пул чекининг олд томонида, албатта, нақд пул олиш учун банкка тақдим этилган имзо намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчада (тадбиркорлик субъектлари учун имзо намуналари қўйилган варақчада) кўрсатилган имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ёки корхона томонидан ишончнома берилган шахснинг исми, шарифи ёзилади. Ҳисобварақ эгаси нақд пул чекларининг орқа томонида харажатларнинг мақсадини кўрсатиши шарт, ушбу маълумотлар чек берувчининг имзолари билан тасдиқланади ва пул олувчининг паспорти ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат (ҳужжат фақат, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар

вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан ўз ходимларига берилган бўлса) маълумотлари кўрсатилади. Бу маълумотлар олувчиларнинг ўзлари томонидан тўлдирилиши шарт. Нақд пул берилиши учун асос бўладиган пул чеклари ва чиқим касса ордерлари олувчиларнинг имзолари билан тасдиқланади.

Нақд пул чеки бўйича маблағ чекда шахси кўрсатилган шахсга тўланади.».

15. 36-банддаги «Миллий» деган сўз «Давлат» деган сўз билан алмаштирилсин.

16. 37-банднинг биринчи хатбошиси «шахсларининг имзолари» деган сўзлардан кейин (шу жумладан, электрон рақамли имзолари)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

17. 38-банд «бош бухгалтер» деган сўзлардан кейин «(Бек-офис бошлиғи, етакчи бухгалтер)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

18. 43-банднинг биринчи ва иккинчи жумлалари, 151 ва 152-бандлар «Бош бухгалтер» деган сўзлардан кейин «(Бек-офис бошлиғи, етакчи бухгалтер)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

19. 45-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«45. Банк тўловчи бўлиб иштирок этган ва мемориал ордерлар ишлатилган ҳолларда, улар банк раҳбарининг ва бош бухгалтернинг (Бек-офис бошлиғи, етакчи бухгалтер) имзолари (шу жумладан электрон рақамли имзолари) билан тасдиқланади, бошқа ҳолатларда мемориал ордерлар ушбу банк ҳисобварағини олиб борувчи бухгалтер ва бош бухгалтернинг (Бек-офис бошлиғи, етакчи бухгалтер) имзоси (шу жумладан, электрон рақамли имзолари) билан тасдиқланади.».

20. 47-банднинг биринчи хатбошиси ва 80-банд «бош бухгалтер» деган сўзлардан кейин «(Бек-офис бошлиғи, етакчи бухгалтер)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

21. 55-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«55. Тўлов топшириқномалари ва нақд пулни қўйиш учун фойдаланиладиган эълонларнинг санаси у банкка тақдим этилган сана билан бир хил бўлиши керак, акс ҳолда улар ижро учун қабул қилинмайди (олдинги банк амалиёт кунда «кечки» муҳри билан қабул қилинган тўлов ҳужжатлари бундан мустасно).».

22. 60-банддаги «(муҳр мавжуд бўлган тақдирда)» деган сўзлар «(тадбиркорлик субъектларидан муҳр изи талаб этилмайди)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

23. 66-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«66. Бек-офис бошлиғи ёки Бош бухгалтер барча пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл ва электрон нусхаларига ўрнатилган тартибда имзо (шу жумладан, электрон имзо) чекиб, тасдиқлайди ва бухгалтерия ўтказмаларини амалга оширади, банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимлари орқали амалга оширилган операциялар бундан мустасно. Банк раҳбари буйруғи билан тўловларни тасдиқлаш бошқа банк ходимига топширилиши мумкин.».

24. 67-банднинг биринчи хатбошиси «Банкларда» деган сўздан кейин «(филиал, банк хизматлари офиси)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

25. 70-банднинг биринчи хатбошиси қўйдаги таҳрирда баён этилсин:

«70. Яқуний назорат ходими банк операцияларини бажариш учун асос бўлган барча ҳужжатларни талаб қилишга ва улар асосида операциялар қанчалик даражада тўғри бажарилганлиги бўйича банк раҳбариятига даврий равишда хулоса бериб боради.».

26. 108-банд қўйдаги таҳрирда баён этилсин:

«108. «Омборда» илова (суб) ҳисобварағи бўйича материаллар ҳисоби миқдор ва қиймат ифодасида (тури ва навига қараб) юритилади.

Кўшимча китобда шахсий ҳисобварақлар юритилади, бундан ташқари, материаллар турлари ҳамда ҳисобдор шахслар бўйича варақчалар ва дафтарларда ҳисоб олиб борилади. Варақчада банк номи, анжом номи, дафтар бўйича номер, ҳисобварақ номери, анжомнинг нархи, анжомлар сони, анжомни берувчининг номи, бухгалтерия ёзуви қайд қилинган сана, анжом учун жавобгар шахснинг исм-шарифи, анжомлар суммаси ва улар сақланаётган жой кўрсатилади. Варақчалар бир турдаги буюмлар гуруҳлари бўйича картотекага жойлаштирилади. Асосий воситалар ҳисобини юритиш дафтари йил охирида яқунланмайди ва ундаги ёзувлар янги йилда давом эттирилади. Моддий қимматликлар умумий белгиланган тартибда йўқлама қилиб турилади.

Материаллар турлари ҳамда ҳисобдор шахслар бўйича варақчалар ва дафтарлар электрон шаклда дастурий таъминот орқали олиб борилади.».

27. 118-банд қўйдаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Кўп валютали бухгалтерия ҳисоби тизимида банкнинг асосий воситалари, капитали, даромадлари ва харажатларининг ҳисоби фақат миллий валютада юритилади.».

28. 121-бандда:

ўн олтинчи хатбоши «ва номи» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қўйдаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«корреспонденцияланувчи ҳисобварақ рақами ва номи;

тўловнинг мақсади.».

29. 124-бандда:

биринчи хатбоши чиқариб ташлансин;

иккинчи — тўртинчи хатбошилар тегишли равишда биринчи — учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

30. 127-банд қўйдаги таҳрирда баён этилсин:

«127. Мижоз шахсий ҳисобварақдан кўчирмани йўқотиб қўйган тақдирда, унинг дубликати мижоз билан тузилган банк ҳисобварағи шартномасига мувофиқ мижоз аризаси (электрон сўрови) асосида берилади.».

31. 142-банд қўйдаги таҳрирда баён этилсин:

«142. Баланснинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг банк (филиал) томонидан кунлик бухгалтерия ҳисоботи сифатида бир нусхада баланс чоп этилади ва кунлик йиғмажилдга тикилади.

Бош банкда бутун банк бўйича ягона баланснинг кунлик чоп этили-

ши банк томонидан мустақил белгиланади. Филиаллари мавжуд бўлмаган банклар мазкур банднинг биринчи хатбошисида белгиланган тартибда чоп этади.».

32. 143-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«143. Банкнинг ягона баланси банк раҳбари ва Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаменти директори (бошқарма бошлиғи) томонидан имзоланади.».

33. Қуйидаги мазмундаги 5¹ параграф билан тўлдирилсин:

«5¹ §. Кўп валютали бухгалтерия ҳисобида ҳисобварақларни юритиш ва қайта баҳолаш

147¹. Битта валютада амалга ошириладиган операциялар фақатгина ушбу валютанинг Бош китобига ёзилади. Масалан, АҚШ доллариди амалга оширилган операциялар АҚШ доллариди Бош китобда, сўмда амалга оширилган операциялар эса сўмдаги Бош китобда ҳисобга олинади.

147². Валюта кросс-операцияси иккита валютани ўз ичига олади:

а) икки хил валютани ўз ичига оладиган операциялар ушбу валюталардаги ҳар бир Бош китобда валюта позициясининг тегишли ҳисобварақларига алоқадор бўлган бухгалтерия ёзувлари ёрдамида балансланади;

б) чет эл валютаси ва сўмда амалга оширилган операциялар чет эл валютасидаги Бош китобда ва сўмдаги Бош китобда қайд этилади;

в) икки хил чет эл валюталарида амалга оширилган операциялар ушбу икки валютага тегишли Бош китобларда қайд этилади.

147³. Валюта курси ўзгаришидан кўрилган фойда ёки зарарларни аниқлаш ва молиявий ҳисоботни тузиш мақсадларида чет эл валютасида қайд этилган актив ва мажбурият ҳисобварақлари қолдиқларининг қайта баҳоланиши ҳар бир ойнинг охириги иш кунида ўтказилади. Жамланма баланс ҳисоботини тузиш учун қайта баҳолаш ойнинг исталган кунида ўтказилиши мумкин. Ушбу ҳолатларда бир хил қайта баҳолаш қоидалари қўлланилади.

Бунда банкнинг чет эл валюталари бўйича ҳисобварақларининг қолдиқлари (актив ва мажбуриятлари) баланс тузиш санасига Марказий банкнинг курси асосида қайта баҳоланади.

147⁴. Қайта баҳолаш ҳар куни бухгалтерия ёзувларисиз дастурий тарзда фақатгина жамланма баланс ҳисоботини тузиш учун ўтказилади. Қайта баҳоланган актив ва мажбуриятларнинг иккита якуний суммалари ўртасидаги фарқ валюта бўйича китобдаги валюта позицияси ҳисобварақининг янги қолдиғини ўзида акс эттиради.

147⁵. Ҳар ойнинг охирида молиявий ҳисоботда қайд этиш учун қайта баҳолаш натижасида кўрилган фойда ва зарарлар аниқланади. Қайта баҳолаш натижасида кўрилган фойда ва зарарларни аниқлаш тартиби қуйидагича:

а) алоҳида валюталарнинг Бош китоблари маълумотларидан келиб чиққан ҳолда баланс тузиш санасидаги ҳар бир валюта бўйича актив ва

мажбуриятларнинг барча қолдиқлари жамланади. Актив ва мажбуриятлар якуний суммалари ўртасидаги фарқ ушбу Бош китобдаги валюта позицияси ҳисобварағи қолдиғига тенг бўлиши лозим;

б) чет эл валютасида қайд этилган актив ва мажбуриятлар тегишли равишда юқорида белгиланган курслар асосида сўмга айлантирилади;

в) қайта баҳоланган актив ва мажбуриятларнинг иккита якуний суммалари орасидаги фарқ валюта бўйича китобдаги валюта позицияси ҳисобварағининг янги қолдиғини акс эттиради. Бу янги қолдиқ сўм бўйича китобдаги валюта позицияси ҳисобварағининг тегишли қолдиғи билан таққосланади.

147⁶. Олинган фарқ қайта баҳолашдан кейинги фойда ёки зарарни ташкил этади ва тегишли равишда қуйидаги бухгалтерия ёзуви билан акс этирилади:

Дебет 17101 «Валюта позицияси ҳисобварақлари»

Кредит 45401 «Спот битими бўйича чет эл валюталаридаги фойда»
ёки

Дебет 55302 «Спот битимлари бўйича чет эл валюталаридаги зарар»

Кредит 17101 «Валюта позицияси ҳисобварақлари»

Бунда, сўм бўйича Бош китобдаги валюта позицияси ҳисобварағи чет эл валютаси бўйича Бош китобдаги валюта позицияси ҳисобварағининг янги қолдиғига мос келгунга қадар доимий равишда тартибга солиб турилади. Бундай тартибга солинишдаги дебет ёки кредит бухгалтерия ёзуви мумкин бўлган қайта баҳолашдан олинган фойда ёки зарар акс эттиради.

147⁷. Қайта баҳолашдан сўнг қуйидаги ҳолларда фойда олинади:

агар чет эл валютаси бўйича Бош китобдаги валюта позицияси ҳисобварағининг янги кредит қолдиғи сўм бўйича Бош китобдаги валюта позицияси ҳисобварағининг корреспонденцияланувчи дебет қолдиғидан ортик бўлса;

агар чет эл валютаси бўйича Бош китобдаги валюта позицияси ҳисобварағининг янги дебет қолдиғи сўм бўйича Бош китобдаги валюта позицияси ҳисобварағининг корреспонденцияланувчи кредит қолдиғидан кам бўлса.

147⁸. Қайта баҳолашдан сўнг қуйидаги ҳолларда зарар кўрилади:

агар чет эл валютаси бўйича Бош китобдаги валюта позицияси ҳисобварағининг янги кредит қолдиғи сўм бўйича Бош китобдаги валюта позицияси ҳисобварағининг корреспонденцияланувчи дебет қолдиғидан кам бўлса;

агар чет эл валютаси бўйича Бош китобдаги валюта позицияси ҳисобварағининг янги дебет қолдиғи сўм бўйича Бош китобдаги валюта позицияси ҳисобварағининг корреспонденцияланувчи кредит қолдиғидан ортик бўлса.

147⁹. Чет эл валютасини сотиб олиш операцияларининг ҳамда валюта қайта баҳолашдан кейин фойда ва зарарларни аниқлашнинг бухгалтерия ҳисоби бўйича мисоллар мазкур Йўриқноманинг 9-иловасида келтирилган.»

34. 157-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«157. Кунлик йиғмажилдга қуйидаги ҳужжатлар тикилади:

банк мижозлари тўлов ҳужжатларининг ёки банк мижозларининг ҳисоб-варақларига қўйилган талаблар бўйича қоғозда тақдим этилган тўлов ҳужжатларининг асл нусхаси;

банк мижозлари билан шартномада белгиланган ҳисоб-китоблар бўйича амалга оширилган тўловлар учун қўлланилган мемориал ордерларнинг биринчи нусхаси;

банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизими бўйича амалга оширилган тўлов ҳужжатларининг рўйхати (мазкур Йўриқноманинг 6-илоvasи);

банкнинг барча ҳисобварақлари бўйича амалга оширилган операцияларнинг иккинчи тартибли баланс ҳисобварақлари бўйича умумий суммаси кўрсатилган рўйхати (мазкур Йўриқноманинг 6-илоvasи);

кунлик баланс ҳисоботи.

Кунлик бухгалтерия журнали электрон кўринишда ўрнатилган тартибда сақланади ва зарур ҳолларда ҳужжатлар рўйхати кунлик бухгалтерия журналининг тегишли қисмидан дастурий йўл билан олинади.».

35. Қўйидаги мазмундаги 157¹-банд билан тўлдирилсин:

«157¹. Кунлик бухгалтерия ҳужжатлари йиғмажилдини шакллантириш ва сақлаш имкони бор бўлган банк хизматлари офисларида кунлик йиғмажилдга мазкур Йўриқноманинг 157-бандида кўрсатилган ҳужжатлар (кунлик баланс ҳисоботи бундан мустасно) тикилади.».

36. 158-банддаги «Тижорат банкларида касса ишини ташкил қилиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқнома» (2008 йил 27 июнь, рўйхат рақами 1831 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2008 йил, 26-27-сон, 258-модда)» деган сўзлар «Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга доир йўриқнома (рўйхат рақами 3028, 2018 йил 29 июнь)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

37. 171-бандда:

учинчи хатбошидаги «ёки унинг ўринбосари» деган сўзлар «(Бек-офис бошлиғи) ёки унинг ўринбосари, етакчи бухгалтер» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «карточка» ва «карточкалар» деган сўзлар тегишли равишда «варақча» ва «варақчалар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

38. 1-иловада:

4-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Банкнинг бош бухгалтери банк раҳбарининг буйруғи билан тайинланади ва озод қилинади. Филиаллари мавжуд банкларда филиал бош бухгалтери лавозимига тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш банк бошқаруви раиси ёки унинг ўринбосари томонидан, Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаменти директори (бошқарма бошлиғи) билан келишилган ҳолда тайинланади. Шунингдек, у бевосита банк раҳбарига, бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, ҳисоботлар тузиш, назорат қилиш тартиби ва методикаси билан боғлиқ масалалар бўйича эса, бевосита Бош банк Бухгалтерия

ҳисоби ва ҳисоботи департаменти директори (бошқарма бошлиғи)га бўйсунди.»;

6-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин;

7-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари ҳамда микрокредит ташкилотлари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талабларини қўйиш тартиби тўғрисида»ги низом (2006 йил 14 ноябрь, рўйхат рақами 1641 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 46-47-сон, 467-модда)га деган сўзлар «Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, микрокредит ташкилотлари ҳамда кредит бюроларининг ижро органлари раҳбарларига нисбатан малака талабларига (рўйхат рақами 2989, 2018 йил 30 март)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «ёпиш» деган сўз «ёпишга доир амалларни назорат қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

39. 2-илова ўз кучини йўқотган деб топилсин.

40. 6 ва 7-иловалар мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 1 ва 2-иловаларига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

41. 8-илова қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

22.	Масофадан хизмаг кўрсатиш тизими орқали ўтказилган тўлов топшириқномаси
-----	---

42. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 3-иловасига мувофиқ таҳрирда 9-илова билан тўлдирилсин.

Ўзбекистон Республикаси банкларида
бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалте-
рия ишларини ташкил қилиш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчаларга
1-ИЛОВА

«Ўзбекистон Республикаси банкларида
бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалте-
рия ишларини ташкил қилиш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага
6-ИЛОВА

Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизими бўйича
амалга оширилган тўлов ҳужжатлари рўйхати

Сўм ва тийинда

Т/р	Иккинчи тартибли баланс ҳисобварақлар рақами	Тўлов ҳужжатлари тури (шифри)	Ҳужжатлар сони	Сумма
1	2	3	4	5

Банкнинг барча ҳисобварақлари бўйича амалга оширилган операцияларнинг
иккинчи тартибли баланс ҳисобварақлари умумий суммаси кўрсатилган
рўйхати

Сўм ва тийинда

Т/р	Иккинчи тартибли баланс ҳисобварақлар рақами	Тўлов ҳужжатлари тури (шифри)	Ҳужжатлар сони	Сумма
1	2	3	4	5

Ҳар бир варақ охирида мазкур варақдаги ҳужжатлар сони, мазкур варақ
бўйича тўлов ҳужжатларининг умумий суммаси, банк раҳбари (Банк хиз-
матлари офиси) ҳамда бош бухгалтери (Бэк-офис бошлиғи, Банк хизмат-
лари офиси бухгалтерияси бошлиғи) имзоси бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси банкларида
бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалте-
рия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғри-
сидаги йўриқномага киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчаларга
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси банкларида
бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалте-
рия ишларини ташкил қилиш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага
7-ИЛОВА

Брошюраланган ҳужжатлар йиғмажилди муқоваси ШАКЛИ

Сақлаш муддати _____ Индекс _____
_____ банк филиали/
банк хизматлари офиси) Бухгалтерия ҳужжатлари «__» _____ 20__ й.
_____ сўм _____ тийиндаги

Шулардан алоҳида йиғма жилдларда: чет эл валютаси ва қимматбаҳо
металлар бўйича _____ банкнинг ички ҳисобварақ-
лари бўйича _____.

Кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари бўйича ҳужжатлар _____

Шулардан қимматбаҳо металлар ва чет эл валютасидаги операциялар
алоҳида йиғма жилдда _____

Жами ҳужжатлар сони _____

Тахладим ва санаб чиқдим _____
(имзо)

Бухгалтерия маълумотлари
билан солиштирилди _____

(бош бухгалтер ёки унинг ўринбосари (Бек-офис
бошлиғи, Банк хизматлари офиси бухгалтерияси
бошлиғи)имзоси)

Бухгалтерия ҳужжатлари
билан таққосланди _____

(якуний назорат ходимининг имзоси)

Ўзбекистон Республикаси банкларида
бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалте-
рия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғри-
сидаги йўриқномага киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчаларга
3-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси банкларида
бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалте-
рия ишларини ташкил қилиш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага
9-ИЛОВА

**Чет эл валютасини сотиб олиш операцияларининг ҳамда
валютани қайта баҳолашдан кейин фойда ва зарарларни
аниқлашнинг бухгалтерия ҳисоби бўйича мисоллар**

20__ йил 14 сентябрь ҳолатига жамланма баланс ҳисоботида ҳисоб-
варақларда қуйидаги қолдиқлар кўрсатилган:

Ҳисобварақ	Доллардаги китоб (АҚШ доллар ида)	Доллардаги китоб (\$1 учун 8.092,13 сўм қайта баҳолаш курси бўйича)	Сўмдаги китоб	Жами
Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағидаги маблағлар	\$1.000	8.092.130	8.000.000.000	8.008.092.130
Бошқа активлар			69.000.000.000	69.000.000.000
Жами: Активлар			-	77.008.092.130
Мижозларнинг маблағлари	\$1.000	8.092.130	10.000.000.000	10.008.092.130
Бошқа мажбуриятлар			67.000.000.000	67.000.000.000
Жами: мажбуриятлар ва капитал			-	77.008.092.130

1. Банкнинг мижозидан 1.000 АҚШ доллари сотиб олинди. 1 АҚШ дол-
лари учун банкнинг сотиб олиш курси 8.071,00 сўм

Сана 15.09.20__ йил

Қайта ҳисоблаш курси — 1 АҚШ доллари учун 8.092,13 сўм

1.000 АҚШ доллари сотиб олишни акс эттириш бўйича бухгалтерия
ёзувлари:

Доллардаги китоб			Сўмдаги китоб		
Дт 202XX — Мижоз ҳисобварағи	\$1.000		Дт 17101 — «Валюта позицияси ҳисобварақлари»	8.071.000	
Кт 17101 — «Валюта позицияси ҳисобварақлари»		\$1.000	Кт 202XX — Мижоз ҳисобварағи		8.071.000

Чет эл валютасидаги операциядан фойдани акс эттиргунгача бўлган жамланма баланс ҳисоботи:

Ҳисобварақ	Доллардаги китоб (АҚШ долларида)	Доллардаги китоб (\$1 учун 8.092,13 сўм қайта баҳолаш курси бўйича)	Сўмдаги китоб	Жами
Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағидаги маблағлар	\$1.000	8.092.130	8.000.000.000	8.008.092.130
Валюта позицияси ҳисобварақлари	(1.000)	(8.092.130)	8.071.000	(21.130)
Бошқа активлар	-	-	69.000.000.000	69.000.000.000
Жами: Активлар	-	-	77.008.071.000	77.008.071.000
Мижозларнинг маблағлари	-	-	10.008.071.000	10.008.071.000
Бошқа мажбуриятлар	-	-	67.000.000.000	67.000.000.000
Жами: мажбуриятлар ва капитал	-	-	77.008.071.000	77.008.071.000

17101-ҳисобварақнинг кредит қолдиғи чет эл валютасидаги операциядан 21.130 сўм миқдоридagi фойдани кўрсатмоқда. Фойдани акс эттириш бўйича бухгалтерия ёзуви:

Доллардаги китоб			Сўмдаги китоб		
Бухгалтерия ёзуви йўқ			Кт 17101 — «Валюта позицияси ҳисобварақлари»	21.130	
			Кт 45401 — «Спот» битими бўйича хорижий валюталардаги фойда»		21.130

Фойда акс этирилгандан кейин жамланма баланс ҳисоботи:

Ҳисобварақ	Доллардаги китоб (АҚШ долларида)	Доллардаги китоб (\$1 учун 8.092,13 сўм қайта баҳолаш курси бўйича)	Сўмдаги китоб	Жами
Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағидаги маблағлар	\$1.000	8.092.130	8.000.000.000	8.008.092.130
Валюта позицияси ҳисобварақлари	(1.000)	(8.092.130)	8.092.130	
Бошқа активлар	-	-	69.000.000.000	69.000.000.000
Жами: Активлар	-	-	77.008.092.130	77.008.092.130
Мижозларнинг маблағлари	-	-	10.008.071.000	10.008.071.000
Бошқа мажбуриятлар	-	-	67.000.000.000	67.000.000.000
Соф фойда (зарар)	-	-	21.130	21.130
Жами: мажбуриятлар ва капитал	-	-	77.008.092.130	77.008.092.130

2. Операция амалга оширилмади. Қайта баҳолаш ва молиявий ҳисоботни тузиш.

Сана 30.09.20__йил

Қайта ҳисоблаш курси — 1 АҚШ доллари учун 8.077,48 сўм

Чет эл валютасидаги ҳисобварақлар қолдиқларини қайта баҳолашдан зарарни акс эттиргунгача бўлган сўмдаги жамланма баланс ҳисоботи:

Ҳисобварақ	Доллардаги китоб (АҚШ долларларида)	Доллардаги китоб (\$1 учун 8.077,48 сўм қайта баҳолаш курси бўйича)	Сўмдаги китоб	Жами
Марказий банкдаги вакилик ҳисобварағидаги маблағлар	\$1.000	8.077.480	8.000.000.000	8.008.077.480
Валюта позицияси ҳисобварақлари	(1.000)	(8.077.480)	8.092.130	14.650
Бошқа активлар	-	-	69.000.000.000	69.000.000.000
Жами: Активлар	-	-	77.008.092.130	77.008.092.130
Мижозларнинг маблағлари	-	-	10.008.071.000	10.008.071.000
Бошқа мажбуриятлар	-	-	67.000.000.000	67.000.000.000
Соф фойда (зарар)	-	-	21.130	21.130
Жами: мажбуриятлар ва капитал	-	-	77.008.092.130	77.008.092.130

17101-ҳисобварақнинг дебет қолдиғи ҳисоботни тузиш санасига валютани қайта ҳисоблашдан 14.650 сўм миқдоридagi зарарни кўрсатмоқда. Зарарни акс эттириш бўйича бухгалтерия ёзуви:

Доллардаги китобда			Сўмдаги китобда	
Бухгалтерия ёзуви йўқ			Дт 55302 — «Спот» битимлари бўйича хорижий валюталарда кўрилган зарарлар»	14.650
			Кт 17101 — «Валюта позицияси ҳисобварақлари»	14.650

Зарар акс эттирилгандан кейин жамланма баланс ҳисоботи:

Ҳисобварақ	Доллардаги китоб (АҚШ долларларида)	Доллардаги китоб (\$1 учун 8.077,48 сўм қайта баҳолаш курси бўйича)	Сўмдаги китоб	Жами
Марказий банкдаги вакилик ҳисобварағидаги маблағлар	\$1.000	8.077.480	8.000.000.000	8.008.077.480
Валюта позицияси ҳисобварақлари	(1.000)	(8.077.480)	8.077.480	
Бошқа активлар	-	-	69.000.000.000	69.000.000.000
Жами: Активлар	-	-	77.008.077.480	77.008.077.480
Мижозларнинг маблағлари	-	-	10.008.071.000	10.008.071.000
Бошқа мажбуриятлар	-	-	67.000.000.000	67.000.000.000
Соф фойда (зарар)	-	-	6.480	6.480
Жами: мажбуриятлар ва капитал	-	-	77.008.077.480	77.008.077.480

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КАПИТАЛ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

577 Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 12 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2383-5

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сон «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2019 йил 24 январдаги ПҚ-4127-сон «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ва 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ **бюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2012 йил 24 июлдаги 2012-13-сон буйруғи (рўйхат рақами 2383, 2012 йил 31 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 31-сон, 369-модда) билан тасдиқланган Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор

А. НАЗИРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 26 июль,
2019-45-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 13 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
капитал бозорини ривожлантириш агентлиги
директорининг 2019 йил 26 июлдаги
2019-45-сон буйруғига
ИЛОВА

Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Муқаддимадаги «Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази тўғрисидаги низомга» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 январдаги ПҚ–4127-сон «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 1-банднинг ўнинчи хатбошисидаги «Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази» деган сўзлар «Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 18-банднинг иккинчи хатбошисидан «унинг асосий муҳри (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

578 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
12 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 989-2*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 7 августдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаш-

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 13 августда эълон қилинган.

тиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан,
буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида Ўзбекистон Республикаси хўжалик юритувчи субъектлари томонидан тузиладиган бартер контрактлари (шартнома, битимлар)ни рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низомни (рўйхат рақами 989, 2000 йил 2 декабрь) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг 2019 йил 2 августдаги 05-31-7404-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан 2000 йил 30 июнда ЭГ-01/12-3411-сон, Молия вазирлиги томонидан 2000 йил 20 июлда 79-сон ва Давлат божхона қўмитаси томонидан 2000 йил 30 июнда 02/20-34-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида Ўзбекистон Республикаси хўжалик юритувчи субъектлари томонидан тузиладиган бартер контрактлари (шартнома, битимлар)ни рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 989, 2000 йил 2 декабрь) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг 2004 йил 5 майдаги НН-01/10-1325, 72 ва 01-02/19-26-сон «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида Ўзбекистон Республикаси хўжалик юритувчи субъектлари томонидан тузиладиган бартер контрактлари (шартнома, битимлар)ни рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 989-1, 2004 йил 14 июнь) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 12 август,
329-мх-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**579** «Тижорат ташкилотлари таъсис ҳужжатларининг намунавий шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 12 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2848-4

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 февралдаги Ф-5445-сон «2019 йилда вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқаруви органлари фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазибаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонлари тўғрисида»ги фармойиши ҳамда 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан **буюраман:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ҳамда Ҳукумат баёнома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 12 август,
330-мх-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 13 августда эълон қилинган.

Келишилган:

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

А. ИКРАМОВ

2019 йил 2 август

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2019 йил 12 августдаги
330-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2016 йил 20 декабрдаги 294-мх-сон «Тижорат ташкилотлари таъсис ҳужжатларининг намунавий шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2848, 2016 йил 20 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 51-сон, 586-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 28 февралдаги 38-мх-сон «Тижорат ташкилотлари таъсис ҳужжатларининг намунавий шаклларининг 6-иловасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2848-1, 2017 йил 28 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 9-сон, 136-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 16 июндаги 136-мх-сон «Тижорат ташкилотлари таъсис ҳужжатларининг намунавий шаклларининг 11-иловасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2848-2, 2017 йил 16 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 24-сон, 520-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 9 апрелдаги 218-мх-сон «Тижорат ташкилотлари таъсис ҳужжатларининг намунавий шаклларининг 6-иловасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2848-3, 2018 йил 9 апрель) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.04.2018 й., 10/18/2848-3/1052-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**580 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 13 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1474-2

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 12 августдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъерий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан,
буюраман:

1. «Шахпахта» конини қўшимча очиш бўйича 2004 йил 14 апрелдаги маҳсулот тақсимотига оид битим доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштирув қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорни (рўйхат рақами 1474, 2005 йил 2 май) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 9 августдаги 02-05/12-06692-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигининг 2005 йил 7 апрелдаги 01-02/20-5, НН-01/10-1213-сон «Шахпахта» конини қўшимча очиш бўйича 2004 йил 14 апрелдаги маҳсулот тақсимотига оид битим доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштирув қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1474, 2005 йил 2 май);

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг 2013 йил 7 августдаги 01-02/20-8, 11-сон «Шахпахта» конини қўшимча очиш бўйича 2004 йил 14 апрелдаги маҳсулот тақсимотига оид битим доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштирув қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1474-1, 2013 йил 20 сентябрь).

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 13 августда эълон қилинган.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 13 август,
331-мҳ-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

581 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 13 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2097-3

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 12 августдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан,
бюраман:

1. «Қандим кон гуруҳи участкаси, Хаузак ва Шоди участкалари, шунингдек, Қўнғирот участкаларига оид махсулотни тақсимлаш ҳақидаги 2004 йил

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 13 августда эълон қилинган.

16 июндаги битим доирасида ва Ўзбекистон Республикаси жануби-ғарбий Ҳисор ва Устюрт минтақаси ҳудудларидаги конлар бўйича 2007 йил 23 январдаги маҳсулот тақсимотига оид битим доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорни (рўйхат рақами 2097, 2010 йил 19 апрель) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 9 августдаги 02-05/12-06692-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2010 йил 5 апрелдаги 01-02/12-32, ЭГ-01/10-240, 92, 06-282-сон «Қандим кон гуруҳи участкаси, Хаузак ва Шоди участкалари, шунингдек, Қўнғирот участкаларига оид маҳсулотни тақсимлаш ҳақидаги 2004 йил 16 июндаги битим доирасида ва Ўзбекистон Республикаси жануби-ғарбий Ҳисор ва Устюрт минтақаси ҳудудларидаги конлар бўйича 2007 йил 23 январдаги маҳсулот тақсимотига оид битим доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2097, 2010 йил 19 апрель);

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2013 йил 12 августдаги 01-02/12-7, 12, 33, П-2-сон «Қандим кон гуруҳи участкаси, Хаузак ва Шоди участкалари, шунингдек Қўнғирот участкаларига оид маҳсулотни тақсимлаш ҳақидаги 2004 йил 16 июндаги битим доирасида ва Ўзбекистон Республикаси жануби-ғарбий Ҳисор ва Устюрт минтақаси ҳудудларидаги конлар бўйича 2007 йил 23 январдаги маҳсулот тақсимотига оид битим доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2097-1, 2013 йил 30 август);

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2015 йил 29 августдаги 01-02/12-27, 2015/10-7, 100, к-5-сон «Қандим кон гуруҳи участкаси, Хаузак ва Шоди участкалари, шунингдек, Қўнғирот участкаларига оид маҳсулотни тақсимлаш ҳақидаги 2004 йил 16 июндаги битим доирасида ва Ўзбекистон Республикаси жануби-ғарбий Ҳисор ва Устюрт минтақаси ҳудудларидаги конлар бўйича 2007 йил 23 январдаги маҳсулот тақсимотига оид битим доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлашти-

руви қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2097-2, 2015 йил 11 сентябрь).

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идора-вий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 13 август,
332-мҳ-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

582 «2019 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари-
ни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорнинг 102-иловасига
ўзгартириш киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
13 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3083-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 майдаги ПФ-5715-сон «Ипотека кредити бозорини ривожлантириш ва кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 8 октябрдаги 6-мб-сон қарори (рўйхат рақами 3083, 2018 йил 31 октябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.11.2018 й., 10/18/

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 13 августда эълон қилинган.

3083/2143-сон) билан тасдиқланган 2019 йил учун давлат статистика ҳисоботи шаклларининг 102-илоvasи иловага* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

Б. БЕГАЛОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 29 июль,
6-мб-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

583 «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати техника назорати бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқнинг 2.2-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
13 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1252-4*

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 23 майдаги ЎРҚ–542-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2003 йил 2 майдаги 137-сон «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати техника назорати бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғининг (рўйхат рақами 1252, 2003 йил 30 июнь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 12-сон) 2.2-бандидаги «идоралари» деган сўз «органлари» деган сўз билан алмаштирилсин.

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

** Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 13 августда эълон қилинган.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 29 июль,
209-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

584 «Автотранспорт воситаларини тасарруф этиш ва уларни бошқариш ҳуқуқини берувчи ишончномаларни расмийлаштириш бўйича» кўрсатмани ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 13 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 929-1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 февралдаги Ф-5445-сон «2019 йилда вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқаруви органлари фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонлари тўғрисида»ги фармойиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 31 августдаги 683-сон «Автомобилтранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини бериш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Ички ишлар вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг 2000 йил 29 майдаги 01-526, 24/8-855-сон «Автотранспорт воситаларини тасарруф этиш ва уларни бошқариш ҳуқуқини берувчи ишончномаларни расмийлаштириш бўйича» кўрсатмаси (рўйхат рақами 929, 2000 йил 31 май) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 10-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 13 августда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Адлия вазири

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 30 июль,
4-сон

Ички ишлар вазири

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 30 июль,
63-ққ-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ ГЕОЛОГИЯ ВА МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ҚўМИТАСИНING
ҚАРОРИ

585 Ўзбекистон Республикаси фойдали қазилмалари захираларини ҳисобга олиш ва ҳисобот балансларини тузиш бўйича йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 13 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2699-1

Ўзбекистон Республикасининг «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 мартдаги ПҚ–3578-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 4 декабрдаги 983-сон «Ер қаърини геологик ўрганиш, фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги бошқарув ва назорат қилиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси **қарор қилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 13 августда эълон қилинган.

қўмитасининг 2015 йил 3 июлдаги 1-сон қарори (рўйхат рақами 2699, 2015 йил 22 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 29-сон, 388-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фойдали қазилмалари захираларини ҳисобга олиш ва ҳисобот балансларини тузиш бўйича йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

Б. ИСЛАМОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 2 август,
7-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат геология ва минерал ресурслар
қўмитасининг 2019 йил 2 августдаги
7-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси фойдали қазилмалари
захираларини ҳисобга олиш ва ҳисобот балансларини тузиш
бўйича йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 3-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар «Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 13-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13. Саноат учун аҳамиятини йўқотган ёки кейинчалик ўтказилган геология-қидирув ишларида ёхуд қазилма захираларини ер қаъридан фойдаланувчининг ҳисобидан чиқариш Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 4 декабрдаги 983-сон қарори билан тасдиқланган Ер ости бойликларини қазиб олиш жараёнида қазиб олинган ва йўқотилган фойдали қазилмалар захираларини ер қаъридан фойдаланувчининг ҳисобидан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.»

3. 16-банднинг биринчи, учинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси» деган сўзлар «Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 17-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«17. Ҳисобот баланси уч нусхада тузилади ва ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан ҳар йил 5 февралдан кечикмасдан:

норуда фойдали қазилмалар бўйича Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекциясининг ҳудудий бўлинмаларига;

рудали фойдали қазилмалар ва углеводородлар бўйича — Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекциясига тақдим этилади.

Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекцияси томонидан қабул қилинган ҳисоботлар ҳисобга олиниб, Давлат геология фондига юборилади.».

иккинчи хатбошидаги «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясига» деган сўзлар «Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекциясига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. Йўриқноманинг иккинчи, тўртинчи, бешинчи, олтинчи, еттинчи, саккизинчи, тўққизинчи, ўнинчи, ўн биринчи ва ўн иккинчи иловаларидаги «Келишилди: «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси» деган сўзлар «Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

586 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
14 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1759-1*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 13 августдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан, **бўяраман:**

1. «Доимий равишда спорт билан шуғулланувчи болалар сонини белгилашнинг аниқ мезонлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор-

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 14 августда эълон қилинган.

ни (рўйхат рақами 1759, 2008 йил 16 январь) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2019 йил 31 июлдаги 02-01/7-1786-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлигининг 2008 йил 8 январдаги 1-сон, 8-сон, 39-сон «Доимий равишда спорт билан шуғулланувчи болалар сонини белгилашнинг аниқ мезонлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1759, 2008 йил 16 январь) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 14 август,
337-мҳ-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**587 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 14 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2635-1

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 12 августдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан, **бюраман:**

1. «Ота-онасининг қаровисиз қолган ва тўлиқ давлат таъминотида бўлган болалар учун Болалар шаҳарчасининг намунавий уставини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни (рўйхат рақами 2635, 2014 йил 15 декабрь) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2019 йил 31 июлдаги 02-01/7-1786-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2014 йил 20 ноябрдаги 325-сон «Ота-онасининг қаровисиз қолган ва тўлиқ давлат таъминотида бўлган болалар учун Болалар шаҳарчасининг намунавий уставини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2635, 2014 йил 15 декабрь) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 14 августда эълон қилинган.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 14 август,
338-мҲ-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИНИНГ
ҚАРОРИ

588 Тошкент давлат юридик университетининг Ихтисослаштирилган филиали талабалари томонидан амалиёт ва касбий стажировкани ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 15 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3175

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 февралдаги ПҚ-4166-сон «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияси **қарор қилади:**

1. Тошкент давлат юридик университетининг Ихтисослаштирилган филиали талабалари томонидан амалиёт ва касбий стажировкани ўташ тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Адлия вазири

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 22 июль,
5-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 15 августда эълон қилинган.

Ички ишлар вазири**П. БОБОЖОНОВ**

Тошкент ш.,
2019 йил 22 июль,
58-ққ-сон

Миллий гвардия кўмондони**Б. ТАШМАТОВ**

Тошкент ш.,
2019 йил 22 июль,
17-сон

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги
ҳамда Миллий гвардиясининг 2019 йил
22 июлдаги 5, 58-ққ, 17-сон қарорига
ИЛОВА

**Тошкент давлат юридик университетининг
Ихтисослаштирилган филиали талабалари томонидан
амалиёт ва касбий стажировкани ўташ тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 февралдаги ПҚ-4166-сон «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июндаги 490-сон «Тошкент давлат юридик университетининг Ихтисослаштирилган филиалига ўқишга қабул қилиш тартиби ва ўқув жараёнини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Тошкент давлат юридик университетининг Ихтисослаштирилган филиали (кейинги ўринларда — Филиал) талабаларининг амалиёт ва касбий стажировка ўташ тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Амалиёт ва касбий стажировка ўташнинг асосий мақсади талабалар томонидан эгалланган назарий билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш, касбий маҳорат ҳамда амалий иш кўникмаларини шакллантириш, таълим олувчиларнинг аҳоли ва оммавий ахборот воситалари билан ишлаш ва ўзаро ҳамкорлик қилиш кўникмаларини такомиллаштиришдан иборат.

2. Мазкур Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

амалиёт — 1-курс талабалари томонидан олинган назарий билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш, касбий фаолият ҳақида бошланғич маълумотларни олиш ҳамда соҳа мутахассислиги бўйича амалий кўникма

ва маҳорат ҳосил қилиш мақсадида ташкил этиладиган ўқув жараёнининг бир қисми;

касбий стажировка (кейинги ўринларда — стажировка) — 2-курс талабалари томонидан олинган назарий билимларни мустаҳкамлаш, ички ишлар органлари ва Миллий гвардия бўлинмалари фаолияти билан яқиндан танишиш, касбий маҳоратни янада ривожлантириш, назорат ҳужжатларини ёзиш кўникмаларини шакллантириш, халқ билан мулоқот маданиятини ошириш ва ўзаро ҳамкорлик қилиш кўникмаларини такомиллаштиришга йўналтирилган ўқув жараёнининг бир қисми;

қабул қилувчи ташкилот — талабалар томонидан амалиёт ўталаётган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган, адвокатлик тузилмаси, хўжалик бошқаруви органи, молия-банк ва бошқа муассасаларнинг юридик хизмати;

қабул қилувчи махсус ташкилот — талабалар томонидан стажировка ўталаётган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардияси;

Филиалдан бириктирилган амалиёт (стажировка) раҳбари — ўқув юкламасига амалиёт (стажировка) раҳбарлиги киритилган Филиал профессор-ўқитувчиси;

қабул қилувчи (махсус) ташкилотдан бириктирилган амалиёт (стажировка) раҳбари — талабаларни амалий кўникмаларга ўргатиш ва Филиалдаги амалиёт (стажировка) раҳбари билан биргаликда эгалланган билимларни баҳолаш масъулияти юкланган қабул қилувчи ташкилот ходими.

3. Амалиёт (стажировка) узлуксиз ҳамда назарий билимлар навбатланиш йўли орқали амалга оширилиши мумкин.

Амалиёт (стажировка)ни ўташ Филиал томонидан ўқув режаларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва тасдиқланган амалиёт (стажировка)ни ўташ дастури асосида амалга оширилади.

4. Амалиёт қабул қилувчи (махсус) ташкилотнинг амалий фаолияти ҳақида тасаввурга эга бўлиш ҳамда бирламчи касбий маҳорат ва кўникмаларини эгаллаш, иш ҳужжатларини ўрганишни назарда тутати.

5. Стажировка қабул қилувчи махсус ташкилот фаолиятининг асосий йўналишлари билан яқиндан таништириш, соҳа мутахассислиги бўйича касбий маҳорат ҳамда амалий иш кўникмаларини ўрганиш, аҳоли билан узвий боғлиқ ҳолда ишлаш олиш кўникмаларини шакллантириш, оммавий ахборот воситалари билан ишлаш ва ўзаро ҳамкорлик қилиш кўникмаларини такомиллаштиришни назарда тутати.

Стажировка ўқув режасига асосан, қоида тариқасида, талабаларнинг асосий яшаш жойлари бўйича Тошкент шаҳар ёки Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари томонидан танланган ички ишлар органларида ёхуд Миллий гвардия томонидан белгиланган Миллий гвардия бўлинмаларида ташкил қилинади.

6. Амалиёт (стажировка) ўқув режасида назарда тутилган муддатларда ўтказилади. Амалиёт (стажировка)ни ўташ дастурида амалиёт (стажировка)нинг ўташ муддати ва жойи белгиланади.

Талабаларни амалиёт (стажировка)ни ўташдан озод қилишга йўл қўйилмайди.

7. Амалиёт (стажировка) ўташ яқунлангач, талаба томонидан амалиёт (стажировка) даврида бажарилган ишлар бўйича ҳисобот тайёрланади ҳамда Тайёрлаш курслари деканатига топширилади.

Амалиёт (стажировка) ўташ тўғрисидаги ҳисоботда бажарилган иш, ўрганилган ҳуқуқни қўллаш амалиёти, шунингдек олинган билим ва кўникмалар акс эттирилади. Ҳисобот талаба томонидан имзоланади ҳамда қабул қилувчи (махсус) ташкилотдан бириктирилган амалиёт (стажировка) раҳбари имзоси билан тасдиқланади.

8. Амалиёт (стажировка) ўташнинг нормал кунлик давомийлиги 6 (олти) соатни ташкил этади.

9. Қабул қилувчи (махсус) ташкилотдан бириктирилган амалиёт (стажировка) раҳбари ҳисоботга талабанинг ижобий ва салбий фазилатларини, унинг ўзлаштирувчанлик қобилияти ва бошқа маълумотларни ёритувчи ёзувларни киритиш ҳуқуқига эга.

10. Қабул қилувчи (махсус) ташкилотлар талабани амалиёт (стажировка)ни ўташ дастурида кўзда тутилмаган вазифаларни бажаришга жалб қилиши, шунингдек Филиални хабардор қилмаган ҳолда амалиёт (стажировка) жойини ўзгартириши ман қилинади.

2-боб. Амалиёт (стажировка)ни ўташнинг босқичлари

11. Амалиёт (стажировка) уч босқичга бўлинади:

тайёрлов;

асосий;

амалиёт (стажировка) бўйича имтиҳон.

12. Тайёрлов босқичида ўқув режасига асосан амалиёт (стажировка)ни ўташнинг биринчи кунда Филиалдан ва қабул қилувчи (махсус) ташкилотдан бириктирилган амалиёт (стажировка) раҳбарлари томонидан йиғилиш ўтказилади. Йиғилишда талабалар ушбу Низом қондалари билан ҳамда амалиёт (стажировка)ни ўташ дастури билан танишадилар, унинг мақсад ва вазифаларига тааллуқли кўрсатмалар, уларни бажариш бўйича қўлланмаларни оладилар, амалиёт (стажировка) ўташ ҳамда амалиёт (стажировка) ўташ тўғрисида ҳисобот тузиш тартиби ҳақида хабардор қилинади.

Амалиёт (стажировка)ни ўташнинг бошида талабалар қабул қилувчи (махсус) ташкилотнинг тузилиши, фаолият йўналишлари, ўзига хослиги билан танишадилар ҳамда Филиалдан бириктирилган амалиёт (стажировка) раҳбари ва қабул қилувчи (махсус) ташкилотдан бириктирилган амалиёт (стажировка) раҳбари билан биргаликда амалиёт (стажировка)ни ўташ дастурини бажариш режа-жадвалини тузадилар.

13. Амалиёт (стажировка)ни ўташнинг асосий босқичида талаба бевожута қабул қилувчи (махсус) ташкилотда амалиёт (стажировка)ни ўташ дастурини бажариш режа-жадвалида кўрсатиб ўтилган ишни бажаради.

14. Амалиёт (стажировка) бўйича имтиҳон амалиёт (стажировка)нинг якуний босқичи ҳисобланиб, унда талабалар томонидан амалиёт (стажировка) ўташ жараёнида бажарилган ишларнинг натижалари таҳлил қилинади ва баҳоланади. Амалиёт (стажировка) бўйича имтиҳон Филиал вакиллари орасидан тузилган комиссия томонидан ёзма равишда ўтказилади.

Қабул қилувчи (махсус) ташкилотнинг вакили амалиёт (стажировка) бўйича имтиҳонда Филиалдан бириктирилган амалиёт (стажировка) раҳбари билан биргаликда қатнашиши мумкин.

15. Талабаларнинг амалиёт (стажировка) бўйича имтиҳони қуйидаги баҳолаш мезонларига асосан амалга оширилади:

назарий ва амалий билимлари даражасини аниқлаш;

берилган саволларни тўғри таҳлил қила олиш;

талаба томонидан амалиёт ва стажировка давомида тўпланган материалларнинг тузилиши, даражаси ва сифати ҳамда амалиёт (стажировка) давомида ўрганилган масалаларнинг кенг ёритиб берилиши.

3-боб. Амалиёт (стажировка)ни ўташда талабага қўйиладиган талаблар

16. Талаба:

амалиёт (стажировка) бўйича услубий ва кўрсатма материаллар билан танишиши ва Филиалдан бириктирилган амалиёт (стажировка) раҳбарининг тегишли кўрсатмаларини олиши;

амалиёт (стажировка)ни ташкил этиш ва ўташни назорат қилиш бўйича тадбирларда иштирок этиши;

амалиёт (стажировка)ни ўташ дастурида назарда тутилган барча топшириқларни белгиланган муддатларда, тўлиқ ҳажмда ва сифатли бажариши;

Филиалдан бириктирилган амалиёт (стажировка) раҳбарининг талаби билан кўриб чиқиш учун амалиёт (стажировка) ўташ тўғрисидаги ҳисоботини ўз вақтида тақдим қилиши;

кейинги ўқув ва амалий фаолиятда фойдалана олиши мумкин бўлган материаллар тўпламини юритиши;

ички меҳнат тартиб қодалари ва қабул қилувчи (махсус) ташкилот ходимлари фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларга риоя қилиши шарт.

17. Амалиёт (стажировка) туганидан кейин талаба амалиёт (стажировка) бўйича имтиҳонни ўтказиш кунда Филиалдан бириктирилган амалиёт (стажировка) раҳбарига ўталган амалиёт (стажировка) тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

18. Талаба амалиёт (стажировка)ни ўтагандан сўнг Филиалда амалиёт (стажировка) бўйича имтиҳон топширишга мажбур.

19. Талаба амалиёт (стажировка) ўташ жараёнида Филиалдан бириктирилган ёки қабул қилувчи (махсус) ташкилотдан бириктирилган амалиёт (стажировка) раҳбарининг фаолиятдан норози бўлиб, асосли сабаблар мавжуд бўлганда бу ҳақда Филиалнинг Тайёрлаш курслари деканига мурожаат қилиши мумкин.

4-боб. Амалиёт (стажировка)ни ташкиллаштиришнинг шартлари

20. Амалиёт (стажировка)ни барча босқичларда ташкил этиш талабалар томонидан касбий фаолиятни эгаллашда узлуксизлик ва изчилликни таъминлашга йўналтирилиши лозим.

21. Профессор-ўқитувчиларнинг амалиёт (стажировка)даги ўқув юкламаси ўқув режада кўрсатилган ўқув педагогик соатлар (ҳафталар)дан ва амалиёт (стажировка)ни ўташ туридан келиб чиқиб аниқланади.

22. Амалиёт (стажировка)ни ташкил этиш учун олдиндан Филиал директори томонидан амалиёт ёки стажировка, муддати ва уни ўташ жойи, моддий таъминот, Филиалдан бириктирилган амалиёт (стажировка) раҳбарларини турар жой билан таъминлаш, масъул шахслар ва жўнатилаётган талабаларнинг, Филиалдан бириктирилган амалиёт (стажировка) раҳбарларининг таркибий рўйхати бўйича белгиланган буйруқ қабул қилинади.

23. Талабаларни амалиёт (стажировка) ўташга тайёрлаш ва жой-жойига тақсимланишини таъминлаш ҳамда натижасини мувофиқлаштириш Филиалнинг Тайёрлаш курслари деканати томонидан амалга оширилади.

24. Филиалдан бириктирилган амалиёт (стажировка) раҳбари:

амалиёт (стажировка)га кетаётган талабаларга амалиёт (стажировка) ўташ бўйича зарур йўл-йўриқлар кўрсатади;

талабаларнинг амалиёт (стажировка) ўташ жойига етиб келишини назорат қилади;

қабул қилувчи (махсус) ташкилот раҳбари ҳамда бириктирилган амалиёт (стажировка) раҳбари билан алоқалар ўрнатади;

талабаларга амалиёт (стажировка)ни ўташ дастурини бажариш бўйича услубий ёрдам кўрсатади;

амалиёт (стажировка)нинг бутун даври учун талабаларга индивидуал режа тузади, қабул қилувчи (махсус) ташкилотдан бириктирилган амалиёт (стажировка) раҳбари билан биргаликда ишнинг ҳажми ва таркибини белгилайди;

амалиёт (стажировка)ни ўташ жойларига талабаларни тақсимлашда иштирок этади;

амалиёт (стажировка) муддатларига ва унинг таркибига риоя қилиниши, шунингдек амалиёт (стажировка)ни ўташ дастури бажарилишининг талабаларни амалиёт (стажировка) ўташ жойларига бориш йўли билан назорат қилади;

амалиёт (стажировка) ўтаётган талабанинг асосли эътирози юзасидан қабул қилувчи (махсус) ташкилотдан бириктирилган раҳбарни ўзгартиришни сўраб Филиал раҳбариятига билдирги киритади;

амалиёт (стажировка) бўйича имтихонда иштирок этади;

25. Қабул қилувчи (махсус) ташкилот раҳбари:

Филиал билан амалиёт (стажировка)ни ташкил этиш ва ўтказиш ҳақида шартнома тузади;

қабул қилувчи (махсус) ташкилотда амалиёт (стажировка)ни ташкил этиш тўғрисида буйруқлар чиқаради;

малакали ва тажрибали мутахассислар орасидан қабул қилувчи (махсус) ташкилотда амалиёт (стажировка) ўташ учун масъул шахсларни тайинлайди, шунингдек амалиёт (стажировка)ни ўташ дастурида белгиланган тадбирларни бажаришлари устидан назоратни амалга оширади;

амалиёт (стажировка)ни ўташ дастурига мувофиқ амалиёт (стажировка) ўташ учун шароитлар яратади;

Филиал томонидан қабул қилувчи (махсус) ташкилотдан бириктирилган амалиёт (стажировка) раҳбарини ўзгартиришни сўраб қилинган мурожаатни ўрганиб чиқиб, тегишли қарорлар қабул қилади.

26. Қабул қилувчи (махсус) ташкилотдан бириктирилган амалиёт (стажировка) раҳбари:

талабаларга техника хавфсизлиги бўйича, ёнғин хавфсизлиги бўйича, шунингдек қабул қилувчи (махсус) ташкилотнинг ички тартиб қоидалари ва фаолиятини тартибга солувчи бошқа локал ҳужжатлари ҳамда иш режимида хусусиятлари бўйича йўл-йўриқ беради;

қабул қилувчи (махсус) ташкилотнинг белгиланган объектлари бўйича талабаларни тақсимлайди, унинг тузилиши, фаолият йўналишлари ва ўзига хос хусусиятлари билан таништиради;

талабаларга амалиёт (стажировка)ни ўташ дастурига тааллуқли материаллардан фойдаланиш имкониятини яратади;

талабалар томонидан амалиёт (стажировка)ни ўташ дастурининг бажарилиши учун зарур шароитлар яратади;

талабаларга тизим фаолияти ва бошқа масалалар бўйича маслаҳатлар беради;

бажарилаётган иш устидан доимий назоратни амалга оширади;

талаба иш кунининг белгиланган давомийлигига риоя этилишини таъминлайди;

талаба иш вақтидан самарали фойдаланишини таъминлайди;

амалиёт ва стажировка ўташ тўғрисида ҳисоботни тасдиқлайди;

Филиалдан бириктирилган амалиёт (стажировка) раҳбарини талаба томонидан амалиёт (стажировка)ни ўташ дастури бажарилмаётганлиги ҳамда меҳнат интизомининг бузилиш ҳолатлари ҳақида хабардор қилади;

Филиалдан бириктирилган амалиёт (стажировка) раҳбари билан доимий алоқани ушлаб туради.

Қабул қилувчи (махсус) ташкилотдан бириктирилган амалиёт (стажировка) раҳбари талабага амалиёт (стажировка)ни ўташ дастури билан боғлиқ бўлмаган вазифаларни бажариш топшириғини бериши тақиқланади.

27. Амалиёт (стажировка)нинг ўташ жойини белгилаш Филиал билан қабул қилувчи (махсус) ташкилот ўртасидаги шартномалар асосида амалга оширилади.

Филиал ва қабул қилувчи (махсус) ташкилот амалиёт (стажировка)ни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича шартномада шартнома предметини, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, амалиёт (стажировка)ни ташкил этиш тартибини, шартноманинг амал қилиш муддатини, шартномани бекор қилиш асосларини, шунингдек тарафларнинг жавобгарлигини келишиб олади.

28. Амалиёт (стажировка) бошланиши вақтидан бошлаб талабаларга қабул қилувчи (махсус) ташкилотда белгиланган тартибда таништирилиши шарт бўлган меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва ички меҳнат тартиби қоидалари ҳамда қабул қилувчи (махсус) ташкилотда амалда бўлган бошқа ҳужжатлар татбиқ қилинади.

29. Амалиёт (стажировка) бўйича қўйилаётган баҳо таълим бўйича баҳоларга тенглаштирилади ва талабалар умумий ўзлаштиришининг яқунларини чиқаришда инобатга олинади.

30. Амалиёт (стажировка) яқунлари бўйича қониқарсиз баҳо олиниши талабани академик қарздор сифатида тегишли ўқув курсида қолдириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Узрли сабабларсиз амалиёт (стажировка)га келмаслик ўқув интизомини бузиш сифатида талабанинг белгиланган тартибда Филиал талабалари сафидан четлаштирилишига асос бўлиб хизмат қилади.

5-боб. Моддий таъминот

31. Амалиёт ва стажировкани ўташ даврида талабаларда стипендия олиш ҳуқуқи сақланиб қолади.

32. Филиалдан бириктирилган амалиёт (стажировка) раҳбарларининг Филиал жойлашган жойдан амалиёт (стажировка)ни ўташ жойигача бориш билан боғлиқ бўлган хизмат сафарлари харажатлари, шу жумладан яшаш ва суткалик харажатлар, ўрнатилган тартибда Филиалнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан тўланади.

6-боб. Яқуний қоида

33. Мазкур Низом Тошкент давлат юридик университети билан келишилди.

**Адлия вазири ўринбосари —
Тошкент давлат юридик
университети ректори**

Е. КАНЬЯЗОВ

2019 йил 19 июль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

589 Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатиладиган касалликлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 15 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3176

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 26 февралдаги ПФ–3214-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2017 йил 30 октябрдаги ПФ–5216-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатиладиган касалликлар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ШАДМАНОВ

Тошкент ш.
2019 йил 18 июль,
89-сон

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг 2019 йил
18 июлдаги 89-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари
ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатиладиган касалликлар
РЎЙХАТИ**

**1-боб. 18 ёшга тўлмаган патологияли болалар учун
Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари
ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатиладиганка салликлар**

1. Нафас йўллари касалликлари:
чўзилувчан ва асоратли пневмониялар;

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 15 августда эълон қилинган.

альвеолит;

муковисцидоз (ўпка ва аралаш турлари) ва бошқа туғма ва ирсий ўпка касалликлари;

бронхиолит;

обструктив ва сурункали бронхитлар.

2. Аллергологик касалликлар:

бронхиал астма ўрта оғир ва оғир кечиши билан;

аллергик ринит бронхиал астма билан;

токсикодермиялар (Лайелл, Стивенс-Джонсон синдромлари);

озиқ-овқат ва дори-дармонлар аллергияси;

респиратор аллергиялар;

атопик дерматит.

3. Юрак саратони ва қон айланиш тизими касалликлари:

кардитлар;

перикардит;

эндокардит;

кардиомиопатиялар;

юрак саратонининг туғма ва орттирилган нуқсонлари;

бириктирувчи тўқималарнинг тизимли касалликлари — коллаген касалликлар, тугунчали периартрит, ювенил ревматоид артрити, тизимли қизил югурук, склеродермия, ревматоид артритлар, юрак сурункали ревматик касалликлари, дерматомиозит;

тизимли васкулитлар;

гипертоник касаллиги;

юрак саратони гипертензив касаллиги (гипертония касаллиги юрак шикастланиши устунлиги билан);

юрак саратони ритмининг бузилишлари.

4. Чақалоқлик давридаги ва эрта ёшдаги болалар касалликлари:

етилмаганлик;

муддатидан олдин туғилган чақалоқлар (турли касалликлар билан туғилган 2000,0 гр.дан кам вазнли);

чақалоқлар гемолитик касалликлари;

чақалоқлар геморрагик касалликлари;

чақалоқлар талвасалари;

озикланишнинг оксил-энергетик етишмовчиликлари;

чақалоқлар инфекциялари;

перинатал энцефалопатиялар;

чўзилувчан сариқлик;

чақалоқларда нафас йўллари касалликлари;

сепсис;

пневмония;

бронхиолит;

муковисцидоз;

кардитлар.

5. Овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликлари:

сурункали эрозив гастрит;
эрозив гастродуоденит оғриқ синдроми билан (даволаш муолажалари фойда бермаганда);
бирламчи экссудатив энтеропатия (Вальдман синдроми);
иккиламчи экссудатив энтеропатия;
целиакция;
ярали колит ўрта оғир ва оғир шакли;
аллергик ва алиментар гастроэнтерит ва энтероколит;
сурункали қабзият;
муковисцидоз;
номаълум этиологияли озиқланишнинг оксил-энергетик етишмовчилиги;
Крон касаллиги;
ошқозон яраси касаллиги(даволаш муолажалари фойда бермаганда);
ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги;
сурункали энтероколит оғир кечиши ва узлуксиз қайталанувчи кечиши билан;
сурункали холецистит кўзиш даври;
сурункали панкреатит кўзиш даври.
сурункали вирусли гепатитлар, ноаниқ этиологияли гепатитлар, аутоиммун гепатит, жигар циррози.

6. Буйрак ва сийдик тизими касалликлари:

гломеруляр касалликлар — рецидивланувчи ва турғун гематурия, нефритик (тез ривожланувчи ва сурункали гломерулонефрит, нефрит) ва нефротик (туғма нефротик синдроми, липоид нефрози) синдромлари;

ирсий нефропатиялар;

буйракнинг тубулоинтерстициал касалликлари — сурункали интерстициал нефрит;

сурункали пиелонефрит, хуруж даври;

симптоматик артериал гипертензия;

сурункали буйрак етишмовчилиги бошланғич даври;

дисметаболик нефропатиялар.

7. Асаб тизими касалликлари:

цефалгия;

мигрень;

болалар церебрал параличининг турли шакллари;

эписиндром;

минимал церебрал дисфункцияси;

цереброастения;

неврастения;

миастения;

миопатия;

тарқоқ склероз;

марказий нерв тизими шикастланишлари;

марказий нерв тизими дегенератив касалликлари;

гидроцефалия;

фенилкетонурия;

перинатал давр асоратлари;

ўтказилган бош мия ёпиқ жароҳатидан кейинги ҳолат.

8. Хирургик касалликлар:

ўпка-бронх йўллари туғма ва орттирилган хирургик касалликлари (йирингли касалликларидан ташқари);

қизилўнгач касаллиги;

меъда-ичак йўллари туғма ва орттирилган касалликлари;

жигар ва ўт йўллари туғма ва орттирилган касалликлари;

урологик туғма касалликлар (аномалиялари);

сийдик тош касаллиги (чов, чов-ёрғоқ чурралари, гидроцеле ва крипторхизмдан ташқари).

9. ЛОР касалликлари:

ташқи ва ўрта қулоқ сурункали отитлар;

туботитлар;

сурункали риносинуситлар;

сурункали тонзиллит токсико-аллергик шакли;

мастоидитлар;

евфстахиит;

этмоидит;

тимпаносклероз;

отосклероз, юмшоқ танглай гипертрофияси;

эшитиш қобилиятининг сустлиги ва карлик;

полипоз;

полисинусит;

ҳиқилдоқ папиломатози;

ташқи эшитув атрезияси;

ташқи ва ички бурун деформациялари;

ташқи қулоқ деформациялари.

10. Туғма юрак нуқсонлари касалликлари:

очиқ артериал йўл;

аорта коарктацияси;

аорта равоғи гипоплазияси;

аорта равоғи узилиши;

аорта клапани торайиши;

аорта клапани етишмовчилиги;

кўтариловчи аорта гипоплазияси синдроми;

кўтариловчи аорта қисми аневризмаси;

ўпка артериясининг клапанли торайиши;

ўпка артерияси клапанининг агенезияси;

ўпка артериясининг изолирланган торайиши;

бўлмачалараро тўсиқ нуқсони;

бўлмачалараро тўсиқ нуқсони ва ўпка артерияси торайиши;

уч бўлмачали юрак нуқсони;

қоринчалараро тўсиқ нуқсони;

- коринчалараро тўсиқ нуқсони ва ўпка артерияси торайиши;
Вальсальва синуси аневризмаси;
магистрал қон томирларининг ўнг коринчадан чиқиши;
магистрал қон томирларининг чап коринчадан чиқиши;
ўпка веналарининг қисман аномал дренажи;
ўпка веналарининг тотал аномал дренажи;
ўпка веналарининг туғма торайиши;
очиқ атриовентрикуляр канал, нотўлиқ шакли;
очиқ атриовентрикуляр канал, тўлиқ шакли;
аорта-ўпка девори дефекти;
умумий артериал ствол;
Фалло тетрадаси;
ўпка артерияси атрезияси;
трикуспидал клапан атрезияси;
митрал клапан атрезияси;
трикуспидал клапаннинг туғма етишмовчилиги;
митрал клапаннинг туғма етишмовчилиги;
ягона юрак қоринчаси;
Эбштейн аномалияси;
магистрал қон-томирлар транспозицияси;
магистрал қон-томирлар корригирланган транспозицияси;
Criss-cross юрак нуқсони;
юрак тош томирларининг аномал чиқиши;
юрак чап қоринчаси гипоплазияси синдроми;
туғма қон томир ҳалқаси нуқсони;
ўпканинг туғма артерио-веноз оқмалари;
аорта-чап қоринча тоннели;
юрак бўшлиқларидаги структур ва кистоз ҳосилалар.
11. Қизилўнгач ва ошқозон хирургияси касалликлари:
қизилўнгачнинг куйишдан кейинги дисфагия билан асоратланган чандиқли торайиши;
кардиоспазм;
диафрагманинг турли хил асоратланган чурралари.
12. Пластик ва реконструктив микрохирургия касалликлари:
кулоқ супрасининг туғма нуқсонлари (микротия);
қўл ва оёқларнинг туғма нуқсонлари;
қўл ва оёқларда пай, мушак, қон-томир ва нервларнинг жароҳатдан кейинги нуқсонлари;
куйишдан кейинги катта майдонли чандиқлар;
қўл ва оёқлардаги қон-томир, нервлар, пайлар ва мушакларга ўсиб кирган гемангиомалар.
13. Туғма ва орттирилган нуқсонлар хирургияси касалликлари:
а) юрак ревматик касалликлари:
митрал клапан нуқсони;
аортал клапан нуқсони;

трикуспидал клапан нуқсони;
митра-аорта-трикуспидал клапанлар нуқсони;
юрак клапанлари инфекцион эндокардити;

б) перикардит:

экссудатив перикардит;

констриктив перикардит;

в) юрак ўсма касалликлари;

г) юрак эхинококкози;

д) юрак травматик касаллиги.

14. Жигар ва ўт йўллари хирургияси, портал гипертензия ва панкреатодуоденал соҳа хирургияси:

жигарнинг портал гипертензияли диффуз жароҳатланиши (цирроз, фиброз);

жигардан ташқари портал гипертензия: спленопортал тизимининг каверноз трансформацияси; спленопортал тизимининг тромбози; Киари касаллиги, Бадда-Киари синдроми;

ошқозон ости беши кисталари;

панкреатодуоденал соҳа яхши ва ёмон сифатли ўсмалари;

қорин парда орти бўшлиғи яхши ва ёмон сифатли ўсмалари;

ўт йўллари яхши сифатли стриктуралари;

ўт йўллари кистозли кенгайиши;

жигарнинг яхши ва ёмон сифатли ўсмалари;

жигар ва қорин бўшлиғининг асоратланган эхинококкози;

механик сариклик, жигар етишмовчилиги ва перитонит билан асоратланган ўт-тош касаллиги.

15. Ўпка ва кўкс оралиғи хирургияси касалликлари:

тимома миастеник синдром билан;

трахея патологиялари (стенозлар, нуқсонлар, оқма яралар, ҳосилалар);

трахея ва бронхларнинг ёт жисмлар билан шикастланиши;

плевра касалликлари;

ўпка ва кўкс оралиғи яхши сифатли ҳосилалари ва кисталари;

ўпка ва кўкс оралиғи туғма нуқсонлари (гипоплазия, секвестрация, бронхэктазлар, кисталар);

ўпканинг паразитар касалликлари (ўпка эхинококкози: асоратланган, рецидив, кўплаб, медиастинал ва эхинококкознинг қўшма турлари);

кўкрак қафасининг туғма нуқсонлари;

ўпканинг буллёз эмфиземаси ва унинг асоратлари;

Диафрагма патологиялари.

16. Қон-томирлар хирургияси касалликлари:

туғма артерио-веноз дисплазиялар (турли соҳалардаги гемангиома ва лимфангиомалар, Паркс-Вебер-Рубашов касаллиги, Клипел-Триноне синдроми);

жароҳатдан кейинги артерио-веноз оқмалар ва ёлғон аневризмалар;

аорто-артерит, магистрал артерияларнинг окклюзион касалликлари;

магистрал веналар флебэктазияси;

хемодектома, аорта коарктацияси;
сурункали буйрак етишмовчилигининг терминал босқичи.

17. Урологик касалликлар:

Пейрони касаллиги, бунда олатнинг оксил пардасини аутовеноз трансплантат билан ёпиш;

сийдик-тош касаллиги;

каминвазив ва юқори технологияли (эндоскопик, лапароскопик ва экстракорпорал даволаш усуллари орқали) амалиётлар ёрдамида даволаш;

жарроҳлик амалиёти бажарилишини талаб қилувчи сийдик-таносил тизими жароҳатлари (буйрак гематомасини тери орқали пункцияси, нефрэктомия, орхидэктомия, сийдик қопи ёки сийдик найи дефектларини тикиш, уретрада реконструктив муолажалар орқали) (жарроҳлик йўли билан даволаниш учун);

онкоурологик касалликларни каминвазив ва юқори технологияли (тери орқали, трансуретрал, лапароскопик усулларда муолажалар) амалиётлар ёрдамида даволаш;

сийдик-таносил тизими ривожланиш нуқсонларини (жом-сийдик найи сегменти пластикаси, уретеровезикал сегмент пластикаси, уретрада қайта тиклаш операциялари), кам инвазив ва юқори технологияли (тери орқали, трансуретрал, лапароскопик усулларда нуқсонларни бартараф этиш) амалиётлар ёрдамида даволаш.

18. Травматология ва ортопедия касалликлари:

сон суяқларининг туғма чиқиши;

туғма мушакли бўйин қийшиқлиги;

туғма маймоқлик;

сон суяги бошчаси асептик некрози;

сколиоз;

Эрба параличи;

тизза қопқоғини туғма чиқиши;

артрогрипоз;

суякнинг хавфсиз ўсмалари;

болалар церебрал параличи;

нотуккамал остеогенез;

оёқ ўқи қийшиқликлари;

яссиоёқлик;

таянч ҳаракат тизими туғма ривожланиш аномалиялари;

Шпренгель касаллиги;

ўсмасимон касалликлар;

қўл билак ва тирсак қийшиқликлари;

кўкрак қафаси деформациялари;

суяқлардаги туғма сохта бўғимлари;

Блаунт касаллиги;

полиомиелит асоратлари;

остеохондропатия касалликлари;

ўсмирлар эпифизеолизи;

таянч ҳаракат тизимининг тизимли касалликлари;
умуртқа поғонасининг туғма аномалияси.

19. Нейрохирургия касалликлари:

орқа ва бош мия ўсмалари;

краниосиностозлар;

бош мия суяги ва юмшоқ тўқималари ўсмалари;

гидроцефалия;

бош ва орқа мия агрессив кисталари;

бош ва орқа миёдаги яллиғланиш ва паразитар жараёнлар;

туғуруқ пайтидаги марказий ва периферик жароҳатланишлар ва уларнинг асоратлари;

бош мия травматик жароҳатланиши ва уларнинг асоратлари;

ўсиб борувчи бош мия дефекти ва синишлари;

бош мия ва умуртқа поғонаси дизрафик касалликлари;

бош ва орқа мия туғма чурралари;

орқа мия фиксирланган синдроми;

нозал ликворея;

нотравматик мия ичи қон қуйилиши;

бош ва орқа мия қон-томир касалликлари;

туғма церебрал параличлар;

краниовертебрал соҳа аномалиялари;

умуртқа ва орқа мия травмалари ва уларнинг асоратлари;

эпилепсия.

20. Терапия ва тиббий реабилитация касалликлари:

а) пульмонология касалликлари:

бронхиал астма хуружлараро даври;

обструктив бронхит ремиссия даври;

рецидив бронхит ремиссия даври;

сурункали бронхит ремиссия даври;

бронхоэктатик касаллик;

зотилжам;

аллергик ринит ремиссия даври;

б) гастроэнтерология касалликлари:

ошқозон яра касаллиги ремиссия даври;

ичак таъсирланиш синдроми;

ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги ремиссия даври;

сурункали холецистит ремиссия даври;

сурункали панкреатит ремиссия даври;

сурункали гепатит нофаол даври;

в) неврология касалликлари:

менингит, энцефалит, полиомиелит асоратлари ремиссия даври;

церебрал лептоменингит ремиссия даври;

наслий мушак-нерв касалликлари спинал ва неврал амиотрофия ремиссия даври;

бош мия жароҳати асорати ремиссия даври;

болалар церебрал параличи энгил шакли;
полиневрорадикулопатия ремиссия даври;
г) ревматология касалликлари:
ревматоидли артритнинг 2-3 даражаси фаол даври;
реактив артропатия бўғимларнинг эрозив ўзгариши, Рейтер касалиги;
сколиознинг 3-4 даражаси. Кифоз, кифолордоз, туғма бўйин қийшиқ-

лиги;

кўкрак қафаси деформацияси қўл ва оёқлар қийшиқлиги;

сон-чаноқ бўғимлари туғма чиқиши;

сон-чаноқ бўғимлари дисплазияси асорати;

коксартроз;

остеохондропатия;

д) кардиология касалликлари:

атрио-вентрикуляр блокаданинг 2-3 даражаси;

синус тугуни сустлиги синдроми;

юрак ритмининг бузилиши (бўлмачалар ҳилпиллаши);

юрак ритмининг бузилиши (бўлмачалар титраши);

юрак ўтказувчанлигининг бузилиши (WPW синдроми);

юрак ритмининг бузилиши атрио-вентрикуляр тугуни реципроктахикардияси;

юрак ритмининг бузилиши (юқори даражадаги қоринчалар экстрасистолияси);

юрак ритмининг бузилиши (қоринчалар тахикардияси).

21. Кўз микрохирургияси касалликлари:

кўз гавҳарини люксацияси, сублюксация билан боғлиқ касалликлар, Марфан, Марчезани синдромлари (икки ёшдан бошлаб);

туғма катарактанинг барча турлари;

асоратли ва травмадан кейинги катаракта (икки ёшдан бошлаб);

инфантил, ювенил глаукома (уч ёшдан бошлаб);

тўр парда йиртилишларининг ва кўчишларининг барча турлари (икки ёшдан бошлаб);

шоҳ парда беломаси ва дистрофияси (жарроҳлик амалиёти учун беш ёшдан бошлаб);

қовоқ касалликлари — птоз, эктропион, энтропион (қайта жарроҳлик амалиёти ўтказиш учун);

қовоқларнинг чандиқланиши натижасида ривожланган касалликлар — эктропион, энтропион, птоз;

хамкор ва паралитик вилайликларнинг барча турлари (атипик турлари, ДВД синдром, Дуйэна синдроми, А ва V паттерн);

нистагм касаллиги (жарроҳлик амалиёти ўтказиш учун);

симблефарон касаллиги (жарроҳлик амалиёти ўтказиш учун икки ёшдан бошлаб);

кўз олмаси субатрофияси ва анофтальм (протез қўйиш учун);

тўр парданинг периферик дистрофиялари (икки ёшдан бошлаб перифе-

рик тўр парданинг аниқланган йиртилишлари — тўр парданинг чегараланган ва периферик лазер коагуляцияси);

эксимер лазер коррекцияга ёки рефракцион фактоэмульсификацияга кўрсатма бўлган ҳолатларда рефракция аномалиялари: анизометропия, юқори даражали астигматизм;

препролифератив, пролифератив тўр парда лазер коагуляциясига кўрсатма бўлган ҳолатларда диабетик ретинопатия;

гемофтальм;

эндофтальмит.

22. Тери касалликлари: туғма буллёз эпидермолиз, ихтиоз.

2-боб. Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказида патологияли ҳомиладор аёллар учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатиладиган касалликлар

23. Юрак қон томир касалликлари:

туғма ва орттирилган юрак нуқсони;

барча турдаги кардиомиопатиялар;

юрак ритми бузилиши билан миокардит ва эндокардитлар;

юрак реконструктив жарроҳликдан кейинги ҳолатлар.

24. Нафас системаси касалликлари:

нафас етишмовчилигини 2-3 даражаси билан асоратланган ўпка касалликлари;

бронхиал астманинг оғир шакллари.

25. Жигар касалликлари:

жигар циррози;

сурункали гепатитнинг фаол даври (С, Д, В турлари).

26. Қандли диабет касаллиги.

27. Токсик буқоқ касаллигининг декомпенсация босқичи юрак ритми бузилиши билан: тиреотоксикоз, диффуз токсик буқоқнинг 3-даражаси.

28. Буйрак касалликлари:

ягона буйрак;

иккиламчи буришган буйрак касаллиги;

гломерулонефрит;

сурункали буйрак етишмовчилиги;

нефростома.

29. Ўта оғир акушерлик касалликлари:

учтадан кўп бўлган 22 ҳафтагача ҳомила тушган ҳолатлар анамнезида кузатилган ҳомиладор аёллар;

иккитадан кўп бўлган 22 ҳафтадан катта эрта туғиш ҳолатлари (перинатал йўқотишлар билан) анамнезида кузатилган ҳомиладор аёллар;

анамнезида иккита ва ундан кўп касал ёки ногирон туғилган чақалоқлари бор ҳомиладор аёллар.

30. Қон ва қон яратувчи аъзолар касалликлари:
камқонликнинг оғир шакли (гемоглобин 70 г/л ва ундан кам);
туғма ва ортирилган тромбоцитопатиялар.
31. Бириктирувчи тўқималар тизимли касалликлари (коллагеноз):
тизимли қизил югурик, полиартерит, склеродермия, геморрагик васкулит;
Бехтерев касаллиги.
32. Кўкрак қафасида, қорин бўшлиғида, кичик чанок бўшлиғида (ўпка,
буйрак, жигар, сийдик пуфағи, сийдик йўллари, қора талоқ, ингичка ва
тўғри ичак, чанок суяклариди) реконструктив жарроҳлик амалиёти ўтказилган
ҳомиладор аёллар.
33. Кўз касалликлари: глаукома.
34. 18 ёшгача бўлган патологияли ҳомиладор аёллар.
35. Турли ёмон сифатли ва чегарадош ўсма касалликлари.
36. Туберкулёз (сил) касаллиги.
37. Сурункали ва узоқ кечувчи руҳий бузилишлар.
38. Неврологик касалликлар:
мияда қон айланишининг ўткир бузилиши;
бош мия ва орқа мияда жарроҳлик даволанишдан кейинги ҳолат;
тутқаноқнинг (эпилепсия) оғир турлари;
миастения;
Гиен-Барре синдроми;
тромбоз ва тромбоэмболик асоратлар.

**3-боб. Республика ихтисослаштирилган эндокринология
илмий-амалий тиббиёт марказида эндокрин касалликларига
чалинган беморлар учун Ўзбекистон Республикасининг
Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий ёрдам
кўрсатиладиган касалликлар**

**1-§. 18 ва ундан катта ёшдаги эндокрин касалликларига
чалинган беморлар учун Республика ихтисослаштирилган
эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида Ўзбекистон
Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан
тиббий ёрдам кўрсатиладиган касалликлар**

39. Ҳомиладор аёлларда 1-тур қандли диабет (24 ҳафтагача). Қандли
диабетнинг ривожланиб боровчи қон томир асоратлари (ретинопатия,
нефропатия).
40. Ҳомиладор аёлларда 2-тур қандли диабет (24 ҳафтагача). Қандли
диабетнинг ривожланиб боровчи қон томир асоратлари (ретинопатия,
нефропатия).
41. Қандли диабетда «Шарко тўпиғи»нинг сурункали асоратланган бос-
қичи. Тўпиқ трофик яралари.
42. Қандли диабетда «Диабет тўпиқ» синдроми, болдир, сон ампутация-
сидан кейинги ҳолат, асоратланган флегмона чўлтоғи.

43. Ҳомиладор аёлларда тиреотоксикознинг оғир, лабил кечиши (асоратланган мерцал аритмия).

44. Тиреотоксикоз, тиреостатикларга аллергияси бўлган беморларга радиойодтерапия.

45. Тиреотоксик юрак ва жигар билан оғриган беморларга радиойодтерапия.

46. Радиойодтерапия, тил илдизи буқоқи (қалқонсимон без эктопияси).

47. Struma magna, странгуляр синдроми (жарроҳлик даволаниш учун).

48. Акромегалия (жарроҳлик даволаниш учун).

49. Акромегалия асоратларининг мавжудлиги (иккиламчи остеопороз, симптоматик артериал гипертензия, глюкоза толерантликнинг бузилиши, иккиламчи гипотериоз, иккиламчи гипокортицизм, иккиламчи гипогонадизм).

50. Адrenокортикотроп гармонига боғлиқ бўлган Иценко-Кушинг синдроми (жарроҳлик даволаниш учун).

51. Адrenокортикотроп гармонига боғлиқ бўлмаган Иценко-Кушинг синдроми (жарроҳлик даволаниш учун).

52. Адrenокортикотроп гармонига боғлиқ бўлган Иценко-Кушинг синдроми пангипопитуитаризм билан.

53. Феохромцитома (жарроҳлик даволаниш учун).

54. Бирламчи гиперпаратиреоз кўплаб синишлар билан (жарроҳлик даволаниш учун).

2-§. 18 ёшгача бўлган эндокрин касалликларига чалинган беморлар учун Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатиладиган касалликлар

55. Иккиламчи ва учламчи гипотиреоз ўсмалари (краниофарингиома), грануломатоз жараёнлар, краниоцеребрал травмалар, нур терапияси, химио-терапия).

56. Тиреотоксикознинг 3-даражаси асоратлари, тиреотоксик юрак, эндокрин энцефалопатияси, эндокрин офтальмопатияси, тиреостатик терапияли агранулоцитоз).

57. Тугунли, кўп тугунли токсик буқоқ (диффуз токсик буқоқ декомпенсацияси, тиреотоксик юрак, эндокрин офтальмопатияси, тиреостатик терапияли агранулоцитоз).

58. Тугунли буқоқ, кўп тугунли буқоқ, токсик аденома, аралаш токсик буқоқ, тиреотоксикоз касалликларининг ёмон сифатли ўсиш белгилари (жарроҳлик даволаниш учун).

59. Тил илдизидаги буқоқ (қалқонсимон безнинг эктопияси).

60. 1 ва 2-даражали гиперпаратиреоз (даволаш усулларини аниқлаш ва жарроҳлик даволаниш учун).

61. Идиопатик, псевдогипопаратиреоз гипопаратиреоз (ташхис кўйиш учун).

62. Янги аниқланган 1-тур қандли диабет (инсулинотерапия коррекцияси учун), 1-тур қандли диабетнинг лабил кечиши.

63. Неонатал қандли диабет.
64. 1-тур қандли диабет, қандли диабетнинг сурункали асоратларини даволаш, диабет нефропатияси (сурункали буйрак етишмовчилигининг 5-диализи).
65. Пастбўйлик. Пастбўйликнинг туғма ва пубертат шакллари (ташхис қўйиш учун).
66. Буйрак усти бези пўстлоқ қисмининг туғма бузилиши, 21-гидроксилаза етишмовчилиги 11^β-гидроксилаза вирил шакли (ташхис қўйиш учун).
67. Жинс шакланишининг бузилиши (ташхис қўйиш учун).
68. Эрта жинсий етуклик (ташхис қўйиш учун).
69. Болалардаги феохромацитома.
70. Гигантизм (ташхис қўйиш учун).
71. Адренкортикотроп гармонияга боғлиқ бўлган Иценко-Кушинг синдроми (жарроҳлик даволаниш учун).
72. Адренкортикотроп гармонияга боғлиқ бўлмаган Иценко-Кушинг синдроми (жарроҳлик даволаниш учун).
73. Пангипопитуитаризм (ташхис қўйиш учун).
74. Гипоганадотроп гипоганодизмнинг туғма шакллари: Кальман, Прадера-Вилли, Лауренс-Муну-Барде-Билдя синдромлари (ташхис қўйиш учун).
75. Гипоганадотроп гипергонадизмнинг туғма шакллари: Шершевский-Тернер, Клайнфельтер, Нунан, Андрогенларга сезувчанликнинг сусайиши синдромлари (ташхис қўйиш учун).

**4-боб. Республика ихтисослаштирилган
дерматовенерология ва косметология илмий-амалий
тиббиёт марказида жинсий йўл билан юктириладиган
касалликларга чалинган беморлар учун Ўзбекистон
Республикасининг Давлат бюджети маблағлари
ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатиладиган касалликлар**

**1-§. 18 ва ундан катта ёшдаги жинсий йўл билан
юктириладиган касалликларга чалинган беморлар учун
Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва
косметология илмий-амалий тиббиёт марказида Ўзбекистон
Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан
тиббий ёрдам кўрсатиладиган касалликлар**

76. Хавфли ўсмалар: Капоши саркомаси, Т ва В хужайрали лимфома.
77. Бириктирувчи тўқималар тизимсиз касалликлари: тизимсиз қизил югурик, склеродермия, аллергик ва геморрагик васкулит, Бехчет касаллиги, дерматомиозит.
78. Дерматит ва эритемалар: токсикодермия (шу жумладан, КЭЭ, Стивенсон Джонсон синдроми).
79. Буллёз ўзгаришлар: пўрсилдоқ яра, Дюринг герпетиформ дерматити, Левер пемфигоиди.

80. Туғма нуқсонлар: туғма буллёз эпидермолиз, ихтиоз.
81. Дискератоз ва кератодермиялар: Даръе касаллиги, Кератодермиялар.
82. Псориаз: эксудатив, артропатик, псориадик эритродермия.
83. Сурункали ярали пиодермия.
84. Фотодерматоз: тери порфирияси.
85. Пеллагроид дерматит.
86. Хуснбузар касаллиги: абсцессланувчи ва конглабат шакллари.
87. Витилиго касаллиги: бешдан ортик ўчоқлар мавжуд бўлса.
88. Алопеция.
89. Экземалар: микотик, микробли ва дисгидротик.
90. Замбуруғ касалликлари: трихофития, фавус, микроспория, кандидоз (тарқалган, гранулематоз), чуқур микозлар (бластомикоз, криптококкоз, гистоплазмоз, кокцидиоз, споротрихоз, мукороз, аспергиллез, пенициллёз, хромомикоз, L35,37, В40-48).
91. Паразитар касалликлар: тери лейшманиози.
92. Вирусли касалликлар: ўраб олувчи темиртки.
93. Хомидалар дерматитлари: герпетиформ импетиго, хомиладорлик учуқлари (O26), ўткир учли кондиломалар.
94. Нейродермит.
95. Жинсий йўл орқали юқувчи инфекциялар: бирламчи аниқланган захмнинг ҳамма турлари; сўзакнинг ҳамма турлари.

2-§. 18 ёшгача бўлган жинсий йўл билан юқтириладиган касалликларга чалинган беморлар учун Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатиладиган касалликлар

96. Хавфли ўсмалар:Капоши саркомаси, Т ва В хужайрали лимфома.
97. Бириктирувчи тўқималар тизимсиз касалликлари: тизимсиз қизил югурик, склеродермия, аллергия ва геморрагик васкулит, Бехчет касаллиги, дерматомиозит.
98. Дерматит ва эритемалар: токсикодермия (шу жумладан, КЭЭ, Стивенсон Джонсон синдроми).
99. Буллёз ўзгаришлар: пўрсилдоқ яра, Дюринг герпетиформ дерматити, Левер пемфигоиди.
100. Дискератоз ва кератодермиялар: Даръе касаллиги, кератодермиялар.
101. Псориаз: эксудатив, артропатик, псориадик эритродермия.
102. Сурункали ярали пиодермия.
103. Фотодерматоз: тери порфирияси.
104. Пеллагроид дерматит.
105. Энтеропатик акродерматит.
106. Хуснбузар касаллиги: абсцессланувчи ва конглабат шакллари.
107. Витилиго касаллиги: бешдан ортик ўчоқлар мавжуд бўлса.

108. Алопеция.
109. Экземалар: микотик, микробли ва дисгидротик.
110. Замбуруғ касалликлари: трихофития, фавус, микроспория, кандидоз (тарқалган, гранулематоз), чуқур микозлар (бластомикоз, криптококкоз, гистоплазмоз, кокцидиоз, споротрихоз, мукороз, аспергиллез, пенициллёз, хромомикоз).
111. Паразитар касалликлар: тери лейшманиози.
112. Вирусли касалликлар: ўраб олувчи темиртки.
113. Ҳомилалар дерматитлари: герпетиформ импетиго, хомиладорлик учуқлари, ўткир учли кондиломалар.
114. Нейродермит.
115. Жинсий йўл орқали юқувчи инфекциялар: бирламчи аниқланган захмнинг ҳамма турлари; сўзакнинг ҳамма турлари.

5-боб. Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказида сил касаллигига чалинган беморлар учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатиладиган касалликлар

1-§. 18 ва ундан катта ёшдаги сил касаллигига чалинган беморлар учун Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатиладиган касалликлар

116. Фтизиатрия(сил) касалликлари:
диссеминацияли сил;
миллиар сил;
казеоз зотилжам;
кавернали сил;
фиброз кавернали сил;
цирротик сил;
силнинг дориларга чидамли тури (МЛУ);
силнинг дориларга чидамли турининг оғир шакли (ШЛУ);
силнинг резистент турининг «муваффақиятсиз даволаш» натижалари;
сил плеврити (плевра эмпиемаси);
кониосил;
бош мия пардаси ва марказий нерв тизимининг сили;
ичак, қорин пардаси ва ичак тутқичларининг лимфа тугунлари сили;
суяк ва бўғинлар сили;
сийдик таносил аъзолари сили;
тери ва тери ости ёғ қатлами сили;
кўз сили;
силнинг асоратли турлари (қон тупуруш, пневмоторакслар, плевра

эмпиемаси, юрак-ўпка етишмовчилигининг 3-4 даражалари, перитонитлар, касалланган органларнинг функционал фаолиятини бузилиши);

йўлдош касалликларнинг декомпенсация даври билан биргаликдаги силнинг барча турлари (қандли диабет, ОИВ билан инфекцияланганлар, лейкоз, вирусли гепатит В, С ва Е турлари);

клиник ташхисни белгилаш ва аниқлаш мақсадида юқори технологияли ташхислаш усуллари зарур бўлган силнинг барча турлари.

117. Пульмонология касалликлари:

сурункали обструктив ўпка касаллигининг (СОЎК) 4-даражаси, оғир хуруж даври (ЖНЧХ1 < 30%), ўткир/сурункали нафас етишмовчилигининг 2-3 даражалари, сурункали ўпка-юрак етишмовчилигининг субкомпенсация/декомпенсация босқичи ва ўпка гипертензиясининг 2 — 4 синфлари;

бронхиал астманинг 4-босқичи, оғир хуруж даврининг кескин ифодаланган обструктив ўзгаришларида (ЖНЧХ1 < 50%), ўткир/сурункали нафас етишмовчилигининг 2-3 даражалари, сурункали ўпка-юрак етишмовчилигининг субкомпенсация/декомпенсация босқичи ва ўпка гипертензиясининг 2 — 4 синфлари, касалликнинг гармонга боғлиқлик ёки гармонга турғунлик ҳолатлар;

бронхоэктатик касаллик, оғир шакли, ўпка вентиляциясининг кескин бузилиши ҳолатлари (ЖНЧХ1 50% кам ва ЎТС 30% кам бўлган), ўткир/сурункали нафас етишмовчилигининг 2-3 даражалари, сурункали ўпка-юрак етишмовчилигининг субкомпенсация/декомпенсация босқичи ва ўпка гипертензиясининг 2 — 4 синфлари, қон тупуриш, миокардиодистрофия, бронхоген сепсис, септикопиемия билан асоратланган ҳолатлар;

шифохонадан ташқари зотилжам, оғир кечиши, иммунодефицит ҳолатлар ва ёндош касалликлар бўлган ҳолда, ўпкани кўп бўлаккли зарарланиши, плеврал бўшлиқларга суюқлик йиғилиши, қон тупуриш, ўпкадан ташқари инфекция ўчоқлари: миокардит, полисерозит, артерит, менингит касалликлари билан асоратланишлар;

яққол ифодаланган рестриктив бузлишлар (ЖЎТС 50% кам бўлган), ўпканинг интерстициал ва гранулематоз касалликлари, ўткир/сурункали нафас етишмовчилигининг 2-3 даражалари билан асоратланиши ёки сурункали ўпка-юрак етишмовчилигининг субкомпенсация/декомпенсация босқичи ёки ўпка гипертензиясининг 2 — 4 синфлари бўлган касалликлар.

**2-§. 18 ёшгача бўлган сил касаллигига чалинган беморлар
учун Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва
пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказида Ўзбекистон
Республикасининг Давлат бюджети маблағлари
ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатиладиган
касалликлар**

118. Фтизиатрия (сил) касалликлари:

болаларнинг силдан захарланиши;

бирламчи сил мажмуаси;

кўкрак ичи лимфа тугунлари сили;

миллиар сил;
тарқалган сил;
ўчоқли сил;
яллиғланган сил;
казеоз зотилжам (ириган зотилжам);
туберкулома;
кавакли сил;
фиброз-кавакли сил;
цирротик сил;
силнинг дориларга чидамли тури (МЛУ);
силнинг дориларга чидамли турининг оғир шакли (ШЛУ);
сил плеврити (жумладан, плевра эмпиемаси);
бронх, трахея, юқори нафас йўллари сили;
нафас аъзолари силининг ўпканинг чангли касб касалликлари билан бирга кечиши;
бош мия пардаси ва марказий нерв тизимининг сили;
ичак, қорин пардаси ва ичак тутқичи лимфа тугунлари сили;
сийдик ва жинсий аъзолар сили;
тери ва тери ости ёғ қавати сили;
периферик лимфа тугунлари сили;
кўз сили;
бошқа аъзолар сили;
силнинг асоратли турлари (қон тупуриш, пневмотораксслар, плевра эмпиемаси, юрак-ўпка етишмовчилигининг 3-4 даражалари, перитонитлар, касалланган органларнинг функционал фаолиятини бузилиши);
йўлдош касалликларнинг декомпенсация даври билан биргаликдаги силнинг барча турлари (қандли диабет, ОИВ билан инфекцияланганлар, лейкоз, вирусли гепатит В, С ва Е турлари);
клиник ташхисни белгилаш ва аниқлаш мақсадида юқори технологияли ташхислаш усуллари зарур бўлган силнинг барча турлари.

6-боб. Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт марказида онкология касалликларига чалинган беморлар учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатиладиган касалликлар

1-§. 18 ва ундан катта ёшдаги онкология касалликларига чалинган беморлар учун Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт марказида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатиладиган касалликлар

119. Таянч-ҳаракат тизими ўсмалари:

а) хавфли ўсмалар:

суяк хавфли ўсмалари;
юмшоқ тўқима хавфли ўсмалари;
тери меланомаси;
тери хавфли ўсмалари;
периферик нерв хавфли ўсмалари;
бирламчи ўчоғи номаълум ўсмалар;
б) саратондан олдинги ҳолат, хавфсиз ўсмалар:
ўтувчи ўсмалар (in situ);
тери меланомаси;
тери карциномаси;
суяк хавфсиз ўсмалар;
юмшоқ тўқима хавфсиз ўсмалари;
терининг хавфсиз ўсмалари;
орқа мия пардалари ўсмалари (КХТ 10: D 32.1);
120. Торакал онкология касалликлари:
а) хавфли ўсмалар:
қизилўнгач хавфли ўсмалари;
ошқозон хавфли ўсмалари;
трахея хавфли ўсмалари;
бронхлар ва ўпкалар хавфли ўсмалари;
айрисимон без хавфли ўсмалари;
юрак, кўкс оралиғи ва плевра хавфли ўсмалари;
нафас органлари ва кўкрак ичи органлари бошқа ноаниқ белгиланган хавфли ўсмалари;
б) чегарадош ўсмалар:
қизилўнгач in situ карциномаси;
трахея in situ карциномаси;
бронх ва ўпка in situ карциномаси;
нафас органлари бошқа қисмлари in situ карциномаси;
нафас органларининг аниқланмаган қисмлари in situ карциномаси;
в) хавфсиз ўсмалар:
қизилўнгач хавфсиз ўсмалари;
трахея хавфсиз ўсмалари;
бронх ва ўпка хавфсиз ўсмалари;
нафас органларининг бошқа аниқланмаган локализацияли хавфсиз ўсмалари;
кўкрак қафаси органлари бошқа ва ноаниқ хавфсиз ўсмалари;
айрисимон без (тимус) хавфсиз ўсмалари;
юрак хавфсиз ўсмалари;
кўкс оралиғи хавфсиз ўсмалари;
кўкрак қафаси бошқа аниқ органлари хавфсиз ўсмалари;
кўкрак қафаси органлари ноаниқ хавфсиз ўсмалари;
плевра мезотелиал тўқимаси хавфсиз ўсмалари;
ўрта қулок, нафас органлари ва кўкрак қафаси органлари аниқланмаган ва номаълум характерли хавфсиз ўсмалари;

- хикилдоқ хавфсиз ўсмалари;
трахея бронх ва ўпкалар хавфсиз ўсмалари;
плевра хавфсиз ўсмалари;
кўкс оралиғи хавфсиз ўсмалари;
айрисимон без хавфсиз ўсмалари;
нафас органларининг бошқа хавфсиз ўсмалари;
нафас органларининг аниқланмаган хавфсиз ўсмалари;
бошқа ва аниқланмаган локализациядаги номаълум хавфсиз ўсмалар.
121. Абдоминал онкология касалликлари:
- а) хавфли ўсмалар:
- ошқозон хавфли ўсма касаллиги;
 - ўн икки бармоқ ичак хавфли ўсма касаллиги;
 - ингичка ичак хавфли ўсма касаллиги;
 - жигар ва жигар ичи ўт йўли хавфли ўсма касаллиги;
 - ўт пуфаги (қопчаси) хавфли ўсма касаллиги;
 - ўт йўлларининг бошқа ва аниқланмаган қисмлари хавфли ўсма касаллиги;
 - ошқозон ости беги хавфли ўсма касаллиги;
 - бошқа ва аниқ кўрсатилмаган ҳазм органларининг хавфли ўсма касаллиги;
 - қорин парда орти соҳаси ва қорин парда хавфли ўсма касаллиги;
 - неходжкин лимфомаси;
 - буйрак усти беги хавфли ўсма касаллиги;
- б) саратондан олдинги ҳолат, хавфсиз ўсмалар:
- ошқозон хавфсиз ўсма касаллиги;
 - ингичка ичак хавфсиз ўсма касаллиги;
 - жигар ва жигар ичи ўт йўли хавфсиз ўсма касаллиги;
 - ўт пуфаги (қопчаси) хавфсиз ўсма касаллиги;
 - ошқозон ости беги хавфсиз ўсма касаллиги;
 - бошқа ва аниқ кўрсатилмаган ҳазм органларининг хавфсиз ўсма касаллиги;
 - қорин парда орти соҳаси ва қорин парда хавфсиз ўсма касаллиги;
 - буйрак усти беги хавфсиз ўсма касаллиги.
122. Онкогинекология касалликлари:
- а) хавфли ўсмалар:
- ташқи жинсий аъзолар ўсмалари;
 - қин хавфли ўсмалари;
 - бачадон бўйни хавфли ўсмаси;
 - бачадон танаси хавфли ўсмалари;
 - тухумдонлар хавфли ўсмалари;
 - иккиламчи тухумдонлар хавфли ўсмалари;
 - бачадон найлари хавфли ўсмалари;
 - бачадон кенг боғлами хавфли ўсмаси;
 - бачадон юмалоқ боғлами хавфли ўсмаси;
 - параметрий хавфли ўсмалари;

аёллар жинсий аъзолари бошқа хавфли ўсмалари;

плацента хавфли ўсмалари;

б) саратондан олдинги ҳолат, хавфсиз ўсмалар:

ташқи жинсий аъзолар интраэпителиал ўсмалари;

қин интраэпителиал ўсмалари;

бачадон бўйни интраэпителиал ўсмаси (cancer in situ);

бачадон танаси интраэпителиал ўсмалари (cancer in situ);

тухумдонлар чегарадош ўсмалари;

ташқи жинсий аъзоларнинг саратондан олдинги (фон) касалликлар;

қин хавфсиз ўсмалари;

1 — 3 даражалибачадон бўйни дисплазияси;

бачадон бўйни лейкоплакияси;

бачадон найчалари хавфсиз ўсмалари;

эндометрий атипик гиперплазияси;

бачадон танаси хавфсиз ўсмалари;

тухумдонлар хавфсиз ўсмалари;

аниқланмаган ёки номаъмалум характеридаги ўсмалар.

123. Онкоколопроктология касалликлари:

а) хавфли ўсмалар:

чамбар ичакнинг ёмон сифатли ўсмалари;

кўр ичак саратони;

чувалчангсимон ўсимта саратони;

кўтарилувчи чамбар ичак саратони;

йўғон ичак ўнг бурчаги саратони;

қўндаланг чамбар ичак саратони;

йўғон ичакнинг чап бурчаги саратони;

пастга тушувчи чамбар ичак саратони;

сигмасимон ичак саратони;

йўғон ичакнинг тотал зарарланиши;

ректосигмоид соҳа саратони;

тўғри ичак саратони;

анал канали ва орқа чиқарув тешиги саратони;

орқа чиқарув тешиги саратони;

анал канали саратони;

анал канали ва орқа чиқарув тешиги саратони билан тотал шикастланиши;

кичик тос ўсмаси;

б) саратондан олдинги ҳолат, хавфсиз ўсмалар:

анал канали полипи;

тўғри ичак полипи;

йўғон ичак диффуз полипозининг тотал жароҳатланиши;

йўғон ичак диффуз полипозининг тотал жароҳатланиши;

йўғон ичак диффуз полипозининг ўнг томонлама жароҳатланиши;

йўғон ичак диффуз полипозининг чап томонлама жароҳатланиши;

диффуз полипозининг дистал жароҳатланиши;

- крон касаллиги (малигнизация);
носпецефик ярали колит (малигнизация);
йўғон ичак ва тўғри ичак хавфсиз ўсмалари.
124. Бош ва бўйин онкологияси касалликлари:
- а) хавфли ўсмалар:
пастки ва юқори лаб хавфли ўсмалари (лаб териси истисно);
оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати хавфли ўсмалари;
сўлак безлари хавфли ўсмалари;
ҳалқум хавфли ўсмалари (бурун, оғиз, хиқилдоқ);
бурун ва ёндош бўшлиқлари хавфли ўсмалари;
хиқилдоқ хавфли ўсмалари;
суяк хавфли ўсмалари;
тери хавфли ўсмалари ва меланома;
юмшоқ тўқима хавфли ўсмалари;
қалқонсимон без хавфли ўсмалари;
бошқа, иккиламчи ва ноаниқ кўрсатилган хавфли ўсмалар;
- б) саратондан олдинги ҳолат, хавфсиз ўсмалар:
карцинома *in situ*;
оғиз бўшлиғи ва ҳалқум хавфсиз ўсмалари;
катта сўлак безлари хавфсиз ўсмалари;
ўрта қулоқ ва нафас йўллари хавфсиз ўсмалари;
суяк, тоғай ва ёғ тўқимаси хавфсиз ўсмалари;
гемангиома ва лимфангиомалар;
бириктирувчи тўқима ва бошқа юмшоқ тўқималар хавфсиз ўсмалари;
пигментли невуслар;
терини бошқа хавфсиз ўсмалари;
қалқонсимон без хавфсиз ўсмалари.
125. Онкоурология касалликлари:
- а) хавфли ўсмалар:
жинсий олат хавфли ўсмалари;
простата беги хавфли ўсмаси;
мойак хавфли ўсмаси;
аниқланмаган эркак жинсий аъзолари ва бошқа хавфли ўсмалари;
буйрак хавфли ўсмаси;
юқори сийдик йўллари хавфли ўсмаси;
қовуқ хавфли ўсмаси;
уретра хавфли ўсмаси;
- б) саратондан олдинги ҳолат, хавфсиз ўсмалар:
жинсий олат хавфсиз ўсмаси;
простата беги хавфсиз ўсмаси;
аниқланмаган эркак жинсий аъзолари ва бошқа хавфли ўсмалари
қовуқ ўсмаси;
мойак хавфсиз ўсмалари;
буйрак хавфсиз ўсмалари;
юқори сийдик йўли хавфсиз ўсмалари;

қовуқ хавфсиз ўсмалари;

уретра хавфсиз ўсмалари.

126. Онкоофтальмология касалликлари:

а) хавфсиз ўсмалар:

қовоқлар териси хавфли пигментли ўсмалари;

қовоқлар териси хавфли ўсмалари;

қовоқ юмшоқ тўқимаси ва бириктирувчи тўқима хавфли ўсмалари;

конъюнктива хавфли ўсмалари;

шоҳ парда хавфли ўсмалари;

тўр парда хавфли ўсмалари;

томирли парда хавфли ўсмалари;

цилиар тана хавфли ўсмалари;

ёш беги ва йўли хавфли ўсмалари;

кўз косаси юмшоқ тўқималари хавфли ўсмалари;

кўз косаси суяк деворининг хавфли ўсмалари;

кўрув нервининг ўсмалари;

диффуз ноходжкин лимфомаси, алоҳида кўрув аъзолари зарарланиши билан;

б) саратондан олдинги ҳолат, хавфсиз ўсмалар:

қовоқ териси, юмшоқ тўқимаси, кўз олмаси ва косаси гемангиомалари ва лимфомалар;

қовоқ териси хавфсиз ўсмаси;

қовоқ бириктирувчи тўқимаси хавфсиз ўсмаси;

қовоқ юмшоқ тўқимаси, конъюнктива, кўз косаси дермоиди;

қовоқ териси, конъюнктива, кўз олмаси пигмент невуслари;

тери безлари ва кўз ёш беги аденомалари;

кўз косаси микс ўсмалари, фибромалар;

конъюнктива эпителиал ўсмалари;

кўз косаси суякли девори ўсмалари.

127. Онкомамология касалликлари:

а) хавфли ўсмалар:

сут беги саратони;

сут беги педжет саратони;

филлоид ўсмаларнинг саркаматоз тури;

б) саратондан олдинги ҳолат, хавфсиз ўсмалар:

карцинома in situ;

сут безининг номаълум характердаги ўсмалар;

фиброаденома;

филлоид ўсмалар;

филлоид ўсмаларнинг хавфсиз тури;

филлоид ўсмаларнинг псевдосаркаматоз тури;

ювенил фиброаденома;

цистаденома.

128. Радиотерапия (нур терапияси) қўлланилувчи касалликлар:

бош мия глиал ўсмалари;

бош мия ноглиал ўсмалари;
бачадон танаси ўсмаси;
бачадон бўйни ўсмаси;
сут беги ўсмалари;
лимфомалар;
тўғри ичак ўсмалари;
анал канали ўсмаси;
орқа мия ўсмалари;
бош-бўйин ўсмалари;
кин хавфли ўсмалари;
Вульва ўсмаси.

129. Химиотерапия қўлланилувчи касалликлар:
трофобласт касаллиги;
хавфли лимфомалар;
майда ҳужайрали ўпка саратони;
мезателиома.

2-§. 18 ёшгача бўлган онкология касалликларига чалинган беморлар учун Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт марказида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатиладиган касалликлар

130. Хавфли ўсмалар:
юмшоқ тўқима саркомалари (фибросаркома, рабдомиосаркома, синовиал саркома, липосаркома, ангиосаркома, десмоид ўсмалар);
қорин бўшлиғи ва қорин парда орти соҳалари ноорган хавфли ўсмалари (нейробластома, ганглионейробластома, тератобластома);
кўкс оралиғи хавфли ўсмалари (нейробластома, тератобластома, хавфли тимома, рабдомиосаркома);
буйрак усти беги хавфли ўсмалари (феохромоцитома, нейробластома);
буйрак хавфли ўсмалари (нефробластома, буйрак саратони);
жигар хавфли ўсмалари (гепатобластома, гепатоцеллюляр саратони);
кин ва бачадон хавфли ўсмалари;
тухумдонлар хавфли ўсмаси (дисгерминома, эмбрионал карцинома, тератобластома, аденокарцинома);
мойкалар хавфли ўсмаси (тератобластома, эмбрионал карцинома, семинома);
сийдик қопи хавфли ўсмалари (рабдомиосаркома, нейробластома);
узун ва калта найсимон суяклар хавфли ўсмалари (остеоген саркома, хондросаркома, Юинг саркомаси, хавфли гигант-ҳужайрали ўсма);
қалқонсимон без хавфли ўсмалари;
терида учрайдиган хавфли ўсмалар (меланома, дерматофибросаркома);
ноходжкин лимфомалари;
Ходжкин лимфомалари;

хавфли гистоцитоз;

бош мия хавфли ўсмалари;

бош мия хавфсиз ўсмалари;

орқа мия каналида хавфли ўсмалар.

131. Саратондан олдинги ҳолат, хавфсиз ўсмалар:

тери ва юмшоқ тўқима хавфсиз ўсмалари (гемангиома, лимфангиома, фибролипома, фиброма);

бурун-ҳалқум соҳаси хавфсиз ўсмалари (ангиофиброма, тарқалган аденоматоз полип);

қорин бўшлиғи ва қорин парда орти хавфсиз ўсмалари (ганглионевринома, невринома, тератома, дермоид киста);

жағ суяклари остеодисплазиялари (фиброз дисплазия, остеома, остеохондрома);

сўлак безларнинг аралаш ўсмалари;

қалқонсимон без ўсмалари;

сут безлари фиброаденомалари;

узун ва калта найсимон суяклар хавфсиз ўсмалари (остеома, остеохондрома, экзостоз, фиброз дисплазия);

тери хавфсиз ўсмалари (пигментли невус, дерматофиброма, ангиопапилома);

тухумдонлар хавфсиз ўсмалари (тератома, дермоид киста);

мойларнинг хавфсиз ўсмалари (тератома).

Изоҳ: мазкур Рўйхатда белгиланган касалликларга чалинган шахсларга тиббий ёрдам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 сентябрдаги 696-сон «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббиёт ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағлари ҳисобига тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига асосан кўрсатилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**590 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 15 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 552-5

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 15 августдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан,
буюраман:

1. Давлат қисқа муддатли облигациялари чиқарилишлари билан ишлаш ва уларни муомалада бўлиши тўғрисида низомни (рўйхат рақами 552, 1998 йил 30 ноябрь) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2019 йил 7 августдаги 17-25/367-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўйидагилар Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1998 йил 9 ноябрда 218-сон билан тасдиқланган Давлат қисқа муддатли облигациялари чиқарилишлари билан ишлаш ва уларни муомалада бўлиши тўғрисида низом (рўйхат рақами 552, 1998 йил 30 ноябрь);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1999 йил 20 ноябрда 218-1-сон билан тасдиқланган Давлат қисқа муддатли облигациялари чиқарилишлари билан ишлаш ва уларнинг муомалада бўлиши тўғрисидаги низомга 1-сон ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 552-1, 2000 йил 11 май);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 16 декабрдаги 218-2-сон «Давлат қисқа муддатли облигациялари чиқарилишлари билан ишлаш ва уларни муомалада бўлиши тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 552-2, 2013 йил 26 декабрь);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 28 декабрдаги 35/7-сон «Давлат қисқа муддатли облигациялари чиқарилишлари билан ишлаш ва уларни муомалада бўлиши тўғрисидаги низомга ўзгар-

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 15 августда эълон қилинган.

тириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 552-3, 2016 йил 5 февраль);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 26 сентябрдаги 21/9-сон «Давлат қисқа муддатли облигациялари чиқарилишлари билан ишлаш ва уларни муомалада бўлиши тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 552-4, 2017 йил 26 сентябрь).

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 15 август,
341-мх-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

591 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 15 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1319-2

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 15 августдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаш-

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 15 августда эълон қилинган.

тиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан,
бўюраман:

1. «Тижорат банклари томонидан «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятларига минерал ўғит ва ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари хариди учун қисқа муддатли мақсадли кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни (рўйхат рақами 1319, 2004 йил 2 март) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2019 йил 7 августдаги 17-25/367-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўйидагилар Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Молия вазирлигининг 2004 йил 21 февралдаги 246-В, 33-сон «Тижорат банклари томонидан «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятларига минерал ўғит ва ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари хариди учун қисқа муддатли мақсадли кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1319, 2004 йил 2 март);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Молия вазирлигининг 2010 йил 23 январдаги 3/1, 7-сон «Тижорат банклари томонидан «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятларига минерал ўғит ва ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари хариди учун қисқа муддатли мақсадли кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1319-1, 2010 йил 8 февраль).

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 15 август,
342-мх-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

592 Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида автомобиль ва темир йўл транспорт воситаларида божхона назорати остидаги товарлар ташилганда юк бўлимларига махсус божхона пломбалари қўйиш қоидаларига қўшимчалар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
16 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2904-1*

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юриштиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2017 йил 18 июлдаги 01-02/12-24-сон қарори (рўйхат рақами 2904, 2017 йил 27 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 30-сон, 755-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида автомобиль ва темир йўл транспорт воситаларида божхона назорати остидаги товарлар ташилганда юк бўлимларига махсус божхона пломбалари қўйиш қоидаларига иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

М. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 15 июль,
01-02/12-45-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 16 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил
15 июлдаги 01-02/12-45-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида автомобиль
ва темир йўл транспорт воситаларида божхона назорати
остидаги товарлар ташилганда юк бўлимларига махсус
божхона пломбалари қўйиш тўғрисидаги қоидаларига
киритилаётган қўшимчалар**

1. 1-банднинг иккинчи хатбошиси «фойдаланиладиган» деган сўздан кейин «, шунингдек транспорт воситаларини бошқариш ва назорат қилишнинг онлайн механизмини назарда тутадиган навигацион» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. 4-бандда:

қуйидаги мазмундаги бешинчи — саккизинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«халқаро шартномаларга мувофиқ, божхона идентификациялаш воситалари сифатида тан олинган хорижий давлатларнинг божхона хизматлари томонидан транспорт воситалари, товарлар ва почта жўнатмаларига қўйилган божхона пломбалари, муҳр, штамп излари ва расмий белгилар, шунингдек транспорт, экспедиторлик ташкилотлари томонидан транспорт воситаларига қўйилган пломба, муҳр ҳамда расмий белгилар мавжуд бўлган ҳолларда;

жўнатувчи божхона постларида хавфни бошқариш автоматлаштирилган ахборот тизими қўлланилган ҳолларда, агар транспорт воситаси ва унинг юк бўлимида божхона қонун ҳужжатлари бузилиши хавфининг белгилари аниқланмаган ҳолатларда (транзит товарлар ортилган транспорт воситалари ҳамда халқаро ҳужжатларда кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно);

товар сифатидаги автотранспорт ташишда фойдаланиладиган транспорт воситасига;

чегара божхона постлари ҳудудларига туташ жойларда жойлашган божхона терминалларига юбориладиган автотранспорт воситаларига;»;

бешинчи хатбоши тўққизинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2019 йил 10 августдан 16 августгача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 13 июлдаги 15/9-сон «Кўп валютали бухгалтерия ҳисоби тизимида Ўзбекистон Республикаси банклари балансининг актив ва пасивларидаги валюта ҳисобварақлари қолдиқларини қайта баҳолаш қоидалари ва унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 12 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 535-3.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 13 июлдаги 15/10-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 12 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1834-8.

3. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 26 июлдаги 2019-45-сон «Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 12 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2383-5.

4. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 12 августдаги 329-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чикариш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 12 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 989-2.

5. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 12 августдаги 330-мх-сон «Тижорат ташкилотлари таъсис ҳужжатларининг намунавий шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 12 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2848-4.

6. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 13 августдаги

331-мх-сон «Идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 13 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1474-2.

7. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 13 августдаги 332-мх-сон «Идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 13 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2097-3.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 29 июлдаги 6-мб-сон «2019 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорнинг 102-иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 13 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3083-2.

9. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2019 йил 29 июлдаги 209-сон «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати техника назорати бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқнинг 2.2-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 13 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1252-4.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг 2019 йил 30 июлдаги 4-сон, 63-ққ-сон «Автотранспорт воситаларини тасарруф этиш ва уларни бошқариш ҳуқуқини берувчи ишончномаларни расмийлаштириш бўйича» кўрсатмани ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 13 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 929-1.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2019 йил 2 августдаги 7-сон «Ўзбекистон Республикаси фойдали қазилмалари захираларини ҳисобга олиш ва ҳисобот балансларини тузиш бўйича йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 13 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2699-1.

12. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 14 августдаги 337-мх-сон «Идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 14 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1759-1.

13. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 14 августда-

ги 338-мх-сон «Идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 14 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2635-1.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардиясининг 2019 йил 22 июлдаги 5, 58-ққ, 17-сон «Тошкент давлат юридик университетининг Ихтисослаштирилган филиали талабалари томонидан амалиёт ва касбий стажировкани ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 15 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3175.

15. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2019 йил 18 июлдаги 89-сон «Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблаглари ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатиладиган касалликлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 15 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3176.

16. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 15 августдаги 341-мх-сон «Идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 15 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 552-5.

17. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 15 августдаги 342-мх-сон «Идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 15 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1319-2.

18. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 15 июлдаги 01-02/12-45-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида автомобиль ва темир йўл транспорт воситаларида божхона назорати остидаги товарлар ташилганда юк бўлимларига махсус божхона пломбалари қўйиш қоидаларига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 16 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2904-1.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан Кўп валютали бухгалтерия ҳисоби тизимида Ўзбекистон Республикаси банклари балансининг актив ва пасивларидаги валюта ҳисобварақлари қолдиқларини қайта баҳолаш қоидалари (рўйхат рақами 535, 1998 йил

16 ноябрь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 535-1, 2017 йил 26 октябрь), (рўйхат рақами 535-2, 2018 йил 5 сентябрь).

Адлия вазирининг 2019 йил 12 августдаги 326-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида Ўзбекистон Республикаси хўжалик юритувчи субъектлари томонидан тузиладиган бартер контрактлари (шартнома, битимлар)ни рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 989, 2000 йил 2 декабрь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 989-1, 2004 йил 14 июнь).

Адлия вазирининг 2019 йил 12 августдаги 329-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг «Тижорат ташкилотлари таъсис ҳужжатларининг намунавий шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2848, 2016 йил 20 декабрь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 2848-1, 2017 йил 28 февраль), (рўйхат рақами 2848-2, 2017 йил 16 июнь), (рўйхат рақами 2848-3, 2018 йил 9 апрель).

Адлия вазирининг 2019 йил 12 августдаги 330-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигининг «Шахпахта» конини қўшимча очиш бўйича 2004 йил 14 апрелдаги махсулот тақсмотига оид битим доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштирув қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1474, 2005 йил 2 май), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1474-1, 2013 йил 20 сентябрь).

Адлия вазирининг 2019 йил 13 августдаги 331-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг «Қандим кон гуруҳи участкаси, Хаузак ва Шоди участкалари, шунингдек, Қўнғирот участкаларига оид махсулотни тақсимлаш ҳақидаги 2004 йил 16 июндаги битим доирасида ва Ўзбекистон Республикаси жануби-ғарбий Ҳисор ва Устюрт минтақаси ҳудудларидаги конлар бўйича 2007 йил 23 январдаги махсулот тақсмотига оид битим доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2097, 2010 йил 19 апрель), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2097-1, 2013 йил 30 август), (рўйхат рақами 2097-2, 2015 йил 11 сентябрь).

Адлия вазирининг 2019 йил 13 августдаги 332-мҳ-сон буй-руғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг «Автотранспорт воситаларини тасарруф этиш ва уларни бошқариш ҳуқуқини берувчи ишончномаларни расмийлаштириш бўйича» кўрсатмаси (рўйхат рақами 929, 2000 йил 31 май).

Адлия вазирининг 2019 йил 13 августдаги 335-мҳ-сон буй-руғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

7. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлигининг «Доимий равишда спорт билан шуғулланувчи болалар сонини белгилашнинг аниқ мезонлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1759, 2008 йил 16 январь).

Адлия вазирининг 2019 йил 14 августдаги 337-мҳ-сон буй-руғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

8. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг «Ота-онасининг қаровисиз қолган ва тўлиқ давлат таъминотида бўлган болалар учун Болалар шаҳарчасининг намунавий уставини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2635, 2014 йил 15 декабрь).

Адлия вазирининг 2019 йил 14 августдаги 338-мҳ-сон буй-руғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан Давлат қисқа муддатли облигациялари чиқарилишлари билан ишлаш ва уларни муомалада бўлиши тўғрисида низом (рўйхат рақами 552, 1998 йил 30 ноябрь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 552-1, 2000 йил 11 май), (рўйхат рақами 552-2, 2013 йил 26 декабрь), (рўйхат рақами 552-3, 2016 йил 5 февраль), (рўйхат рақами 552-4, 2017 йил 26 сентябрь).

Адлия вазирининг 2019 йил 15 августдаги 341-мҳ-сон буй-руғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Молия вазирлигининг «Тижорат банклари томонидан «Қишлоқхўжалиқкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятларига минерал ўғит ва ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари хариди учун қисқа муддатли мақсадли кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1319, 2004 йил 2 март), шунингдек унга ўзгартириш (рўйхат рақами 1319-1, 2010 йил 8 февраль).

Адлия вазирининг 2019 йил 15 августдаги 342-мҳ-сон буй-руғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

